



**Жамоатчилик кенгаши раиси:**

Абдулла ОРИПОВ

**Жамоатчилик кенгаши:**

Нажмиддин ЖИЯНОВ  
Азамат УМАРОВ  
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА  
Аҳмад ОТАБОЕВ  
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ  
Аҳмад УСМОНОВ

**Бош муҳаррир:**

Собир УНАР

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

Луқмон БЎРИХОН

**Масъул котиб:**

Акбарали МАМАСОЛИЕВ

**Таҳрир ҳайъати:**

Муҳаммад АЛИ  
Иқбол МИРЗО  
Сирождин САЙИИД  
Алишер НАЗАР  
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

**Саҳифаловчи:** Фиёсиддин ОМОН ўғли

Ушбу сон "Ёшлик" журнали таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

**Манзилмиз:**

Тошкент, шаҳри,  
Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16-"а" уй.

**E-mail:** yoshlik-xatlar@rambler.ru

**Tel/факс:** (8371) 227-0-227,  
245-5-793, 245-0-552



© "Ёшлик" №3 (287) 2015 й.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,  
"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати муассислигидаги  
ёшларнинг адабий-ижтимоий журнали  
1982 йилдан чиқа бошлаган.

## МУНДАРИЖА

### МУЛОҚОТ

**ФАХРИЁР.** Эплаб ёзишдан бошқа мезон йўқ. .... 2

### АДИБ ХОНАДОНИДА

**Жамила ЭРГАШЕВА.** Маънавият бешиги. .... 6

### НАЗМ

**Зебо РАҲИМОВА.** Шуълага осилиб арғимчоқ учдим. .... 10

**Нилуфар УМАРОВА.** Нурлар тўкилади йўлакка сим-сим. .... 30

**Ирода УМАРОВА.** Заминни уйғотди яшил хўрсиниқ. .... 52

### НАСР

**Гўзалой СОЛИҲ қизи.** Сиз ўшамми? Қисса. .... 13

**Шахло АҲРОРОВА.** Икки ҳикоя. .... 36

**Холиёр САФАРОВ.** Оғриқ. Ҳикоя. .... 45

### ОЙБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 110 ЙИЛЛИГИ

**Собир УНАР.** Ойбегимиз. .... 32

### ДИЛКЎПРИК

Сувнинг ҳаводаги дастхати. .... 42

### БИРИНЧИ УЧРАШУВ

**Зухро ЭШОНҚУЛОВА.** Умримга маънилар беради Ҳаёт. .... 49

**Нодира НАЗАР.** Унутмагин бизлар ўтган шаън йўлларни. .... 60

### ТАДҚИҚОТ

**Беҳруз АВАЗОВ.** Нилуфардан таралган кўшиқ. .... 50

### ЖАҲОН ҲИКОЯЧИЛИГИ

**Александр КУПРИН.** Зумрад от. Ҳикоя. .... 54

### МУШОҲАДА

**Дилафрўз СОБИРОВА.** Адабиётда модернизм. .... 61

### ЕЛПУҒУЧ

**Турсунбой АДАШБОЕВ.** Янги пародиялар. .... 64

Босишга 30. 03. 2015 йилда рухсат берилди. Қоғоз формати 60x84 1/8. Нашриёт ҳисоб тобоғи 8,7. Индекс 822.  
ISSN 0207-9137. Журнал 2007 йил 4 майда Матбуот ва Ахборот агентлиги томонидан № 0253 рақами билан рўйхатга олинган.  
Журналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди" деб изоҳланиши шарт.  
"HILOL-MEDIA" МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди. Буюртма № 24. Адади 4700 дона.  
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Шараф ва Тўқимачи кўчалари кесишмаси.



## ЭПЛАБ ЁЗИШДАН БОШҚА МЕЗОН ЙЎҚ

Шоир ва таржимон Фахриёр билан суҳбат

– Сиз адабиёт оламига янги нафас билан кириб келдингиз. Кўплаб шеър шайдоларининг юрагидан жой олдингиз. Бироқ охирги шеъринг тўпламингиз “Геометрик баҳор”нинг чоп этилганига, адашмасам, ўн йил бўляпти. Адабий нашрларда ҳам фаол эмассиз. Шоир Фахриёрни соғинган, ундан янги шеърлар кутаётган шеърхонларга бу ҳолатни қандай изоҳлайсиз?

– Тўғри айтасиз, бу ўзим учун ҳам оғриқли масала. Танаффус дарсдан чўзилиб кетса, вақт қимматини йўқотади. Фақат бир таскин бор – бекор ўтирганим йўқ, тинмай ишляяпман. Таржима билан шуғулланыпман. Катта-катта лойиҳаларда қатнашыпман. Ким билади дейсиз, бугун халққа уларнинг нафи шеърдан кўра кўпроқдир.

– Шоирнинг катта руҳ билан ўзини эркин қўйиб ижод қилиши учун нима керак, деб ўйлайсиз?

– Бунинг учун ботиний эркинлик зарур. Ботиний эркинлик ва руҳий хотиржамлик учун эса ижодкор иқтисодий жиҳатдан муҳтож бўлмаслиги керак. Машраб шусиз ҳам катта шоир бўлган-ку, деган гапни айтишлари мумкин. Лекин катта адабиёт йўл-йўлакай тўқилган шеърлар билан эмас, хотиржам ҳолатда ҳар жиҳатдан пухта ўйланган асарлар ёзиш билан яратилади.

Албатта, замонга боқмай, у билан ҳисоблашмай ижод қилган ва қилаётган ижодкорлар ҳам кўп. Лекин қани Навоий даражасидаги шоирлар, Толстой даражасидаги ёзувчилар?

– Ижодингиз кўплаб баҳсларга сабаб бўлган. Айрим танқидчилар сизни фақат шаклий экспериментлар қилиб юрган ижодкор деб билса, бошқалари ижодингизга юксак баҳо беради. Ўз ижодингиз ҳақида қандай фикрдасиз? Сизнингча, яхши шеър қандай талабларга жавоб бериши керак?

– Ҳар доим такрорлаб келганман: мен шеърни бировнинг қош-қовоғига қараб ёзмайман, кўнглимдаги гапларни ўзимга маъқул йўсинда ифода қилишга интиламан. Аксарият танқидчиларнинг фикри бир вақтлар раҳматли адабиёт ўқитувчимнинг шеърларингни тушунмадим, деган гапидан нарига ўтмайди ва бундан хафа бўлмайман. Ҳар кимга бир “осилиб” кўрадиган, асли касби фольклоршунос ёки мумтоз адабиёт табдилчиси бўлган танқидчилар ёки биз тенгиларни нигилизмда айблашга уринган марҳум ёзувчи билан пачакилашиб ўтиришга вақтим ҳам, истагим ҳам бўлмаган.

Бу – адабий жараён. Кимдир танқид қилса, кимдир мақтайди. Мен бундан ҳаволаниб ҳам кетаётганим йўқ – ўзимни босиб олар ёшга аллақачон етганман.

### ФАХРИЁР



(Фахриддин Низомов) 1963 йилда Хатирчи туманидаги Сангжумон қишлоғида туғилган. Самарқанд Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тугатган. «Дардинг шакли», «Аёлғу», «Геометрик баҳор» шеъринг тўпламлари, «Янгилашиш анъаналари» публицистик мақолалар тўплами нашр этилган.



Ўз-ўзимга баҳо беришга келсак, мен учун битта мезон бор – ёзганинг аввало ўзинга ёқиши, ундан завқ ола билишинг керак.

Яхши шеър санъат намунаси бўлиши учун – экспериментал ёки анъанавий бўлишидан қатъий назар – эплаб ёзилиши шарт. Бинобарин, ҳар қандай ижод маҳсули чинакам санъат асари бўлиши учун бадиият талабларига жавоб бера олиши керак. Бор-йўғи шу. Ёстиқдай роман ёзганинг билан у оддий хроника ёки мухбирнинг мақоласидан фарқ қилмаса, ундан ёмони йўқ.

**– Бадииятнинг юксак талабларини ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди. Сизнингча, бу талаблар нималардан иборат?**

– Албатта, ижод моҳияти ва мезонини белгилайдиган ягона талаб ёки қоида ўйлаб топилса, ижод қилиб ўтиришнинг ҳожати қолмас эди, чунки бадиий ижод ҳеч бир қолипларга бўйсунмас эркинлиги билан ҳам қадрлидир. Лекин шу ҳолича ҳам бадиий ижоднинг ўзига яраша талаблари, мезонлари мавжуд. Мен уларни нималарда кўраман?

Ҳар бир асар аввало мен учун янгилик бўлиши, “сунъий” (“санъат” сўзи билан келиб чиқиши бир) эканига қарамай бадиий тўқимаси – образлигига ишонтира олиши, унга ёлғон ва ғараз аралашмаслиги керак.

**– Кейинги пайтларда сценарийингиз асосида суратга олинган кинофильм ва сериални томоша қилдик. Кино оламига сизни нима етаклади? Моддий рағбатми ёки қизиқиш?**

– Аниқлик киритмоқчиман. Мен сценарийларни таниқли кинорежиссёр ва сценарист Жаҳонгир Қосимов билан ҳамкорликда ёзганман. Бунга туртки бўлган нарса фақатгина моддий рағбат эмас. Кинематография сўз санъатидан қанчалик фарқли бўлмасин, киноарбоблару кинотанқидчилар уни ёзувчилардан қанчалик рашк қилмасин, Ўзбекистонда фақат 3-4 та дипломли киносценарист бор деб бу соҳани рақобатчи ёзувчилардан “иҳоталаш”га уринмасин, бадиий ижод ва кино асарларининг умумий жиҳатлари кўп ва бугунги кунда Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам, Шомирза Турдимов сингари ёзувчилардан ўтказиб, яхши сценарийлар ёзилмаётган, бошқа тарафдан эса “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ёзувчилар билан ҳамкорлик масаласини қайта-қайта кўтараётган экан, нега мен ўзимни бу соҳага бегона деб билишим ёки сценарий ёзмаслигим керак?

Кечирасиз-у, ўзини ўзбекнинг зиёлиси деб билиб, она тилида икки жумлани эплаб қоғозга тушира олмайдиган, аммо буни тан олишни истамай, алмойи-алжойи сценарийлар ёзиб, улар асосида яна ўзи режиссёрлик қилиб, бир пулга қиммат фильмлар ишлаётган “шоввот”ларга нега тоқат қилиб ўтиришимиз керак?

Шу маънода бадиий ижод сирларидан озроқ бўлса-да хабардор одам сифатида сценарий ёзишга ҳаққим бор деб ҳисоблайман. Ҳамкорлик жа-

раёнида Жаҳонгир Қосимовдан кўп нарсаларни ўргандим, бунинг учун у кишига минг раҳмат.

Таржимадан қўлим бир оз бўшаса, бу ишга қайтиш ниятим бор.

**– Ижодкор кўп қиррали бўлгани яхшими, ёмонми?**

– Кўп қиррали бўлиш ўз ҳолича яхши ҳам, ёмон ҳам эмас. Ҳамма гап қилаётган ишингни қай даражада эплай олишингда. Олимпик билан бадиий ижодни омухта қила олган қанчадан-қанча ижодкорларни биламиз. Навоий ҳазратлари буюк шоир бўлиши баробарида йирик тилшунос олим ва тазкиранавис ҳам бўлган. Ёки Огаҳийнинг форсийдан қилган таржималарини эсланг. Замоनावий адабиётда ҳам бунга мисоллар кўп.

**– Ижодкорнинг жамиятдаги ўрни қандай бўлиши керак, деб ўйлайсиз?**

– Ижодкорнинг асосий вазифаси замону зулмга маддоҳлик қилмаслик, таъма илинжида асар ёзмасликдир.

Биз кўпинча Ватанга ниҳоятда тор тушунча сифатида қараймиз. Бундай ёндашув бир кўшиқчи шоирнинг совет замонида Московга бориб, “биз ўзбеклар образ-побразни тушунмаймиз, прямо ёзамиз”, деган гапидан фарқ қилмайди. Бу ҳам етмагандай, баъзан адабий нашрларга, мустақиллик ёки Наврўз байрамига, Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб шеър ёзинг, деган буюртма бериб турилади. Оқибатда буюртма асосида пьеса ёки шеър ёзидиган ижодкорлар тоифаси пайдо бўлди. Муҳими – шакл, муҳими, бу – санаш, ҳисоботларга тиркаш учун қулай. Лекин баъзан кимларнидир қарғашга айланиб кетаётган, катта сахналарда буюртма билан айтилаётган кўшиқларни бирор шинаванда хиргойи қилиб юрганини эшитганмисиз? Умуман, ҳадеб “ватанпарвар” лигимизни таъкидлайверишимиз ўзини қанчалик оқлайди, тингловчи унга қанчалик эргашади? Бу унинг ғашига тегмайдими?

**– Сиз таржима қилган “Сарой жавоҳири” сериали томошабинлар юрагидан жой олди. “Америка ҳикоялари” китобида ҳам бир неча ҳикояни таржимангизда ўқидик. Ўзбек китобхонини дунё шеърятининг нодир намуналаридан баҳраманд этиш имкониятингиз бор. Нега шеъринг таржималар қилмайсиз?**

– Кейинги 10-15 йил ичида фақат бошқа турдаги таржима билан банд бўлиб қолаётганим учун бадиий таржимага қўлим тегмаяпти. Лекин шунга қарамай, яқинда рус адабиётшунос олими Михаил Эпштейннинг “Юксак поэзия ва алподам” мақоласини таржима қилиб, “Жаҳон адабиёти” журнаliga бердим – чиқиб қолса керак. Уша мақолада эпланган ҳар бир нарса поэзиядир, деган фикр илгари сурилади. Мақола мантигидан келиб чиқилса, ёзган сценарийингу техник таржиманг ёки Пуанкаре теоремасини исботлашинг ҳам қайсидир маънода поэзиядир.

Бадиий таржима билан жиддий шуғулланиш ниятим бор. Ҳеч нарса ижодкорга таржимачалик кўп

нарса, сабоқ бермайди. Г.Гарсиа Маркес, таржима – ўқишнинг энг теран усули, деб бекорга айтмаган.

**– Сиз жуда самимий, ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўз қатъий принципага эга инсонсиз. Бу яхши, албатта. Лекин негадир ҳаёт илмилиқликни, бошқача айтганда, меъёрни яхши кўради. Ўта самимийлик оёғингиздан чалмайдими?**

– Киноянгизни тушундим. Тўғри, ҳаёт оқ ёки қора эмас, ўрта ранглардан иборат, деган гап бор. Инсоний муносабатларда бировнинг дилини оғритмаслик учун қаттиқ гапирмаслик маъносида уни қабул қилса бўлади. Лекин у барибир – ҳеч кимга ёмон гапирмай қулай яшашга ўрганиб қолган конформист одамнинг ақидаси. Ҳаёт ҳақида ўз қарашлари, принципларига эга бўлган ижодкор оқим бўйлаб сузмаслиги керак. Толстойнинг ҳатто диннинг қотиб қолган, схоластика қарашларига қарши исёнини эсланг. Ижодкор қандай қилиб ўзи кўриб, билиб турган бемаъни нарсалар билан муроса қилиши мумкин?

Тўғрисўзлик ҳар кимга ҳам ёқмайди, лекин иллатларни кўриб кўрмасликка олиб яшаш қанчалик тўғри? Ҳаммамиз ҳам фарзандларимизга, тўғри гапир, тўғри юр, деб ўргатамиз. Лекин куруқ гапириш билан иш битганида баримиз фаришта бўлиб кетар эдик. Улар тарбиясига ҳеч нарса гапираётган гапимизга ўзимиз риоя қилмаётганимизчалик салбий таъсир кўрсатмайди.

Адабиёт иккиюзламачиликни мутлақо кечирмайди.

**– Ўн йил олдинги Фахриёр билан бугунгиси ўртасида фарқ борми?**

– Албатта, фарқ бор. Вақт ўтган сайин тажриба ортиб, ёшлиқда йўл қўйилган хатоларни англайсан, ҳаётга бошқача кўз билан қарай бошлайсан. Бу – табиий. Вақт ўтиши билан кўлимдан келадиган, энг муҳими, истаган нарсаларимни у ёки бу нарса баҳона бўлиб, ёза олмайганим учун афсусларим ортди. Ўн йил бошқа нарсаларга ем бўлиб кетди: китобларим ёзилмай қолди. Мана шуниси ёмон.

**– "Мен 60 ёшли гўдакман", деган эди раҳматли мусаввиримиз Рўзи Чориев. Вақт ўтган сайин ёшлиқда йўл қўйилган хатоларни англаш, ҳаётга бошқача кўз билан қарашдай табиий жараён ижодкор учун топишми ёки йўқотиш? Қайсидир маънода улугъ ёшнинг ақли билан ёшлиқдаги айрим хатоларни такрорлашга журъат топа олмаслиқ, ҳаётни аввалгидек сирли, мўъжизали кўра билмаслик оғриқли ҳолат эмасми?**

– Вақт ўтиши билан юракнинг ҳовури пасая бориши бор гап. Лекин йўл қўйилган хатоларни англай бориш оқибатида юзага келадиган пушаймонга тўла кечинмалар – изтироб ёзилажак асарлар учун яхши хамиртуруш бўлиши мумкинлигини ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак.

Адабиётимиз изтиробдан, қалбни тозартирадиган мунгдан узоқлашиб қолгандай. Миллатнинг дардини ифода қиладиган буюк изтироб етишма-

ётгандай. Эҳтимол, аксарият ижодкорлар ёшлик хатоларини англашни, кўнглидаги гапларни айта олмасликни йўқотиш деб англаётгани учун ҳам ўша изтиробни шеър ёки роман қилиш ўрнига ичкилик билан ювиб ташлашга уринаётгандир.

Агар саволингизнинг иккинчи қисмида ижодкорларда вақт ўтиши билан журъатнинг сўна боришини айтаётган бўлсангиз, бунга бир мисол келтирмоқчи эдим: америкалик ёзувчи ва шоир Эдвард О'Брайендан сўнг узоқ йиллар АҚШдаги ёзувчиларнинг энг яхши ҳикояларини топиб, тўплам ҳолида чоп этиб юрган Марта Фолей 20-асрнинг 50-йиллари охирларига келиб, Америка адабиётига кириб кела бошлаган консерватизмга қуйидагича норозилик билдирган эди: "Етакчи мутафаккирлари фақат яшил чироқ ёнганда йўлни кесиб ўтадиган мамлакатда уч-тўрт нафар қизил чироқни писанд қилмайдиган пиёда бўлса яхши эди". Афсуски, бизда ҳам умрини яшил чироқни кутиб, сарфлаб қўяётган ижодкорлар кўп.

**– Нималарни, кимларни ўқияпсиз? Бугунги адабий жараёндан кўнглингиз тўладими?**

– Ўқиш борасидаги қизиқишларим бошқаларга маъқул келмаслиги мумкин, чунки бу индивидуал, ҳатто айтиш мумкинки, интим ҳодиса ва фақат бадиий адабиёт билан чекланмайди. Дейлик, таниқли таржимон Нора Галнинг "Тирик ва ўлик тил", бир вақтлар Хрушчёв билан Брежневга таржимонлик қилган Виктор Суходревнинг "Тилим менинг – дўстим менинг" ёки таржима назариясига оид китоблар ҳамманинг ҳам эътиборини тортмаслиги табиий. Бундан ташқари, тил амалиёти талабидан келиб чиқиб, Ўрхун Памуқ романлари, асли келиб чиқиши ҳиндистонлик бўлган, Лондонда туғилиб, АҚШда яшаётган бенгал ёзувчиси Жумпа Лаҳирийнинг ҳикоя ва қиссаларини инглизчада ўқияпман. Ушбу ёзувчини менга кашф қилиб берган дўстим, шоир Баҳодир Аҳмедовга раҳмат.

Яна адабий жараённи ҳам баҳоли қудрат кузатаман. Яқинда ёзувчи Шодиқул Ҳамронинг "Исмсиз" деган қиссаси қўлёмасини ўқиб чиқдим. Мистика билан йўғрилган бу қисса жаҳон адабиёти тажрибаларини миллий адабий тафаккур анъаналари билан синтез қилишнинг яхши намунаси бўлибди. Яқин кунларда нашр бўлиб, ўқувчиларини топишига ишонаман.

Янги-янги номлар ҳам пайдо бўлаётганини кўряпман. Вақт ўтиб, уларнинг саъй-ҳаракатлари йирик асарларга айланиши ва ўқувчисини топишдан умидим бор.

**– Бир пайтлар адабиётга жамиятни албатта яхши томонга ўзгартира оладиган куч сифатида қаралар эди. Ҳозир-чи?**

– Миллий тафаккур тараққийнинг муайян босқичларида адабиётга қизиқиш ниҳоятда ортиб кетганини, у қайсидир маънода таъсирга эга моддий куч бўлганини кўриш мумкин. У санъатнинг бошқа турлари қатори ҳамиша инсон тафаккурига, унинг





эстетик қарашлари шаклланишига таъсир этиб келган ва шундай бўлиб қолади, аммо унинг жамиятти ўзгартира оладиган даражадаги куч экани ҳақидаги гаплар, назаримда, муболағадан бошқа нарса эмас. Буюк ёзувчи бизни, дунёни гўзаллик кутқаради, деб қанчалик ишонтиришга уринмасин, бу фикр жуда ишонгимиз келган орзулигича қолмоқда.

Афсуски, кейинги 10-15 йил ичида дунёнинг турли мамлакатларида рўй берган воқеалар инсон боласи ўтмиш хатоларидан тегишли хулоса чиқаришга қобил эмаслигини кўрсатди: тамаддуннинг олди деб қараладиган Европада фашизм, миллатчилик сингари бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олмай, камситувчи мафкуралар қайта бош кўтармоқда. Сиёсатчилар мультикултурализм – бирор мамлакатда маданий хилма-хилликни сақлаб қолишга йўналтирилган сиёсат – ғояси Ғарб жамиятларига сингмаганидан таассуф билдирипти.

Қонунларга амал қилинишини таъминлашга қаратилган давлат тизимлари бундай экстремистик ҳаракатларни жиловлашга қийналаётган чоғда адабиёт ёки маданиятнинг таъсири ҳақида гапириш ортиқча эмасми?

Замонавий жамият тамойиллари ҳақида сўз кетганда бир чети омма маданиятига улашиб кетган олди-қочди адабиёт маргиналлашиб, аксарият ҳолларда истеъмолчининг талаблари даражасига тушиб бораётган эрмак воситаси бўлиб қолмаяптими, деган ҳақли савол туғилади.

**– Бу билан маданият ва санъат, жумладан, адабиёт умуман четга чиқиб қоляпти, демоқчимисиз?**

– Йўқ, модернизмнинг универсал ғоялар мавжуд ва улар устувор бўлиши керак, деган қарашлари даврида ўсганимиз учун ҳам адабиётдан керагидан ортиқ нарсалар кутишга ўрганиб қолганимизни айтмоқчиман. Совет идеологияси санъатнинг бошқа турлари қаторида адабиётни ҳам тарбия гавронига айлантириб олган ва синфий кураш ғояларини омма онгига сингдириш учун ундан восита сифа-

тида фойдаланар эди. Бугун эса бундай воситалар (ТВ, радио, газета, интернет, мобил алоқа воситалари ва ҳк.) кўп ва мафкура адабиётнинг “бўйнига миниб олмаётгани”ни шу билан изоҳлаш мумкин. Бу албатта яхши – ижодкорга эркинлик беради. Лекин бу унинг мейнстримдан (асосий оқим деймизми, билмадим) четга чиқиб қолишига олиб келмаслиги керак.

Шу ўринда дунёга машҳур физик олим, аниқ фанларнинг толмас тарғиботчиси Сергей Капицанинг бир газетага берган интервьюсида “Маданиятни, керак бўлса, зўрлаб сингдириш керак”, деган фикрини келтиришни жоиз деб биламан. Бу адабиётга ҳам тегишли.

**– Сизнингча, адабиёт нима учун керак? У инсонга нимадир беришга мажбурми?**

– Адабиёт воқеликни бадиий тўқима – образлилик орқали идрок қилишга асосланган фикрлаш тарзи, инсон тафаккурини ривожлантирувчи, юксак идеалларни куйловчи ва тарғиб қилувчи восита сифатида ҳар доим керак. У инсоннинг орзу-умидларини, интилишларини ифода этувчи санъат тури ўлароқ, жамият тараққиётида ҳар доим катализатор вазифасини ўтайди. Бугунги кунда ҳаётимизга дадил кириб келаётган ахборот-коммуникация воситаларини оласизми ёки космик кемаларнинг олис сайёраларга парвоз қилишини оласизми – барчаси бир замонлар фольклорда, мумтоз адабиётда ва фантастик ёзувчиларнинг асарларида ғоя кўринишида пайдо бўлган эди. Адабиётшунослар бугунги Ғарб жамиятининг юксак тараққиётга эришишида модерн адабиётнинг таъсири катта бўлганини таъкидламоқда.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида қайд этмоқчиман: адабиёт мавжуд жараёнларга бевосита эмас, билвосита таъсир кўрсатади, яъни у “ойнайи жаҳон”, “учар гиламлар” ҳақида ғоя беради, уларни телевизор ёки учоққа айлантириш – бошқа аниқ фанлар вакилларининг иши.

**– Раҳмат.**

**Ойдин НИСО суҳбатлашди**





# Ақ Ақиб хонадонига

Ақиб хонадонига  
Ақиб хонадонига



Жамила ЭРГАШЕВА

## МАЪНАВИЯТ БЕШИГИ

Акам қўшни кўчада жойлашган кутубхонага олиб борганларида мен иккинчи синф ўқувчиси эдим. Кутубхоначи опалар менга бири-бирдан чиройли тўртта эртақ китоб беришди. Шу кундан эътиборан бу даргоҳ мен учун худди мактаб каби қадрдон масканга айланди. “Гулливернинг саёхатлари”, “Том Сойернинг кўрган-кечирганлари”, “Сеҳрли қалпоқча”, “Сариқ девни миниб”, кечки таомдан сўнг оила даврасида овоз чиқариб ўқиладиган “Авазхон”-у “Кунтуғмиш” каби дostonлар мени янги бир мафтункор оламга олиб кирди. Аввалига менга тавсия қилишган, қўлимга тушган китобларни ўқир эдим, кейин ўзим излаб, танлаб ўқийдиган бўлдим. Абдулла Қодирий, Ойбек, Лев Толстой, Михаил Шоло-

хов, Абдулла Қаҳҳор, Шукур Холмирзаев, Чингиз Айтматов, Валентин Распутин... Улар жуда кўпчилик эди ва мутолаа чоғида асар қаҳрамонларининг шу қадар ҳаётийлиги, воқеаларнинг ишонарплигидан, борлиқ олам мукаммал, жонли тасвирланганлигидан ҳайратга тушар эдим. Уларга қойил қолар ва ҳавас қилар эдим, аммо ўзим ҳам бир уриниб кўрмоққа сира ҳаддим сизмас эди.

Тўққизинчи синфда ўқиб юганимда бир укамиз вафот этди. Унга бағишлаб биринчи ҳикоямни ёздим. Ва шунда билдимки, ёзмоқ – тўлганда тўкилмоқ экан. Мен юрагимни ўртаётган изтироб, соғинч туйғуларини оқ қоғозга тўккан эдим. Ҳикоя чиққан газетани бутун мактаб қўлма-қўл қилиб ўқиди. Шу ҳикоя орқали дардимни дастурхон қилганга ўхшаган бўлсам ҳам, устозларим ва мактабдошларимнинг табриклари кўнглимга алланечук тасалли бўлди.

Лекин биринчи китобчам роппа-роса йигирма икки йилдан сўнг чоп этилди. Сабаби, мен кам ёзар эдим ва ёзганларимни кимгадир кўрсатишдан ёки бирон нашрга олиб боришдан жуда тортинардим. Ўрта мактабни битириб, Тошкент Давлат дорилфунининг журналистика куллиётига ўқишга кирганман. Курсдошларим ёзганларини даста-даста қилиб, газета-журналларга олиб бориб, таҳририятлардан ўзларига устозлар топиб, ўқишни битиргунларича, кўпчилиги “фалончи шоир” бўлиб танилган бир пайтда мен биттагина диплом билан ёзиб юрган ҳикояларимни жомадонга жойлаганча қайтиб келаверганман.

Ваҳоланки, атрофимда маслаҳатчиларим жуда кўп бўлган. “Шарқ юлдузи” журналида Шукур Холмирзаев ишлайди, “Гулистон” журналида Эркин Аъзамов ишлайди, ҳикояларингизни олиб боринг, эътиборсиз қолдиришмайди”, дейишарди. Аммо мен бу устозларнинг хузурига боришга тортинардим. Университетдаги таҳсил давомида “Шукур Холмирзаев насрида тил ва услуб” мавзусида икки марта курс иши ёздим, диплом ишимнинг мавзуси ҳам Шукур Холмирзаев насридаги маҳорат масалаларига бағишланган эди. Ҳикояларимни эмас, ўзларининг ижодлари ҳақида ёзган илмий ишларимни олиб боришга ҳам уялдим. Шу-

Жамила  
ЭРГАШЕВА



1956 йили Сурхондарё вилоятининг Жаркўрган туманида туғилган. Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетини битирган. “Изҳор”, “Интиқом”, “Таназул”, “Аёл жодуси”, “Зулфизар”, “Қир устидаги аёл” номли роман, қисса ва ҳикоялар жамланган китоблари чоп этилган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.





кур Холмирзаевни ҳам, Эркин Аъзамни ҳам ўзим учун адабиётда катта ака ва устоз деб билганман, лекин ёзганларимни кўтариб бориб уларни безовта қилишга ҳаддим сиғмаган. Бирон нарсам эълон қилинса ҳам кўнглимда “Шукур ака билан Эркин ака нима дер экан-а?” деган ҳадик турар эди. Йиллар ўтиб, марказий нашрларда ҳикояларим чиқа бошлади ва устоз Шукур Холмирзаев бу ҳикояларга матбуот орқали кўп яхши фикрлар билдирди, газеталарда чиқаётган ҳикояларимга ўша нашрлар муҳаррирларининг илтимосларига кўра сўз боши ёзган вақтлари ҳам бўлди.

Бир сафар “Оила ва жамият” газетасида чоп этилаётган ҳикоямга ёзган сўз бошида шундай гаплар бор эди: “...Наср ёзиш кўпинча эркак адибларнинг иши саналади. Ҳақиқатан ҳам наср навис хотин-қизларимиз бармоқ билан санарли. Айтиш жоизки, биздагина эмас, умуман, дунё адабиётларида аҳвол шундай ва бунинг табиий сабаблари ҳам аён: наср адибдан катта куч-қувватни, вақтни, тасвирда мумкин қадар ҳолис, ҳатто шафқатсиз бўлишни талаб қилади. Аёл... вақти ҳаммиша ҳисобли аёл бу ишга қандай жазм этсин? Тасвир бобида ҳам аёлга қийин: у – табиатан таъсирчандирки, анчайин хатти-ҳаракат ҳам унга кучли таъсир этиши оқибатида қалам кўзланган мақсаддан четга бурилиб кетиши, демак, совуққон йўл бошловчи Ақл ўрнини “кўчаси кўп Кўнгил” олиши хавфи ҳаргиз муаллақ туради.

Энди шу барча тўсиқларни босиб ўта олган Аёл ёзувчини тасаввур этинг-чи?

Бундайларга қойил қолиш керак.

Бунинг устига, маҳорат бобида талай эркак адиблардан ҳам ўтказиб ёза олса...

Жамила – ана шундай адибларимиздан бири”. (“Оила ва жамият” газетаси, 1998 йил, май).

Бу сўзлар чекка бир вилоятнинг чекка бир туманида яшаб, ёзганларидан гоҳ кўнгли тўлиб, гоҳ тўлмай юрган ижодкорни қанчалар руҳлантиришини тасаввур қилиш қийин эмас.

Дарёдил устознинг бундай ҳиммат ва ғамхўрликлари биз шогирдлар учун, шубҳасиз, бир ибратдир.

У киши вилоятга тез-тез келиб турар, келганларида атрофларини тўлдириб, дўстлари, тўп-тўп мухлислари юришар, шубҳасиз, бу ҳолатда ҳам ёнларига бориб бир нарсая дейишга журъат қила олмас эдим. Таҳририятларнинг йўлакларидами, зинапоялардами, қабулхоналардами дуч келиб қолсак, “Эҳ-ҳе, менинг энам келаяпти-ку, энажоним келаяпти-ку!” деб меҳр билан ҳол-аҳвол сўраб, ишларимни суриштириб қоларди.

Шукур ака адабиётни қисмат деб билган, ўзини адабиётдек машаққатли ишга бахшида қилган ҳақиқий фидойи ёзувчи эди. У кишидан ўзбек адабиёти хазинасига, биз шогирдлар учун, адабиётимизнинг бугуни ва эртаси учун жуда ноёб ва жуда катта адабий мерос қолди. Умрларининг поёни кўриниб қолган пайтда Шукур ака ўзларига яқин бўлган шогирдларидан бирига “Мен ҳам ёзувчи бўла олдими ўзи?” деган эканлар. Билмадим, бу сўзларни айтиш учун инсон ўзига нисбатан қай даражада талабчан бўлмоғи керак. Билмадим, билолмадим...

Аллоҳга шукур, шу кунгача олти китобим дунё юзини кўрди, устоз Шукур аканинг жонбозликлари билан турк тилига таржима қилинган ҳикояларим ҳам бор. Ёзганларингизни кимдир ўқиб, тўрт оғиз илиқ сўз айтиб, мақтаб қўйса, дилингиз яйраб кетади. Аммо яхшини ёмондан ажратиб, танлаб китоб ўқиб юрган ҳар қандай одам ўзининг ёзганларига ҳам ҳолисона баҳо бера олиши лозим. Энг ҳолис баҳони эса вақт ва китобхон беради.

Ёзганларимни кимлардир ўқиётган, кимларгадир маъқул бўлаётган экан, ёзаверсам бўлади, деган фикрдаман. Аммо янада кўпроқ ўқиб-ўрганиб, ҳаётни янада теранроқ нигоҳ билан кузатган ҳолда албатта... Мен ўттиз олти йил газетада ишладим. Қайси бир ташкилотлар йилда бир-икки бор “Очиқ эшиклар куни” ўтказишади. Таҳририятларнинг эшиги эса ҳар куни очиқ, даста-даста машқларини кўтариб келаверишади. Мен уларга ҳаммиша “Болажонларим, яхши одам бўлиш учун ҳам, яхши шоир ёки яхши ёзувчи бўлиш учун ҳам кў-ў-ў ўқиш керак. Кимгадир маъқул тушадиган битта





сўз айтмоқ учун, дейлик, ўнта сўз билмоқ керак. Ўнта сўзни билиш учун эса, эҳтимол юзта, ёки мингта сўз ўқимоқ керак. “Ўқинглар” дер эдим. Бу маслаҳатни ҳеч аяб ўтирмасдан, балки биринчи навбатда ўзимга ҳам айтаман. Назаримда олам сўзининг ўзаги илмдир. Адабиёт ҳам катта илм, олам каби, инсон руҳияти ва қалби каби чексиз илм. Уни чуқурроқ ўрганганингиз сайин ҳали ўрганишингиз лозим бўлган жиҳатлари кўплиги аён бўлаверади.

Агар таъбир жоиз бўлса, мен адабиётни маънавият бешиги, деб атаган бўлар эдим. Энг аввало бу қутлуғ бешикда миллат ва унинг келажаги камол топади. Баъзи муаллимлар боланинг салоҳиятини баҳолашда унинг аниқ фанларни нечоғли ўзлаштира олишига эътибор қаратади, адабиёт фани ҳақида эса, “Э-э, бу фан бир эртак-да”, дейишади. Аслида адабиёт инсон руҳиятига боғлиқ ижтимоий ҳодисадир. Инсон руҳиятини поклеш, маърифат нури ва маънавий озукалар билан инсоният қалбида ҳаётнинг, ўзининг, ўзлигининг, ён-атрофидаги азиз одамларнинг, Ватанининг қадрига етмоқ каби эзгу фазилатларни камол топтириш, яъни комил инсонга айлантириш – адабиётнинг азалий ва абадий вазифаларидир. Адабиёт инсонийлик илмидир, бу илмни ўзлаштирмасдан туриб, аниқ фанларда эришилган ютуқлар билан мақтанмоқ анча эрта мақтанмоқдир.

Адабиёт – кўнгил эҳтиёжи, инсон тафаккурининг меваси, қалбингни жунбушга келтирган туйғуларни қоғозга тўкиш, ҳаётдан чиқарган хулосаларингни кимларгадир илина олиш ёзарман кишига хузур бағишлайди, айна пайтда бу битиклар, яъни Адабиёт ўқирман одамнинг ҳам кўнгил эҳтиёжидирки, у пас-ту баланд ҳаёт йўлларида доно маслаҳатлари билан олға бошловчи, комилликка элтувчи садоқатли дўстдир. Устоз Нажмиддин Комилов айтганларидек, “Инсон руҳи санъатдан озикланиб яйрайди ва барча қудратини санъатда кўрсата олади”. Айни шу сўзларни адабиёт ҳақида ҳам айтиш мумкин.



Ўзбек адабиёти ўзининг дурдона асарлари билан жаҳон адабиёти хазинасига муносиб ҳисса қўша олган улкан адабиётдир. Дунёнинг қайси бурчида ўзбекона исмларга тили ҳам келишмайдиган бир инсон “Ўткан кунлар”ни, “Меҳробдан чаён”ни ўқиб, Отабек ва Кумушнинг, Анвар билан Раънонинг изтиробларидан худди ўзбек ўқувчиси каби сиқилиб турганини ҳис этишининг ўзи жуда ёқимли. Бу китобларни ўқиган киши ҳақиқий ўзбек ҳаётини, ўзбек одамларини, ўзбекона характерни кўз олдига келтиради. Шукурки, адабиётимизда миллий калорит қуюқ бўёқларда акс этган асарлар жуда кўп, улар қайси тилда чоп этилган бўлмасин, унинг қаҳрамонлари ўзбеклар эканлигини билиб олиш қийин эмас. Кейинги пайтларда шундай тоифадаги асарлар пайдо бўлаяптики, гарчи улар ўзбек тилида чоп этилган, қаҳрамонларининг исм-шарифлари ўзбекча бўлса ҳам, на турмуш тарзи, на феъл-атвори ўзбекка ўхшамайди. Айниқса, саргузашт асарлар “бозоргир” бўлиб қолди-ю, ана шундай исми ўзбекча-ю, ўзи ҳам, феъл-атвори ҳам биздан тамоман бошқача қаҳрамонлар кўпайиб кетди. Бу қаҳрамонларни баъзилар “Глобаллашув давридаги янги аср одами” деб атамоқдалар, мен эса, ўша саргузашт асарларимизда ҳам “Янги асрдаги ҳақиқий ўзбек”ни кўришни истаيمان.

Касбим тақозоси билан бир умр одамлар орасида бўлдим. Сурхондарёнинг мен бормаган бирон қишлоғи, бирон маҳалласи қолмади. Одамлар ўз муаммоларини ҳал қилиш учун менга интилсалар, мен уларнинг шикоятларини жон қулоғим билан тинглаб, имкониятим етганча ёрдам бериш баробарида ҳаётни, одамларимизни ўргандим, уларнинг ютуқлари билан қувондим, дардлари билан оғридим. Вақти соати етганда улар ҳикояларимнинг персонажларига айландилар. Ёзганларимни ўқиб, кўпинча одамлар “Топдим, бизнинг қўшнимизни ёзибсиз”, “Ёзганларингизни ўқиб, ўзимни кўргандай бўлдим. Мен сизга бошимдан ўтказганларимни гапириб бермаган эдим-ку”, дейишади. Албатта, мен ҳалиги одамнинг қўшнисини ҳам ёки кейинги суҳбатдошимнинг ўзини ҳам ёзмаганман, шунчаки менинг қаҳрамонларим ҳаётдан олинган, улар ўзбек, урф-одатлари, феъл-атвори, масалан, андишалликлари, болажонликлари, шу феъл-атворга яраша тақдирлари бир-бирига ўхшашдир.

Мен бадиийликнинг биринчи шартини ҳаётийлик, ҳаққонийликда деб биламан. Бунга ҳамиша ҳам эришиш қийинроқ. Аммо бунга эришмоқ учун муаллиф ўз қаҳрамонларини, уларнинг дардларини жуда чуқур







билиши шарт. Бир дугонам бор, умр йўлдоши анча аввал ўтиб кетган. Икки фарзанди олий ўқув юртида таҳсил олади, ўзи олий маълумотли бўла туриб, иложсизликдан ўн беш йилдан бери ногирон болага қараб, уйда тикиш қилади. Болани ногиронлар уйига топширгин, дей-дей ота-онаси ҳам ўтиб кетди, у топширмади, топширишни истамасди. Энди эса болалари улғайгани сайин, харажатлари ҳам ошиб, ҳаёти кундан кунга оғир бўлиб бормоқда. Икки талаба, бир ногирон болани игнанинг учи билан боқиш осон эмас. Яқинда “бир ёзилиб кетсин” деб неварамнинг туғилган кунига олиб келдим. Ноз-неъматларга тўла байрам дастурхонини кўриб, гапира олмайдиган ҳалиги бола қийқириб юборди. Бегона ҳеч ким ҳам йўқ эди. Шундай бўлса ҳам бечора онаси жуда хижолат тортди, уни бир четга ўтиргизиб, ундан-бундан оғзига солар экан, кулди: “Бу шўрлик, жаннатга тушиб қолдимми, деб ҳайрон бўлаяпти”. Бу гапни у кулиб айтаётган бўлса ҳам шу лаҳзаларда унинг ичини қандай изтироблар ёндираётганини ҳис қилиш қийин эмас эди ва бундай сўзни ана шу изтиробни юрагидан ўтказган кишигина етказиб ёза олади, деб ўйлайман.

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда адабиёт давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ҳурматли Юртбошимизнинг ташаббуслари билан “Ижод” фонди тузилиб, бу жамғарма ижод аҳлининг, айниқса адабиёт гулшанида эндигина тетапоя бўлаётган ёш қаламкашларнинг беминнат ҳомийсига айланди. Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши эса ижодкор қизларимизга, бутун аёл зотига халқимизнинг, юрт раҳбарининг ҳурмат ва эҳтирими ифодаси бўлди. Президентимизнинг “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” асари ва ундаги самимий кўрсатмалар ҳаммамиз учун дастуруламал вазифасини ўтамоқда. Бу эътибор ва ғамхўрликлар ижод аҳлининг зиммасига катта масъулиятлар юклайди. Қўлига қалам олган, шу қалам орқасидан тўртоворанинг тўрига ўтган ҳар бир ижодкор Юртбошимиз айтганларидек, “Ижод, бу – ўзини қийнаш, машаққат чекиш, ҳузур-ҳаловатдан воз кечиш, том маънода фидойилик” эканлигини унутмаслиги лозим. Китобхон қўлига тушган ҳар бир китоб унинг қалбига маърифат нурлари олиб кирсин, маънавиятини жавоҳирдек бебаҳо фикрлар, хулосалар билан безасин, халқига, суюкли Ватанига, ҳаётга бўлган муҳаббатини оширсин. Ахир, жаҳонга юз тутган улуғ мамлакатнинг юксак маънавиятли китобхонини шунчаки олди-қочди саргузаштлар билан чалғитиб бўлмайди. Қўлга қалам олган одам “Менинг ёзганларим сеvimли халқимга, жонажон Ватанимга, китобхонларга нима беради?” деган ҳақли саволни ўз олдига қўймоғи лозим.

Дарҳақиқат, энди оилам ҳақида бироз тўхталиб ўтсам. Ўғлим мактабда ўқиб юрган пайтлари жони-



ворлар ҳақида бинойидек ҳикоялар ёзган. Сетон Томпсоннинг “Ёввойи йўрға”си ҳали-ҳамон унинг энг сеvimли китоби. Лекин у кейинчалик ёзувчилик нечоғлик машаққатли касб эканлигини тушуниб етдимми, иқтисодчилик йўналишини танлаб, шу соҳа бўйича кетди. Бири-бирдан ширин иккитагина набирам бор. Тўққизга кирган тўнғич набирам Жўрабек ўзича шеърлар, ҳикоялар машқ қилаяпти. Азбаройи моларига бўлган муҳаббатлари туфайлими, “Катта бўлгач, шифокор бўламиз, лекин момомизга ўхшаб китоблар ҳам ёзамиз”, дейишади. Бугуннинг болалари ҳам замонасига ўхшаб, ҳатто орзулар ҳақида ҳам чуқур ўйлаб, жиддий мулоҳаза юритишади. Осмондаги юлдузларга интилган чоғда ҳам оёқлари сира ердан узилмайди, бизга ўхшаб, “Катта бўлсам, космонавт бўламан, Валентина Терешковага ўхшаб ойга учаман”, демайди. Ҳа, мен бир замонлар космонавт бўлиб, ойга учини орзу қилардим, энди эса, фарзандларимга доим маслаҳатлари, дуолари асқотадиган она, набираларимга бир кун бир жойга чиқсам ҳам, ўрни билиниб қоладиган меҳрибон момо, ёру биродарларимга яхши-ёмон кунларида ёнларида тура оладиган садоқатли дўст, магар исми-шарифимга “ёзувчи” сўзини қўшиб ёзсалар, шу қутлуғ номга муносиб инсон бўлишни орзу қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, сеvimли журналимиз “Ёшлик” таҳририятига мунтазам равишда журнал саҳифаларидан роман, қисса ва ҳикояларимга жой ажратиб келганлиги учун чин дилдан миннатдорчилик билдираман. Мамлакатимизнинг катта-катта ижодкорлари таклиф этиладиган “Адиб хонадониди” рукнидаги мулоқот саволларини олгач, тўғриси, ҳаяжонга тушдим. Шундай катта минбардан туриб, қўйилган масалалар юзасидан мунаққидларга хос мулоҳаза юритиб, арзирли хулосалар айтиш осон иш эмас. Қайсидир фикримиз кимгадир маъқул келмаган бўлса, олдиндан узр сўрайман.





## Шуглага осилиб арғилмоқ туғилми

\* \* \*

Майсани сийпалаб уйғотди еллар,  
Гулларнинг қошида лол қотди еллар,  
Шу дилбар лаҳзанинг қурбони бўлдим,  
Тонгларга умримни нақд сотди еллар.  
Мен энди Сизники эмасман...

Пешивоз тонгларга умрим ёйилди,  
Кун туғди чоштвоҳ исмли қизни,  
Кўнглимнинг гавҳари – шеърим туғилди,  
Йиғланг-а, шеъримга алишдим Сизни,  
Мен энди Сизники эмасман...

Кўнглимдан силқиган куйларим ёнди,  
Сиз билан айирди девона кунлар,  
Бу кунлар Сиздан-да, мендан-да тонди,  
Эй-й-й... ҳаёт шаъмига парвона кунлар,  
Мен энди Сизники эмасман...



\* \* \*

Салқин оқшомларнинг сокин буржсида,  
ёрқин шом юлдузига тикиб кўзини,  
сени соғинади бу ёвқур юрак  
кумуш кенгликларга тутиб юзини.

Юлдузлар кўрига бағрини белаб,  
боғларнинг шивирин аврайди дилин,  
кумуш капалаклар сочар изидан  
ой – сийм либосда сузилган келин.

Сиймин ҳаволарда не мужда эди,  
не илтифот дилга – ёришиб кетди.  
Жисми ҳам, жони ҳам  
бори ҳам йўғи,  
қисмат тўзонига қоришиб кетди...

\* \* \*

Ложувард сойларда каклик навоси,  
тобора қиздирар кўкламги куёш,  
хабаринг бўлдимми, тутлар гуллади,  
даштларда напормон гуллади мингбош.

Гулханлар ёнмоқда тонгдан шомгача,  
қизгалдоқ сепилган адирлар оша,  
қирдан қирга ўтиб шошмайди куёш,  
ажиб яшарини қилар томоша.

Кўнгил сув ичади кўкка бўй чўзиб,  
юрак гуллайверар, гуллайверар тан.  
қип-қизил гунчалар чиқади ўсиб  
жонингга урилган йиллар зарбидан.

Табассум қилади боғлар ям-яшил,  
жаннатга айланар дунё, кўкси нам,  
юзларингни ювар ёшми, найсонми,  
оби ҳаётми бу, ё оби зам-зам...

Зебо  
РАҲИМОВА



1958 йилда Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги Ўрис қишлоғида таваллуд топган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) нинг журналистика факультетини тугатган. Шеърлари республика матбуотида мунтазам чоп этиб борилади.



\* \* \*

Ҳали узоқламай чоштвоҳи хур-хур,  
пешиннинг қўйнида жазиллайди нур,  
олис уфқларда оқ шомлар мағрур,  
кўргали чин дил керак,  
туйғали кўнгил.

Чаппар урар мовий ҳаволар, қучиб  
тўрт фасл алмашар жонингдан кўчиб,  
ўтар юрагингдан қалдирғоч учиб –  
туйғали чин дил керак,  
куйғали кўнгил.

Эзар юрагимни хотира, афсус,  
аччиқ бир армонга дил бўлди маҳбус,  
ичингда қон йиглаб, сиртингда махсус  
кулғали чин дил керак,  
куйғали кўнгил.

Рост ва хос яшашга топгил ирода,  
дўсту ганим билан бўлгил биродар,  
у дунё, бу дунё билан баробар  
бўлғали чин дил керак,  
туйғали кўнгил,  
кўнгил...

\* \* \*

Тонг отди,  
нурафшон ёриди осмон,  
борлиқ оқ гуллади бодомлар билан,  
боғлар қор каби шўх гулбаргга тўлди,  
кўчалар алданган одамлар билан.

Безанган дарахтлар менгазайди қизга,  
сукунат – жарангдор,  
замон – беадоғ,  
келинчак гулларнинг қорачиғида  
ялтираб кўринар шабнамдаги доғ.

“Кечгача!” –  
кимники гуллаган бу кеч,  
умид ул, барчамиз кўришигаймиз бот,  
боғлар гуллайверар тугамасдан ҳеч,  
фақат, кўришиганлар бир-бирига ёт.

Сени кечирганман, аммо кечикдинг,  
Узрсиз, изнсиз кечиб бўлган вақт,  
изларсан, топмассан, қайтарсан, бироқ,  
боғлар гуллаганин кўриш ҳам бир бахт.



Кўксим сим-сим оғрир... эрта ё индин  
бу гўзал чоғларда биз ҳам бўлмасмиз,  
ёки унутилган, бегона ҳаёт –  
дунё турғунича, балки, ўлмасмиз.

Бодомга айланиб гуллаган одам,  
майлими, қўлингни кўзимга суртсам? –  
алданган, алдоқчи, афтода дунда  
қанча авайласам шунчалар мўртсан.

Сизларни тиладим, кўнглим бир тавр,  
изтироб турланиб бағримни еди,  
сизлардан давр ўтди, жонимдан сабр,  
согинчларда эса тупроқнинг ҳиди.

Тепамда қисирлар қариётган тол,  
ё Раббим, кўнглимда бунча эҳтиёж,  
мен қайси гуллаган бир баҳор учун  
шунча баҳорларни тўлаяпман бож?!

Шохлардан ёғилган гулбарг каби дил,  
чокидан сўкилган, жисмидан кўчган,  
бодомлари оппоқ гуллаб келар йил,  
тонг сутдек оқарган,  
шафақлар ўчган...

\* \* \*

Бу сойларда изларим қолган,  
бу ўнғирда ҳассос хаёлим,  
андизларнинг кўнглини олган  
изларимдан кўчган шамолим.

Хув харсангни суриб кўргандим,  
барқ урганди остида равоч,  
чашиаларнинг кўзида яшар  
мавжларида мен отган қулоч.

Хушбахт бўлдим сенинг бағрингда  
далаларни бошимга ортиб,  
яшадим мен, яшаяпман мен  
тупроқингни кўзимга суртиб.

\* \* \*

Келинг,  
бахтли бўлсин бугун бу кўча,  
қатор тутчаларнинг кўнгли ёришин,  
қўй-қўзи ўтлаган ям-яшил дала,  
йўллар қўл ушлашиб шаҳар боришин.

юралка ин қурган ёлғизлик ёмон,  
қажрнинг, газабнинг дийдори қурсин,

менинг кўзларимдан алданмаган бахт  
нур сочиб йўлингни ёритиб турсин.

Увв..в...

тортар шамоллар йўлнинг танобин,  
балки хушхабардир ё кетар бадар,  
бекам, бахтли бўлсин биз билган дунё,  
бугун то –

бир умр –  
эртага қадар.

\* \* \*

### Отамга

Қанча шодлик,  
қанча хушбахтлик,  
шохларида ҳамон излари,  
қор остида адл, ям-яшил,  
келинчакдек турган кезлари.

Кўркам бугун,  
у бўйга етган,  
айрисига уя қурган қуш,  
шамолларни шохида тараб,  
байрамларни кўради у туш.

Гоҳ қуш урган мустар қушчалар  
қучоғидан топар бошпана,  
виқорли у, дахл этмас сукут –  
кимсасизлик қилган тантана.

Кутиб сизни, бизними баттар  
яшилланар ям-яшил арча,  
хувиллайди аммо тўрт девор,  
кешиб бўлган ҳар тараф барча.

\* \* \*

Сиздан хотира йўқ,  
юрагим бўм-бўш,  
умид қийналади ноаниқликдан,  
тақдир – қарғишларнинг тоши теккан қуш,  
дил – дала,  
худойим ўртаниш эккан.

Хотирим фаромуш...  
йўларим толгин,  
боғларда тийрамоҳ кўзлари тийрак,  
бу йўлдан тобора ўйчан ва ҳоргин,  
беадад бахт излаб келади юрак.



...Шамол занжирдаги итдай гинийи,  
дарахтлар сукутга кетган бир диндор,  
қанисан, изини чалғитиб кетган,  
олчалар тинимсиз гуллаган баҳор...

\* \* \*

Хуш қолинг, эй, дўстларим,  
кетдим, дилимни тўкаман,  
йиғлаган бир қушчанинг  
дардманд кўзига чўкаман.

Кифтиоб кўчасидан  
чашма сувидек кетаман,  
ҳам бобом уйчасидан  
эски қувидек кетаман.

Сарфароз ёқлардаги  
сойлар билан қирлашаман,  
ё заранг туғдонанинг  
шохи билан бирлашаман.

Марварид косасида  
бир заррадек ерлашаман,  
Карбало саҳросида  
қумлар билан сирлашаман.

Барқ уриб, тоғдай кўчиб  
бахр-ул ҳаётнинг чўлида,  
бир балиққа айланиб  
қутсам Юнуснинг йўлида.

Мен гор аҳлининг изи,  
ёр итининг боғиман,  
бир кўнгилнинг жаннати,  
бир кўнгилнинг доғиман.

Тўрт унсурлар ичимда,  
олти ён ёнимдадир,  
ё Худо, ишқинг билан  
минг азоб жонимдадир.

Не замон, не бир заминда  
топмади руҳим қўним,  
ул жамолнинг ҳасрати –  
“қолу бало”дан бу куним.

Жон кабутар қуш каби  
бу ҳаётнинг боғида,  
маҳв ўлди, тирилди  
ишқ чоғида, ишқ чоғида...





## СИЗ ҲАМИ?

### Қисса

Азизим! Майлими, шундай атасам? Эсингизда-ми, суҳбатларимизда шу ном билан атаб қолсам, “Кечирасиз, шу сўзни кўп ишлатаман, билмасдан айтиб юборибман”, дердим дарров вазиятдан чиқиш учун. Аслида, шу сўзни ҳаммадан қизганиб, фақат сизга илинардим. Билардим, сизга ҳам ёқарди. Ўзингизни кўриб турмасам ҳам, овозингизнинг титрашидан сезардим. Овозингиз! Ҳавога сачраган овозингиз. Балки сизга асир бўлиб қолишимнинг сабаби ана шу титроқ овоздир...

Кечки пайт эди. Китоб саҳифаси узра қароқларим югуради. Телефон жиринглади.


– Алло!

– Кечирасиз, Муниса борми?

Беҳад ёқимли овоз.

– Йўқ, адашдингиз.

Гўшақни қўйдим. Сония ўтар-ўтмас яна телефон.



Расмларни Оловиддин Собир ўғли чизган.

Гўзалой СОЛИХ  
қизи



1984 йилда Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида туғилган.

Ҳозирда “Оила даврасида” газетасида фаолият юритади. “Хаёл сўқмоғи”, “Меҳр риштаси” каби шеърӣй ва насрий китоблар муаллифи.

- Алло!
- Муниса борми?
- Бу рақам Мунисаники эмас!
- Менимча англашилмовчилик бўлди.
- Менимчаям.

Жимлик. Аммо юрагим негадир кўксимдан чиқиб кетгудек потирлади. Билмадим, қанча вақт ўтди, сукунатни сиз буздингиз.

- Қимсиз?
- Ўзингиз кимсиз?
- Исмингизни билсам бўладими?
- Ўзингизнинг исмингизни билсам бўладими?

Бир пайтда кулиб юбордик. Кулишингиз... Ичичимдан соғинган нимадир бор эди бу кулишда.

– Чиройли куларкансиз.

«Раҳмат» дедиму, уялиб кетдим. Ўгирилиб ортимдаги кўзгуга қарадим. Ёноқларим қизариб кетганди.

– Исмингизни билсам бўладими?

– Ўзингизнинг исмингизни билсам бўладими?

Яна кулгуларимиз кўшилди. Ана шу кулгу суҳбатимизга жон киргизди. Тўғрироғи, ҳаётимизни бошлаб берди.

Севгимиз ҳаёти! Севамиз деб ўйлаганмидик ҳеч?! Балки бу севги ўшандаги илк юрак дукурлашидан пайдо бўлгандир. Билмадим, аммо дўст бўламан деб келишгандик-ку! Аввал дўст бўлиб, кейин сирдош, кейин эса...

Эсингиздами, бир саволни кўп берардим.

– Мени дўст деб биласизми?

Бир жавобни беришдан чарчамасдингиз сиз ҳам.

– Ҳа!

Кейин бир оз тин олардингиз-да, “Нимадан қўрқаяпсиз?” дердингиз. Жавоб бўлавермагач, “Севгидан дўстликни афзал кўрадиган сизсиз”, дея таъна қилардингиз. Кейин оғир хўрсиниқ. Шу тахлит хайрлашардик. Эртасига яна суҳбат қулардик, сирлашардик. Гапимиз яна шу мавзуга тақаларди. Ҳар кунги тасдиқни такрорлардингиз. Кундан кун сизга қаттиқ боғланиб борардим. Кўнғироқ қилганингизда ташна одам сувни қандай ютоқиб ичса, гапларингизни шундай чанқоқлик билан тинглардим.

– Биласизми, – дедингиз бир куни, – ҳар доим сизга кўнғироқ қилиш учун шошман. Овозингизни эшитмагунимча кўнглим жойига тушмайди.

Жим қолдим. Сиз ҳам анчагача сукутга берилдингиз-да, тахмин қилган саволимни бердингиз.

– Кўнғироғимни кутасизми?

– Ҳа.

– Кўришайлик.

Қандай жавоб беришни билмасдим, лекин ичичимдан тўхтатиб бўлмас шодлик қайнаб чиқарди. Ахир буни қанчалик кутгандим. Шу сўзларни айтсайди, дея умид қилардим. Шундай бўлса-да, “Дўстлар учун телефонда суҳбатлашиш етади”, дедим. Сиз “кўришамиз”, деб туриб олдингиз. Мен “йўқ” дейишни кўймадим. Охири тоқатингиз тоқ бўлганидан, “унда уйингизга бораман”, дедингиз. Қўрқиб кетдим. Хаёлимдан ростдан излаб келса-я, деган фикр ўтди. Илтимосга ўтдим. “Қачон бўлмаса?” деган саволни кўндаланг кўйдингиз.

– Билмадим.

– Эртага.

– Йўқ.

– Бўлмаса қачон?

– Ёзда.

– Йўқ, баҳорда.

Қатъий гапирдингиз сиз. Чунки ёз узоқ эди, сабрингиз етмасди, эрта яқин эди, чўчирдим. Шундай қилиб келишдик. Энди баҳорни сабрсизлик билан кута бошладим. Фақат менмас, сиз ҳам унга интиқ эдингиз. Сабрсизланаётганингиз сезилиб турарди. Тиланиб кутганимиз баҳор яқинлашаётганди. Аммо тақдир тескари айланди. Аввалига баҳорнинг тезроқ келишини хоҳлаган бўлсам, энди вақтнинг тўхтаб қолишини истардим. Чунки баҳорнинг биринчи кунидан сиздан ажралошга маҳкум бўлиб қолгандим. Менга тўй қилишаётганди, дунёингиздан кетаётган эдим. Бу ҳақ-

да эшитганимда юрагимда чидаб бўлмас оғриқ турди. Шунда илк бор англадим севиб қолганимни. Аммо кеч, ҳаммаси аниқ, ажралошимиз ҳақиқат эди. Чеки йўқ қийноқлардан кейин айтдим, минг бир азоб билан. Жимгина эшитдингиз, анча сукутдан кейин:

– Биласизми, ўша инсоннинг ўрнида бўлиб қолишни қанчалик хоҳлаётганимни, – дедингиз.

Ҳадсиз азоблар ичида бўлсам-да, мендан бахтли инсон йўқ эди. Чунки муҳаббатни тан олдингиз. Тўғри, билардим, титраб сўзлашларингиздан сезардим. Лекин тан олишингизга кўзим етмасди. Бу ҳақда ҳеч қачон айтмайсиз, деб ўйлардим. Бахтли эдим, бироқ туганмас бўлиб кўринган шодлик изидан зулматга менгзалган азоб бостириб келарди. Сиздан ажралошгандим, бир умрга кетаётгандим сизсиз дунёга. Қисмат ўз йўлига бошлаб борарди мени. Хайрлашдик.

Тун бўйи тўлғониб чиқдим. Гўё зулмат ўз қучоғига олиб аёвсиз бўғарди. Ҳар тун минглаб орзуларимга қанот бериб турадиган юлдузлар ҳам бу ҳолни кўришни истамай, кўзларини юмиб олишгандек эди. Тонггача киприк қоқмадим. Бугун кетаяпман, сизсиз жойларга. Кетаяпману, суҳбатлашиб ўтказган онларимизни ўйлапман. Сеҳрли овозингиз, маъюс кулишингиз! Ҳеч кимникига ўхшамасди бу кулишлар. Балки сизга билмай боғланишимнинг сабаби шудир.

Ҳар доим муҳаббат ўлкаси томон бурилиб кетаётган суҳбатларимизни тўхтатиб қўярдим. Жаҳлингиз чиқардию дилимни оғритиб кўйишдан қўрқардингиз. Билардим, англаб туриб сезмаганликка олардим. Чунки ўзим ҳам сиздан ажраб қолишдан қўрқардим. Бу дунёдан топган яғонам эдингиз. Бугун ҳаммадан қизганганимдан кечиб кетаяпман. Кетаяпману, баҳорнинг биринчи куни билан гиналашяпман.

“Нега келдинг, юрагимга қишни олиб келаркансан? Нега келдинг, ундан ажратаркансан? Нега келдинг?”

Баҳор қулоғимга шивирлаб жавоб берди.

“Қалбингдаги муҳаббатни англамоқ учун!”

Жимиб қолдим. Ҳадсиз зулматни бир тола нур ёритгандек, кўнглимни шу сўзлар нурафшон этди. Негадир, баҳорнинг келганига шукр қилдим. Сиз ҳам ундан рози бўлинг, азизим!

Баҳорнинг ўтган кунларида бошимдан нималар кечганини билсангиз эди. Бугун қошингизга қайтиб келаяпман. Ёлғиз сиз деб, иккимиз деб, ҳаммадан тониб келаяпман. Биламан, кўрқасиз. Бу кўрқув боиси шуки, ўзгалар жабр кўришини, кимлардир бахтсиз бўлиб қолишини истамайсиз. Аммо биз-чи, бутун умр бир-биримизга зор бўлиб, азоб чекиб юришимизни ўйлаб кўрмадингизми?! Айтинг, нега? Нега бизнинг бахтли бўлишга ҳаққимиз йўқ? Нимадан кўрқдингиз? Кетар чоғимда ҳам фақат ва фақат хўрсиндингиз. Айтар сўзингиз “бахтли бўлинг”дан нарига ўтмади. Кейин ҳам ёзган мактубларимга “Бошқалар учун ҳам яшашимиз керак” мазмунида хат ёзардингиз “ҳеч қачон унутмайман” сўзларини илова қилардингиз. Номаларингизни ўқиб, фиғоним кўкка ўрларди. Борлигим олов бўлиб ёнарди. Гарчи биринчи қадамни кўймаган бўлсангиз ҳам, сизсиз яшашга кўнмадим.

Яқинларимнинг қистови билан бошқалар танлаб улгурган бўлғуси куёв билан учрашдик. Билсангиз эди, дилимда уйғонган туғённи. Тўйга бир кун қолганида куёвлик тўнини кийиб улгурмаган йигитга иккимиз ҳаққимизда гапириб бердим. У бир сўз демасдан, бошини қуйи эгганча эшитди ва охири бор кўзларимга

тикилиб қаради. Гарчи кўрмаган бўлсам ҳам унинг алам тўла маъносига нигоҳлари сизникига ўхшаб кетди. Юрагимда нимадир чирт-чирт узилди. У кетди, бир сўз демасдан. Мен эса катта йўлнинг чорраҳасида қолавердим. Жимгина.

Ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетди. Онам йиғлади, отамнинг қадди букилди, акаларим ғазабга минди. Отам ўтирган жойида гап-сўзсиз дарвозани кўрсатди. Ҳеч нима демасдан, чиқиб кетдим. Орқамдан дарвозанинг инграб ёпилгани, эшик зулфининг уввос солиб қулфлангани эшитилди. Ортимга қарай-қарай кетдим. Мендан ўтмишим юз ўгирганди. Фақатгина келажагимга йўл, борар манзилимда сиз бор эдингиз.

Қайтиб келганимни кўрган дугоналарим ҳайратда. Ҳолимга қайсинисидир ачинди, қайсинисидир кулди, куюнчақроғи эса тўғридан-тўғри “эсингни ебсан”, дея тергашга тушди. Бироқ уларнинг гапини эшитмасдим, фикру хаёлим сиз билан банд. Соғинган эдим, сўзлашларингизни, кулишларингизни. Шундай бўлсада, кўнғироқ қилишга шошмадим. Чунки қанчалик соғинмай, ҳаё йўлимни тўсиб турарди.

Кеч кирди. Само тоқига ҳилол осилди. Унга боқиб туриб: “Соғинганимда ойга қарайман”, деган сўзларингизни эсладим. Юзларимга ўзим билмаган ҳолда табассум югурди. Шу пайт хона сукунатини чилпарчин қилиб телефон овоз берди. Гўшакни дугонам кўтарди.

– Алло?

– ...

– Яхшимисиз? – ким биландир сўзлашди у. Кейин гўшакни кафти билан ёпти-да, менга қараб шивирлади.

– Шаҳзода жаноблари!

Титраб кетдим. Апил-тапил гўшакка қўл чўздим. Дугонам “жим” ишорасини қилдию гўшакни қулоғимга яқинроқ тутди.

– Нима қиляпсиз?

Овозингиз маъносига, аммо барибир ёқимли эди. Дугонам саволингизга жавобан:

– Китоб ўқияпман, – деди.

– Китобни бирга ўқимаймизми?

Бу сафар товушингизда ҳеч қандай ўкинч, изтироб сезилмади. Қайтанга илгариги маъносилик ўрнини қандайдир қувноқлик эгаллаганди. Ўзим англаб етмаган бегона ҳолат исканжасида қолдим. Чунки мен билан эмас, дугонам билан суҳбатлашаётгандингиз. Шундай хотиржам, шундай оҳиста гапирар эдингизки, ҳаётингизда ҳеч нима содир бўлмагандек гўё.

Наҳот, шунчалар тез унутдингиз?! Аслида унутилмасликка арзирмидим, ҳайҳот! Мен кутган бахт саробмикин?! Ортиқ тоқат қилолмадим, дугонаминг қўлини силтаб ташлаб, қўшни хонага ўтдим. Кўчага қараган деразани очиб юбордим. Хонага баҳорнинг тунги ҳавоси югурди.

Баҳор! Тиланиб кутилган баҳор. У ҳам худди сиздек ёлғончи, чечаклари билан бир зум алдаб турадию ўзидан нафис ифор қолдириб, қаерларгадир ғойиб бўлади. Бу алдовдан юрагимда қаттиқ оғриқ турди. Вужудим олов бўлиб ёнар, ҳатто баҳорнинг тунги салқин ҳавоси ҳам ором беришга ожиз эди. Азобланардим, ўзим англаб етмаган қандайдир ҳисдан адо бўлиб борардим. Дугонаминг овози эса нариги хонадан эшитилиб турар, товуши найза каби тўғри юрагимга қадаларди. Бу овозни тингламаслик учун қулоқларимни беркитдим, энди юрагимнинг зарблари

ри баралла эшитиларди. Юрагим исмингизни айтиб йиғларди. Зоҳиримдаям, ботинимдаям номингиз жарангларди. Сиздан қаёққа қочишни билмай қолгандим. Шу тариқа ўз-ўзим билан узоқ олишдим. Оқибат эса гурурим юрагимни енгди. Энди ёлғон севгингизга ишонганим учун ўзимни лаънатлай бошлагандим. Қўшни хонадан эса ҳамон дугонаминг овози эшитиларди. Ноаниқ ҳис қуршовида хонадан чиқдим.

– Биласизми, бугун ким келди? – деди дугонам қувноқлик билан.

– ...

– Барибир тополмайсиз, ... келди!

– ...

– Ишонмайсизми?

– ...

Ўзимни ҳарчанд лоқайд кўрсатишга уринмай, ичимни нимадир тинмай кемирарди.

– Гўшакни берайми?

Дугонам гўшакни узатиши билан олдим.

– Алло.

– Яхшимисиз?

Овозингизда ҳеч қандай соғинч, ҳеч қандай ҳаяжон сезилмасди. Шундай босиқ гапирардингизки, ҳатто бу сизлигингизга ишониш қийин эди.

– Раҳмат.

– Яхши келдингизми?

– Ҳа.

– Қайтиб келишингизга ишонмагандим.

Нима деб жавоб беришни билмай қолдим.

– Нотўғри йўл тутдингиз. Бундай қилмаслигингиз керак эди.

Гапларингиздан жаҳлим чиқар, шу ҳолатим тутай-вериб охири ёнишни бошлаган оловга ўхшарди.

– Қўрқманг, фақат ўзим хоҳлагандай яшаш учун қайтиб келдим.

– Тушунмадим.

– Тушунмадим, – истехзо билан кулдим. – Нимани тушунмадингиз, қайтиб келганимни ёки сизни деб ҳаммадан кечганимни?

Жим бўлиб қолдингиз.

– Гапиринг!

– Нега жаҳлингиз чиқяпти?

– Жаҳлим чиқяпти, наҳотки, ҳақиқатданам жаҳлим чиқяётган бўлса?

Киноя аралаш дардларимни тўкиб солдим.

– Сизга жаҳл қилиш мумкинмас-а, узр, билмай қолибман.

– Сизга нима бўляпти?

Ич-ичимдан тошиб келаётган хўрсиниқни аранг тўхтатдим. Илгари ҳаётдан гўзаллик излайдиган одам билан эмас, ҳамма нарсага бефарқ, лоқайд кимса билан гаплашаётгандек эдим. Шундай бўлса-да, ҳаёни бир четга сурдимю кўнглимдагини тўкиб солдим.

– Сиз учун, борлигингиз учун қайтиб келгандим. Сиз эса ҳеч нарса бўлмагандек бепарвосиз.

Томоғимга нимадир тиқилиб гапиролмай қолдим. Билмадим, кўнглингиздан нималар ўтди, балки отанангиз, балки улар унаштиришмоқчи бўлган қиз кўз олдингизга келгандир. Узоқ ўйладингиз, гўшакдан фақат тез-тез нафас олишингиз эшитиларди. Ниҳоят, сўрадингиз.

– Мен билан бир умр бирга қолишга розимисиз?

“Ҳа” дея жавоб бергим келди-ю, аммо нимагадир гапиролмадим.



– Гапиринг.  
Овозим чиқмади.  
– Сукут аломати ризо, шунақами?  
Тилим айланмади. Сиз сўнгги қарорингизни баён қилдингиз.

– Сиз учун ҳамма нарсага тайёрман, деб ваъда бермасимдан олдин кўришишимиз керак.

Кутилмаган сўзлардан ўзимни йўқотиб қўйдим. Сизни кўрмай туриб кўнгил берганимдек, мени шундайлигимча севиб қолгансиз, деб ўйлагандим. Лекин янглишган эдим.

Қулоқларим остида жаранглаган сўзларга ишонгим келмасди. Наҳотки, шу сўзларни айтаётган сиз бўлсангиз, наҳот гапирётган чинданам сиз!

Шу тобда борлиқ ва йўқлик ораллигида муаллақ турардим. Ишониш ё ишонмасликка ожиз эдим. Бироқ овозингиз ҳаммаси ҳақиқат эканини англатиб турарди. Ўзим билмаган ҳолда сесканиб кетдим. Худди бошимдан кимдир совуқ сув куйгандай вужудим қалтирарди. Шу тобда интилганларим етиб бўлмас сароб эканини англаб етгандим. Юрагим кўкрак қафасимдан чиқиб кетгудек потирлар, ўзини ҳар ёнга урар, бу ҳақиқатни тан олгиси келмай, тинмай йиғларди. Қўлимдан эса топталган қалбимга ачинишдан бошқа иш келмасди. Бутун идрокимни ишга солиб, саробга интилганимни тушуниб етдим.

Мен овозингизга ошиқ бўлгандим. Бу овозсиз бир кун ҳам яшай олмасдим. Сиз-чи, ҳаммасини била туриб, юрагимда ишқ гулханини ёқдингиз-да, айтилажак гапни охирга қўйдингиз. Аслида ниятингиз нима эди?! Мени аросатда қолдиришимди ёки на муҳаббатнинг, на ғурурнинг, на ақлнинг йуриғига юришни истамай ўзини ҳар ёнга ураётган МЕНимнинг ҳолини бир томоша қилишим?! Англаёлмадим!

Овозингизга ошиқ бўлдим, дедим. Ахир шу овозни юрак бошқармайдими?! Аслини олганда, юрагингизни севиб қолганимни ўзим ҳам сезмай қолгандим. Юрагингиз уммон қадар гўзал кўринганди менга.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз вақт югуриклиги ҳақида. Ёшмиз, чиройлигимиз, гўзал нарсаларни яхши кўраимиз. Аммо вақт ўтган сайин чиройли юзларга ажин тушади, шахло кўзлар хиралашади, самбитдай қоматлар эгиллади, сочларга қиров кўнади. Бироқ юрак гўзал бўлса, у ўз ҳуснини йўқотмайди. Янги-янги кашфиётлар қилиб, суюқлисига тортиқ қилаверади. Юрагингизни шу қадар қудратли деб ишонардим. Бироқ умидларимнинг саробга айланишини хаёлимга келтирмагандим. Сиз шу сўзларни айтган лаҳзада хаёл ва ҳаёт тўқнаш келиб улгурганди. Фожиаси юрагимда юз бераётганди. Бу фожа эса охирги умидимнинг умрига раҳна солди. Уни юрагимга боғлаб турган сўнгги тола ҳам узилди. Овози бутун борлигимга акс-садо бериб, руҳимни синдирди.

Сиз эса савол беришни давом эттирддингиз.

– Учрашамизми?

Нима деб жавоб беришни билмасдим.

– Эшитаяпсизми?

– Қачон?

– Эртага.

Жавоб беришга улгурмай, яна гапирдингиз.

– Йўқ, индинга. Эртага зарур ишим бор.

Симиллаган юрагимнинг оғриғи юз чандон ортди. Ҳатто дийдоримга ҳам ошиқмаётгандингиз. Ич-ичимдан қайнаб келаётган йиғини зўрға тўхтатдим.

Ҳаммаси барбод бўлганини, ҳаммаси бир туш эканини англаб етдим.

Бир муддат жим туриб, дилимдан муҳаббатнинг кучини синаш учун тўқиган ёлғонларим гуноҳини яратгандан сўраб ёлвордим. Шундан сўнг ҳақиқатни айтишга, бутун ёлғонларимни фош қилишга қарор қилдим. Ич-ичимдан қайнаб чиқишга тайёр турган йиғини аранг тўхтатдим.

– Шунақами? Шунақа денг.

– Ҳа, фақат хафа бўлманг..

– Ҳеч қандай тушунтиришнинг кераги йўқ.

Кескин гапингизни бўлдим. Тоқатим тоқ бўлганди.

Тезроқ бу ўйинни тўхтатишни хоҳлардим.

– На дўст бўла оласиз, на сева оласиз. Аслида ким эканингизни билиш учун ёлғон тўқигандим. Мен кетмаганман. Тўй қилишмоқчилиги ҳам ёлғон. Муҳаббатингизни синаб кўрмоқчи бўлдим. Билдимки, муҳаббат сиз учун ҳеч нарсага арзимайдиган матоҳ экан.

Шу сўзларни айтар эдим, ич-ичимдан тошаётган йиғини базўр тўхтатардим.

– Сизни алдадим.

– Нима?

– Алдадим.

– Кечирмайман.

Овозингиз алам ҳамда нафратга тўла эди. Истамсам ҳам кулдим. Аммо бу кулги кулгига эмас, йиғига ўхшарди. Борлигимни ноаниқ ҳис чулғаб олганди. Менга ҳақиқий ҳаёт малол келаётганди. Чунки ўзим ўйлаб топган ҳаётда бахтиёрроқ эдим.

Шу тобда сиз билан эмас, ўз ҳисларим билан ҳазиллашганимни сезиб қолдим. Ўжар юрагим эса буни тан олгиси келмасди. Сизни ёлғонларга ишонтираман, деб ўзим алдовлар қурбонига айланганимни билмай қолгандим. Ғурур деб ишонганим тантиқлик сабаб барча беғубор ҳисларимни нобуд қилгандим. Сизни алдаш баробарида ўз-ўзимни бўҳтонларга кўмиб ташлагандим. Билмадим, қаердан олдим бу сўзларни. Энг, энг разил сўзларни гапирдим сизга. Чидай олмадингиз. Олдинга ҳаммасини ҳазил деб ўйладингиз. Кейин тушуниб етдингиз. Фақат бир нарсанинг фаҳмига етолмай ҳайрон эдингиз. Сизни “нима учун”, деган савол қийнарди, аёвсиз нафрат бўғарди. Мен нафақат сизнинг, балки ўзимнинг ҳам шаффоф туйғуларимни оёқости қилгандим. Биринчи марта кечириб бўлмас хато қилдим. Фақат охирги лаҳзалардагина шу хатоим учун умрбод азоб чекиб ўтишга маҳкум бўлиб қолганимни тушуниб етдим. Аммо энди кеч. Гапларим нишонга бориб текканди, сиз ғазаб отига мингандингиз.

– Бу ишингиз учун пушаймон бўласиз.

Хатойимдан юрагим оғриётган бўлса-да, жиловим ҳалиям ғурурнинг қўлида эди.

– Нима қиласиз, пушаймон бўлишга мажбурлайсизми?

– Йўқ, ўзингиз пушаймон қилишга мажбур бўласиз!

Овозингиз йиғлашга тайёр турган болакай товушидек титрарди. Аллақачон пушаймон бўлишни бошлаган бўлсам ҳам:

– Ҳеч қачон, – дедим ўжарлик билан.

– Ҳали йиғлайсиз, мени ўйлаб кўп йиғлайсиз.

Охирги гапингиз шу эди. Карахтлигимдан нима деб жавоб беришни билмай қолдим. Бутун вужудим пушаймонлик изғиринидан музлаб қолганди. Дуго-

нам кўлимдан гўшакни олганида кулишга ҳаракат қилардим, аммо бу беўхшов табассум буюк бахтсизлигимдан дарак берарди. Дугонам гўшакни кўйиб, менга нигоҳини тикди.

– Бекор қилдингиз.

Нима дейишни билмай қолдим. Худди менга тегишли сўзларнинг барчаси бекасида юз ўгириб кетгандай эди. Шу тобдаги ҳолатим борлиғи зимистонга айланган, туйнуксиз қасрга қамалиб қолган одамни эслатарди. Виждон азоби аёвсиз сиқарди. Билмадим, ўзимдан бегона сарҳад ичида кезинганимда орадан қанча вақт ўтди, идрок қилишга ожиз эдим.

Қора кокилларини ёйиб тун ҳам чўкди. Гарчи чироғи ўчирилган хонани ой нурлари нурафшон қилиб турган бўлса ҳам, руҳим зимистонлик ичра кезиб юрарди. У ҳар нарсадан нажот истар, ўзини оқлашга ҳаракат қилар, аммо уддасидан чиқолмай саргардон эди. Юрагим зулмат кучоғида ҳам сизни ўйлар, сизни кўмсар, исмингизни айтиб йиғларди. Сизнинг қалбингизда эса нафрат ғалаён қиларди.

Бироқ шундай кун келадики, мени авф этасиз. Шундай ёғдуга чулғанган бахтиёр онлар келадики, мени маъюс ва сассиз табассум билан эслайсиз.

Ҳеч ўйлаб кўрдингизми, ёлғонларим сабабини. Ахир дилингизни атай оғритмоқчи эмасдим-ку! Олдинга ҳаммаси шунчаки ўйин эди. Ёлғонлар эвазига ўзимга бениҳоя азоблар орттираётганимни хаёлимга ҳам келтирмагандим. Афсус, ҳаётимнинг энг гўзал лаҳзалари ёлғон билан йўғрилаётганини сезмай қолибман.

Айни лаҳзада пушаймонликнинг аччиқ захрини тотяпман. Биламан, ранжиган бўлсангиз ҳам кўпроқ ўзингизни айбляйсиз. Чунки ўйинни сиз бошлагандингиз. Ўртамизда туғила бошлаган беғубор дўстликни аллақандай бегона ҳислар билан алмаштириб юбордингиз. Бу билан нафақат ўзингизни, мени ҳам алдовларга кўмиб ташладингиз.

Эсланг. Илк дафъа танишувимизни. Аслида танишмаган эдик. Худди бир-биримизни олдиндан таниймизу, фақат узоқ вақт йўқотиб қўйгандай эдик. Илк бор овозингизни эшитганимда юрагимга яқиним, йироқларда юргану ниҳоят соғиниб кутганимни билиб ёнимга қайтиб келгандай таассурот уйғотганди менда. Овозингиз шу қадар таниш эдики, уни олдин ҳеч қачон эшитмаган бўлсам ҳам, ҳар доим меники бўлгандай эди. Авваллари атрофимдагиларга лоқайд, беэътибор, ҳиссиз боқардим, аммо овозингизни эшитганимдан сўнг юрагим ноаниқ ҳислар қуршовида қолди. Ўшанда илк бора сўзлашганимизда бор-йўғи учтагина сўздан иборат савол бергандингиз: “Кечирасиз, Мунисани мумкинми?” Шу учтагина сўз юрагимни титратганди ўшанда. Шундан кейин бирон марта ҳам гаплашмадик. Аммо бир-биримизга тобора яқинлашиб бораётганимизни ич-ичимдан сезиб турардим. Дугонам сиз ҳақингизда гапирганида, гап яқин инсоним ҳақида кетаётгандек ҳис қилардим ўзимни. Шу билан бирга менга тинмай талпинаётганингизга ишончим комил эди. Йўқ. Буни муҳаббат деёлмайман. Чунки севмагандим. Фақат ёлғизлигим дунёсига кимнингдир кириб келганини сезмай қолгандим. Тўғри, атрофимда мени яхши кўрадиган, ардоқлайдиган, севадиган инсонлар, яқинларим кўп эди. Бироқ ўз дунёимда кимгадир муҳтож эдим. Унда ёлғиз яшардим. Унда фақат ой-юлдузлар, парку булут, ёғаётган ёмғир, қор парчалари

бор эди, холос. Ёлғизлик оламимда суҳбатдошим гуллар, эгилиб қулоғимга шивирлаётган мажнунтол эди фақат. Аммо бу оламга сездирмай кириб келдингизу у янаям файзли бўлди. Энди мени сўзсиз тушунадиган инсонни – сизни топгандим.

Сиз учун ҳам шундаймиди?! Йўқ! Чунки ўшандан кейин бирон мартаба ҳам сўзлашмагандик. Бироқ тақдир тақозосимиди ёки тасодиф, яна телефон орқали дучлашдик. Ўшандан кейин бошланди ҳаммаси. Сиз ҳар куни кўнғироқ қиладиган, мен кўнғироғингизни сабрсизлик билан кутадиган бўлдим. Ҳар куни соатлаб суҳбат қурардик. Гаплашаётганда вақт шунчалик тез ўтардики, бу онлар худди бир лаҳзадек туюларди менга. Бир-биримизга айтадиганимиз тугамас, яна, яна янгилари туғилаверарди. Шу тарика ярим тунгача давом қиларди суҳбат. Кундан-кунга сизга қаттиқ боғланиб борардим. Бу дунёдан топган ёлғизгинам эдингиз. Юрагимга шу қадар яқин бўлиб қолгандингизки, у фақат сизнинг номингизни айтиб урарди. Тўғри, бирор марта бўлсин муҳаббат ҳақида гаплашмаганимиз. Аммо нафасингиздан уфураётган севги шаббодасини ҳар лаҳза сезиб турардим. Мен учун дунёдаги энг яхши, энг меҳрли инсон эдингиз. Шу меҳрингиз сабаб сизга қаттиқ ишондим. Ҳеч кимга айтмаган сўзларимни сизга омонат қилдим. Ўзимни, ўзлигимни фош қилдим. Сиз-чи?! Оламларга тенг ишонч эвазига қандай жавоб қайтарганингизни ўйлайсизми? Зулматга чулғанган тунда тонг отишини кутиб, унга талпинаётган, нурга чўмилишни истаган гул эдим. Олдин очилишга интиқ турган ғунчаларимни бир-бир уздингиз, кейин эса ўзимни беаёв синдирдингиз. Шу ондаги ҳолатим нур истаб ўзини шамга урган парвонани эслатарди.

Ахир юрагимдаги бор сирларимни сизга тўкиб солардим-ку! Балки буни икки қалб ўртасидаги муҳаббат, деб тушунгандирсиз. Бироқ бундай эмасди. Дилимни оғир дард эзарди. Нимагадир буни фақатгина сиз ҳис қиласиз, деб ишонардим. Бу ғуссанинг нима эканини ҳатто ўзим тушуниб етмасдим. Ёлғизликми, зериклишми ёки лоқайдлик – билмасдим. Фақат бир нарсани – тўрт томонимдан зулмат аёвсиз сиқаётганию қаёққа қочишни билмай қолганимни англардим. Шу сабабдан нажотни сиздан изладим. Эртақлардагидай халоскор бўлиб кўриндингиз. Эътиборингизни таъмасиз деб ишондим. Афсус, минг афсус! Эсингиздами, ўртамизда ҳеч қандай ёлғон бўлмаслигига келишиб олгандик.

Суҳбатларимизнинг бирида дугоналарим ҳақида сўрадингиз. Ҳазил аралаш уларни таърифлай кетдим.

– Учта дугонам бор. Биттаси жудаям мулойим, ширин сўз. Биттаси эса мағрур, бир сўзли, мард.

– Дугоналарингизнинг ёмони йўқ экан-да?

– Биттаси бор. Ёлғончиликда ундан ўтадигани йўқ.

– Гарчи бунақа дугонам бўлмаса ҳам ҳазиллашардим. Гапларимдан кулгингиз қистади. Куларкансиз:

– Унақа бўлса, яхши дугоналарингиз билан таништирарсиз, – дедингиз.

– Чиндан танишасизми?

– Ҳа.

– Майли.

Кўшни хонада ўз юмушлари билан машғул бўлаётган дугоналаримни чақирдим. Бехосдан чақириб қолганимга ҳайрон бўлган қизларга гўшакни бердим. “Битта бопланлар” деганимдан кейин уларнинг шўхлиги тутди. Дугоналарим ҳазиллашишар, сиз ҳам қолишмасдингиз. Ниҳоят, гўшакни ўзимга қайтаришди.

– Кўрдингизми, чинданам яхши эканми?!  
Ёлғондакам ғурурландим. Кейин улар ҳақида гапириб бердим. Гапимни тугатар эканман:

– Ёлғончи дугонангиз билан қачон таништирасиз?  
– дея сўрадингиз. Ҳазиллашасиз деб ўйладим.

– У билан таништираман, чунки ёмон қизлар билан гаплашиш сиз учун зарарли.

Жиддий оҳангда гапираётган бўлсам ҳам, буни ҳазил тариқасида айтардим. Шу биргина ҳазилим кейинги ҳаётимизни алғов-далғов қилиб юбориши хаёлимга келмаганди. Ўртамиздаги энг катта хато ва энг катта тушунмовчилик шу ердан бошланганди.

Ҳар куни суҳбатлашардик, ҳазиллашардик. Суҳбатларимизда “Дугоналарингиз яхши юришибдими?” дея сўрадингиз. “Ҳа”, деган жавобимдан кейин суҳбатимиз бошқа мавзуга кўчарди. Жудаям бахтиёр эдим.

Орадан кунлар ўтди, ҳазиллашиб “ёмон” деган дугонам кимдир тинмай безовта қилаётганидан шикоят қиладиган бўлди. Унга ҳар куни кўнғироқ бўлар, дугонам асабийлашар, кўнғироқ эгаси билан тинмай гап талашарди. Унинг асабийлашишларига кулибгина қўя қолардим. Шундай кунларнинг бирида яна кўнғироқ бўлди. Гўшакни кўтарган дугонам “имо” билан чақирди-да, “эшитиб кўринг” деди.

Кулоқ тутдим.

– Яхшимисиз! – овоз келди гўшакдан.

Карахт бўлиб қолдим. Сиз эдингиз.

Шу ондаги ҳолатимни кўрсангиз эди. Тилим лол, кулоқларим батан бўлиб қолганди гўё. Борлигим музлаб борарди. Юрагимни аёвсиз “нима учун?” деган савол эзарди. Ўз-ўзимни англаб етмаётгандим. Дугонамнинг “танийсизми?” деган саволига “йўқ” маъносида бош чайқадим. Нега бундай қилаётганимни англамасдим. Ноаниқ ҳис қуршовида бошқа хонага ўтдим. Йиғлагим келарди. Очиқ, ошкора, дунёларга дод солиб. Бироқ бундай қилолмасдим. Кўзёшларимни ютишга, аламимни ичимга кўмишга мажбур эдим. Аммо билмабманки, бу кўзёшлар заҳарга айланиши-ю алам қалб кўзини хиралаштиришини. Ожиз эдим, нотавон эдим. Худди ер қаърига кириб кетаётгандек ҳис қилардим ўзимни.

Қора тўрларини ёйиб тун чўқди. Ҳар оқшом сиздан хабар бериб чинқирадиган телефон негадир бугун жим эди. Хўрлангандек сездим ўзимни. Алам, пушаймон, ғурур – буларнинг ҳаммаси бир бўлиб, нафратни уйғотди. Шунда ўч олишни хоҳладим. Худди сиздек нафис сўзлар тагига заҳарли нашта кўмдим. Энди умуман бошқа одамга айлангандим. Бунга сабабчи сиз эдингиз.

Кун бўйи маст одамдай, алаҳсиб, кўнғироғингизни кутдим. Ҳар сафар телефон жиринглаб қолса, сиз деб хаёл қилиб, гўшакни кўтарардим. Ниҳоят қуёш ўз кошонасига кириб, тун маликасига ўрнини бўшатиб берганида жумла олам сукунати чилпарчин қилиб, телефон товшу берди. Юрагим дукурлаб кетди.

– Алло.

– Алло.

– Яхшимисиз? – сўрадингиз сиз ҳеч нима бўлмагандай.

– Яхши, – дедим, кейин қўшиб қўйдим. – Ёмон дугонам ҳам яхши юрибди.

– Сиздан буни сўрамадим, шекилли?

Бу гапингиздан кейин чидаб туролмадим.

– Тўғри, чунки биласиз-да унинг аҳволини.

Жим бўлиб қолдингиз.

– Шунақами?!

Алам билан жаранглади овозим.

– Тушунмадим?

– Тушунмадим, – такрорладим мен. Энди ростак портлаётган эдим.

– Нимани тушунмадингиз, дугонамга нимага телефон қилаётганингизни ёки мени билмайди, деб ўйлаганингизни?!

Сиздан садо чиқмади.

– Гапиринг!

Сўзлашим хотиржам бўлса ҳам, ғазаб устувор эди.

Бироз сукут сақладингиз-да, яна “тушунмадим”, деган сўзни такрорладингиз. Энди ақлим ўрнини алам, нафрат, ғазаб эгаллаб олди.

– Кечирасизу, ниятингизни тушунмадим. Мақсадингиз нима ўзи?

– Ҳеч нима.

– Соғмисиз, ишқилиб?! – Менда устингиздан кулиш истаги пайдо бўлаётганди. – Ёки шу пайгача телба билан гаплашганманми?!

– Мени хафа қилаяпсиз.

Хандон отиб юбордим.

– Наҳотки!?

Кейин қаҳрнинг кучидан бирданига жиддийлашдим.

– Мени хафа қилсангиз майлими?! Танишгингиз келган экан, нега айтмадингиз? Кечирасизу, сизга ёлғон гапирганман. Дугонам жуда яхши қиз, ҳазиллашиб уни ёмон деганман. Билмадим, қандай тушунгансиз?

Сиз яна ўша босиқлик билан “мен сизни тушунма-япман”, дедингиз.

Бу гапингиздан кейин баттар тутоқдим.

– Дугонамга кўнғироқ қилганингизни тан олиш шунчалик қийинми?

– Қачон кўнғироқ қилибман?!

Кутилмаганда жаҳлингиз чиқиб кетди. Бироқ бу шунчаки мени ишонтириш учун ўйлаб топилган ҳийлага ўхшарди.

Бир лаҳза иккиланиб қолдим. Ўзимдан кўра сизга кўпроқ ишонганимдан гапларингиз рост, дея ўйлаб бошлагандим. Бироқ овозингиз ёлғонларингизни фош қиларди, унда самимийлик сезилмасди, у ўзининг сохталигини кўз-кўз қилиб бонг урарди. Сиз бу ролга астойдил киришиб кетганингиздан менга бақаришни бошлаганингиз. Ҳолатингиз ёлғонингизни яшириш учун ниқоб эканини англаб етгандим. Бир фурсат баланд овозда ўзингизни оқлашингизни эшитиб турдим. Кейин эса паст, бироқ қатъий овозда гапирдим.

– Менга бақаришга нима ҳақингиз бор?

– Узр, қизишиб кетдим.

Гўшакдан қисқа-қисқа нафас олишингизга эшитиларди. Гарчи қилмишингиздан фиғоним кўкка ўрлаётган бўлса ҳам ғазабимни ичимга ютдим. Чунки тан олгингиз келмаётганди. Мен эса бунга нуқта қўйишни, сизни ҳаётимдан ўчириб ташлашни истардим.

– Биз дўст бўлишга, нима бўлган тақдирда ҳам бир-биримизга ёлғон гапирмасликка келишган эдик, шундайми?

– Ҳа.

– Шундай бўлса, нега алдаяпсиз?

– Алдаётганим йўқ.

– Узр, сизга ишона олмайман.



Жим бўлиб қолдингиз. Мен эса давом этдим.  
– Келинг, шу ерда хайрлашамиз.  
– Шуни хоҳлаяпсизми?  
– Ҳа.  
– Шуни хоҳлаётган бўлсангиз нима ҳам дердим.  
Кўнғироқ қилманг, десангиз бошқа безовта қилмайман.  
Фикрингиз ўзгариб қолса, кўнғироқ қиларсиз.  
– Омон бўлинг.  
– Хайр.  
Билмадим, нимадан кўрқдингиз. Буни тан олган тақдирингиздаям, кечирардим-ку! Бироқ хаёлларим тескари айланди. Энди иймоним комил эди сизга эътиборим шунчаки эрмак эканига, ишончим поймол бўлганига.  
Сизга бўлган меҳрим сўнди. Ўрнини алам, изтироб, нафрат, ўч эгаллади. Энди умуман бошқа одам бўлишга, худди сизга ўхшаб юзимга ниқоб кийишга қарор қилдим.  
Ўзлимни ниқоблаганимдан кейин хотиржам уйқуга кетдим. Тонг отди. Ҳар сахар деразам тагидаги дарахт шохида нагма қиладиган булбул негадир бугун кўзимга хунук кўринди. Деразамни очиб, уни дарахт шохидан ҳайдадим-да, рақамингизни тердим. Ҳеч ким кўтармади.  
Кун бўйи иккимиз ҳақда, топталган туйғулар, ҳақоратланган ҳислар ҳақида хаёл сурдим. Кеч ҳам кирди. Телефонда суҳбатлашадиган пайтимиз бўлди. Кўнғироғингизни кутдим, кутдим, аммо садо бўлмади. Бошқа кутишга сабрим чидамади, ўйинни ўзим бошлашга қарор қилдим. Хотирамдан бир умр ўчмайдиган ўша рақамларни тердим. Ҳар доимгидай гўшакни ўзингиз кўтардингиз.  
– Алло.  
– Алло, яхшимисиз?  
– Сиз!? – ҳайратингизни яширолмадингиз. – Бошқа кўнғироқ қилмайсиз деб ўйлагандим.  
– Нимага энди, – қувноқлик билан гапирдим мен.  
– Сизга ишонмай бўладими?!  
Жим бўлиб қолдингиз.  
– Нима қилаяпсиз?  
– Ҳеч нима.  
– Мен билан гаплашмаяпсиз-ку! Алдоқчилигингиз қолмади, қолмади-да!  
Кулиб юбордингиз.  
– Ҳа, тан олдингиз-а охири, – муғамбирлик билан дедим.  
– Нимани?  
Яна ўзингизни билмаганликка олдингиз.  
Худди сизни ноқулай аҳволдан чиқармоқчидай:  
– Келинг, ҳаммасини унутамиз, – дедим.  
Маъқулладингиз. Шундан кейин суҳбатимиз давом этди. Хайрлашар чоғимизда яна шу мавзу ҳақида гап очдим.  
– Алдаган бўлсангиз ҳам кечирдим, ўша сиз эдингиз-ку!  
Негадир бу сафар гапимни инкор қилмадингиз. Сўнги лаҳзада тан олдингиз, бироқ энди кеч эди. Ўйинни бошлаб бўлгандим. Ниқобим кийилган, орқага йўл йўқ.  
Ўзимни бу йўлдан қанчалик қайтаришга уринмай, ичимдаги иккинчи МЕНим изн бермасди. У ўзлугидан кечганди, энди айёрликни, ўчни, мағрурликни қурол қилиб олганди. Аламзада эдим. Қалбим ойнасига дарз етганини сира кечира олмасдим. Шу тариқа сиз бошлаган ёлғонни давом эттирдим. Қилмишингизни

тан олганингиздан кейин сониялар ичида ҳаммасини ўйлаб чиқдим.  
– Сизни кечирдим дедим, аслида кечирмаганман, кечирмайман ҳам. Ахир сизга ўзимга ишонгандек ишонардим.  
– Кечиринг мени...  
– Энди сизга ишонмайман.  
– ...  
– Умид қиламанки, мени бошқа безовта қилмайсиз.  
– Шуни хоҳлайсизми?!  
– Ҳа.  
– Чиндан шуни истасангиз, ҳеч қачон безовта қилмайман. Аммо кўнғироғингизни кутаман.  
Ич-ичимдан ўзимдан мамнунлик ҳисси уйғонди.  
– Омон бўлинг.  
Оғир хўрсиндингиз.  
– Хайр.  
Кейин “ҳаммаси учун афсусдаман”, дея қўшиб қўйдингиз.  
Жавобан гўшакни жойига қўйдим. Шундай қилиб биринчи актёрлик ишим тугади. Илк қадамни муваффақиятли ташлаганимдан мамнун эдим. Қилган ишимдан ҳеч қандай афсус туймасдим.  
Кунлар ўтди. Гоҳи-гоҳида кўнғироқ бўлиб қолар, жавоб берсам кўнғироқ эгасининг нафасидан бошқа нарса эшитилмасди. Савқи табиий билан сиз эканингизни англаб етардим. Чунки бундай нафас фақатгина сизга хос эди. Ҳолатингиздан ич-ичимдан қувонардим.  
Орадан кўп вақт ўтмай кун совуқлигидан бетобланиб қолдим. Дугоналарим атрофимда парвона бўлишига қарамай, негадир ич-ичимдан сизни соғиндим. Овозингизни эшитгим келди. Бироқ алам, ўч, нафрат бу сафар ҳам ғолиб бўлди. Ҳатто дугоналаримдан фойдаланишга ҳам ор қилмадим. Дугонамга режаларимни тушунтириб берганимдан кейин у фақат шу сафар ёрдам беришга рози бўлди. Шу тариқа рақамингизни тердим, гўшакни унга бериб, ўзим ҳам қулоқ тутиб турдим.  
– Алло, – овоз келди гўшакнинг нариги тарафидан.  
– Алло, – деди дугонам ҳам.  
– Эшитаман.  
– Ўзингизмисиз? – деди дугонам қувноқлик билан.  
– Ҳа, сизмисиз, яхшимисиз?  
– Ҳа, яхши, раҳмат. Ишларингиз жойидами?  
– Раҳмат.  
Иккалангиз ҳам бир зумга жим қолдингиз. Дугонамни туртганимдан кейингина гапиришга тутинди.  
– Биласизми, қандай тушунтирсам экан, – каловланди у.  
– Гапираверинг.  
– Биласизми, у касал бўлиб қолди. Қанча мажбурламайлик, дориларини ичмаяпти. Биласиз-ку, ўлгудай ўжарлигини. Айниқса, уришиб қолганларингиздан кейин ўзгариб қолган. Илтимос, бир мартагина телефон қилиб гаплашинг.  
Жим бўлиб қолдингиз. Билмадим нималарни ўйлаётгандингиз.  
– Майли, бир оздан кейин кўнғироқ қиламан.  
– Фақат кўнғироқ қилганимни билмасин, – деди дугонам шоша-пиша.  
– Келишдик.  
Дугонам гўшакни жойига қўяркан, “Ишқилиб яхшилик билан тугасин-да, у-ку ўзини эплаб кетиши мумкин, аммо ҳамма хавотирим сиздан”, деди чуқур ўх

тортиб. Унга кулиб қўя қолдим, билмабманки бу ўйин иккимизга ҳам қимматга тушишини.

Ваъда берганингиздай ўн дақиқа ўтар-ўтмас кўн-ғироқ қилдингиз. Шу вақт ўтгунга қадар яна бир карра айтадиган гапларимни ўйлаб олдим. Ягона мақсадим, сизни ёлғонларимга ишонтириб, эрмак қилиш ва шу орқали ўч олиш эди. Гўшакни яна дугонам кўтарди.

– Алло.

...

– Ҳа, бор, – деди у менга кўзини қисиб.

...

– Ҳозир бераман.

Дугонам атайлабдан сиз эшитишингиз учун “сизга экан”, деди баланд овозда.

– Ким?– дедим мен ҳам жўрттага.

Дугонам “дўстингиз”, деди. Мен эса “менинг дўстим йўқ”, деган жавобни бердим. Дугонам гўшакни қайта қулоғига тутди-да:

– Кечирасиз, у гаплашишни истамаяпти, – деди худди бунга ўзи айбдордек. Шундан кейин у бир муддат гўшакни қулоғига тутганча туриб қолди. Кейин эса гўшакни менга узатганча “гаплаша қолинг”, деди илтижоли оҳангда. У билан келишганимиз учунми ёки ростданам сизга раҳми келганидан шундай қилдим, фарқполмай қолдим. Бир муддат ўзимни гаплашишни хоҳламаётган одамдек тутдим-да, кейин гўшакни кўтардим.

– Алло?

– Алло.

– Яхшимисиз?

– ...

– Нимага гапирмайсиз?

– Томоғим оғрияпти.

– Шамолладингизми?

– Шамолласам сизга нима? – кўполлашдим.

– Дори ичдингизми?

– Йўқ.

Товушим олдингидан ҳам кўрс чиқди.

Чуғур хўрсиндингиз.

– Майли, мени кечирманг, фақат вақтида дори ичинг. Агар вақтида даволанмасангиз, ўзингизга қийин бўлади.

– Қийин бўлса, менга қийин бўлади, – гапингизни бўлдим. Сўзимни тугатар-тугатмас, мени қаттиқ йўтал тутди. Уялганимдан гўшакни қўлим билан беркитдим. Қайта қулоғимга тутганимда, сиз:

– Кўрдингизми? – дедингиз таънали оҳангда.

– Дори ичолмайман, – дедим худди ёш қизалоқлардек йиғламсираб.

– Нега?

– Аччиқ.

“Жиннивой”, дедингиз кулиб. Ўшанда биринчи марта уришишингиз эди. Оҳангингиз уришишга эмас, кўпроқ эркалашга яқин эди. Меҳрингиз қалбимнинг туб-тубида ярақлаб ёнди-ю, нафратнинг кучи билан зумда ўчди-қолди. Шу тобда юрагимда меҳрдан кўра нафрат кўпроқ жойни эгаллаб олганини сезиб қолдим. Бироқ нима учундир ачинмадим. Кўзларим кўр эди. Нафрат, ўч, алам сўқир қилиб қўйганди уни. Мен тўғри йўл қолиб, эгри йўлни танлагандим.

– Ҳозир дорингизни ичинг-да, яхшилаб ўраниб уланг. Хўпми! Эртага кўнғироқ қиламан.

Итоат билан “хўп”, дея жавоб бердим.

– Яхши дам олинг.

– Сиз ҳам.

Гўшакни қўйдим. Нимагадир хурсанд эдим. Меҳрибонлигингизданми ёки режаларим амалга ошаётганиданми, ўзим ҳам англаб етмасдим. Бироқ тузалишим учун энг катта туртки овозингизни эшитиш эканлигини ич-ичимдан англаб етгандим. Ҳар кеч ёлғизликдан қораядиган туним негадир ўшанда чароғон эди. Ҳар оқшом юзларини ўгириб оладиган юлдузлар ҳам худди имлаб ёнларига чорлаётгандек туюлди менга. Ўша кундан яна узундан узоқ суҳбатларимиз бошланди, аммо кетма-кет ёлғон тўқирдим. Алдовлар бир-бирига шундай уланардики, ҳатто ўзим ҳам сезмай қолардим. Бора-бора бу ёлғонлар иккаламизни севишганларга ўхшатиб қўйди. Бу ҳақда бир-биримизга айтмасдигу, лекин бир-биримизсиз яшолмайдигандек эдик. Сизни алдовларга кўмишга киришиб кетгандимки, ҳатто тўқиган ёлғонларимга ўзим ишона бошлагандим.

Аввалига ролини аъло даражада бажараётган актёрга ўхшардим. Кейин бошқа бировнинг ҳаётини яшай бошлагандек ҳис қилдим ўзимни. Билмайман, вазият тақозосимиди ёки дилимдаги талотўплар сабабми, бора-бора ўзим ўйлаб топган ҳаётга ўрганиб қолдим. Телефон орқали кечган суҳбатларимизда баноғоҳ шеърлар янграб қоларди. Мен шеър ўқишни, сиз эса эшитишни хуш кўрардингиз.

Кимсиз?

Айтинг,

Кутганимисиз?

Ёки қисматимда

Адашган кимса.

Кимсиз?

Пешонамга битилган ғамми

Ва ё кипригимга

Бойланган ғусса.

Бу суҳбатлардан кейин вужудимиз бошқа-бошқа бўлса ҳам, руҳимиз бирдек бўлиб қоларди гўё. Менинг бу оламдан сира ажралгим йўқ эди. Аммо алам ва нафратнинг қоришмаси бунга йўл бермасди. Руҳимда макр кўзғолон қиларди. Билардим, менга ўзингизга ишонгандек ишонардингиз. Хаёлингизга ҳеч қачон мен ҳақимда ёмон фикр келмасди. Айнан шу ишонч мен учун қурол вазифасини ўтарди. Сизни батамом ўзимга боғлаб олганимдан кейин оғриқли нуқтани қўйишга аҳд қилдим. Ҳар кунгидай кеч кириб, тун чўка бошлаган пайт кўнғироқ қилдингиз.

– Алло.

– Яхшимисиз?

– Раҳмат, ўзингиз яхшимисиз?

– Худога шукур, ҳар доимгидай.

Жим қолдим.

– Нега гапирмайсиз?

Ҳамон жим эдим. Безовталана бошладингиз.

– Нима бўлди сизга?

– ...

– Гапиринг...

– ...

– Одамни қийнамасдан гапирсангиз-чи!

Оғир хўрсиндим.

– Мени унаштиришмоқчи.

Гўшакдан фақат тез-тез нафас олганингиз эшитилди. Шу кўйи анча вақтгача на сиздан, на мендан садо чиқди. Билмадим, нималарни ўйлар эдингиз. Менинг хаёлимда эса “нима деркин?”, деган савол айланарди. Анча пайтдан кейин “Қачон?” дедингиз.



– Шу оининг охирида.  
– Демак, учрашишга келишган пайтимизда, шу нақами?

– Ҳа...

– Биласизми, ўша одамнинг ўрнида бўлиб қолишни жудаям хоҳлардим.

Ич-ичимдан тўхтатиб бўлмас шодлик қайнаб чиқди. Бироқ бу қувончининг сабабини билолмай овера эдим. Севинчим сизни чиндан яхши кўриб қолганимданми ёки ёлғонларимга иншонтира олганимданми, англаёлмасдим. Бироқ ичимдаги макр қувончдан рақс тушарди. У шод эди, у ёлиб эди ва бу ғалабасидан масрур яна юриш бошлади, захарли ништарларини юрагингизга қадашда давом этди.

– Энди нима бўлади?

– Билмадим.

Худди ҳаво етмаётгандек тез-тез нафас олардингиз. Орага оғир сукунат чўқди. Қўнғироқ қилишингиздан олдин ўқийётган китобимга кўз югуртиришда давом этдим. Аҳён-аҳёнда хўрсиниб қўйишингиз эътиборимни тортганини демаса, бутун диққатим китобда эди. Ниҳоят сукунатни буздингиз.

– Нима ҳам дердим, бахтли бўлинг.

– Ростданам шуни истайсизми?

– Ҳа, чин дилдан.

– У билан бахтли бўлади, деб ўйлайсизми?

Жавоб беролмай довдирадингиз.

– Гапиринг...

– Билмадим.

Аҳволингиз чиндан аянчли эди. Гоҳ кулгим қис-таса, гоҳ ачиниб кетардим. Нима бўлганда ҳам бу ичимдаги макрга ҳузур бағишларди. У туйғуларингиз, ҳиссиётларингиз устидан мазах қиларди. Шундай кулардики, унинг кулгусига беихтиёр эргашиб кетганимни ҳам сезмай қолгандим.

Аслида кулаётган мен эмасдим. Мен ўзимдан, ўзлгимдан кечгандим. Кулаётган бошқа, умуман бегона кимса эди. У нафақат сизнинг туйғуларингиз, балки дунёдаги субути йўқ, қатъиятсиз инсонлар ҳиссиётларини масхара қилишни хоҳларди. Шу ниятда йўлга чиққанди, шу мақсадда манзили томон интиларди. Энди унинг ягона нияти шу эди.

– Сиздан бир нарса илтимос қилсам, майлими?– дедим секингина.

– Майли.

– Кетганимдан кейин дугоналаримга қўнғироқ қилиб туринг, хўпми!

– Нима учун?

– Чунки, сизга мени эслатиб туришади. Унутишингизни хоҳламайман.

– Унутади деб ўйлайсизми?! – изтироб билан ингради овозингиз, – қанчалик қўйворгим келмаётганини билсангиз эди.

Кулиб юборишдан зўрға тийилдим.

– Аммо қўйворишга мажбурсиз.

– Биламан.

Сиз хўрсиндингиз. Менинг кулгим қистади.

– Афсусдамисиз?

– Танишганимиздан, бир-биримизни тушунганимиздан жудаям хурсандман. Тўғри, ҳозир оғир, иккимизгаям. Сиздан кўра менга оғир. Чунки сиз йиғлайсиз-сиқтайсиз, бора-бора кўникиб кетасиз. Мен-чи, ёлғиз қоламан. Биламан, ичингизда мени тинмай айбляпсиз. Қийинчиликларга чидаб яшай-

верасизми, курашмайсизми, дегингиз келаётгандир. Айтмасангиз ҳам биламан. Ўйлаб ҳам кўрмасдан кечи-б кўя қолди, деб ҳам хаёл қилаётгандирсиз. Бироқ қачондир шундай бўлишини билганман. Бир кун ташлаб кетишингизни, ажралишимизни. Биз фақат ўзимиз учун яшамаймиз. Ўртада ота-она, оила, уларнинг орзу-ҳаваси...

– Демак, биз ҳою ҳаваснинг қурбони бўлишимиз керак экан-да? – сўзингизни бўлдим.

– Илтимос, мени қийнаманг...

– Қийналяпсизми, наҳотки...

– Бошқа йўл йўқ эканини ўзингиз тушуниб туриб-сиз-ку...

– Тушунмайман, тушунишни истамайман ҳам.

– Ўзингизниям, мениям қийнаманг. Кўникишдан бошқа иложимиз йўқ.

– Демак, кўникишим керак, шундайми?! Мен кўникаман, ҳаммасига кўникаман, фақат номарддигингизга эмас.

Ўшакни қўйдим. Кейин ичимда анчадан бери тўп-ланиб қолган масхарали қаҳ-қаҳа портлади. Овозим қаттиқ янграганидан қўшни хонадан дугонам чиқди.

– Намунча?

У бир пас қараб турди-да, кекса онахонлардай бо-шини сарак-сарак қилди.

– Нимага керак-а, шу ғалва. Ҳафсалангиз пир бўлган экан, қўл силтаб кетавермайсизми?

– Керак! Керак шу ғалва. Қани кўрамиз қандай чиқаркин бу ғалвадан.

Дугонам ўзингиз биласиз, дегандай қўл силтади-да, хонасига кетди. Унинг изидан қараб қоларканман, қилаётган ишим нотўғри эканини хаёлимга ҳам келтирмаётгандим. Мен ўзим бошлаган ўйиннинг қурбони ўзим бўлиб қолишимни сезмаётгандим. Кўзим наф-ратдан кўр бўлиб қолганди. Сиз телефондан мени топиб беришини тинмай сўраётгандингиз. Телба ҳо-латингиздан мамнун эдим. Телефон дунёга жар солиб чинқирарди, дод соларди, йиғларди. Мен эса парвойи фалак, бепарвогина унга боқиб турардим холос. Охири уни тармоқдан узиб қўйдим. Қилган ишимдан ўзимда ҳеч қандай афсус сезмадим.

Тонг отди. Ўтган кунда қандай бўлсам, ҳали-ҳануз ўшандай эдим. Кибрли, қаҳрли, мағрур.

Кун бўйи телефон мени сўроқлаб тинмади. Тоқати тоқ бўлган дугонам “гаплаша қолинг энди”, дегандан кейин, истамайгина гўшакни олдим.

– Алло.

– Нимага жавоб бермаяпсиз?

– Мажбурмасман.

– Тўғри, мажбурмассиз. Ахир сизга кимман? Ҳеч ким. Ҳатто бир-биримизни кўрмаганмиз ҳам. Узр!

Шундай деб алоқани уздингиз. Қисқа-қисқа гудок келаётган гўшакни мен ҳам жойига қўйдим. Кун бўйи ташвишларим билан бўлиб сизни эсдан чиқариб юборибман.

Кеч кирди. Ярим кундан бери жим турган телефон яна тирилди. Унга жавоб берган дугонам “сизга” деди.

– Алло?

– Яхшимисиз?

Сиз эдингиз.

– Раҳмат, яхши.

– Сиз билан гаплашгим келди.

– Ростданми?

– Балки ишонмассиз, лекин рост.

Яна узундан-узоқ суҳбатларимиз бошланди. Мен тақдирга тан берган киз ролини ижро этардим. Сиз сиқилардингиз, куйинардингиз. Бу баттар кулгимни кистатарди. Шундай суҳбатларимизнинг бирида:

– Мен ҳеч нарсадан қўрқмайман, сиз рози бўлсангиз бўлди, мен курашаман, – дедингиз.

Шунда иқрор бўлдим. Чиндан қийналаётганингизга, ёлғонларимга ишонганингизга. Аҳволингизни билиб виждоним қийналмасди, афсус ҳам чекмасдим. Аксинча ўйинни давом эттиришни хоҳлардим.

– Йўқ, рози бўлолмайман.

– Нега?

– Тушунинг, онам рози бўлмайди.

– Рози қиламан онангизни.

– Сиз у кишини билмайсиз.

– Унда айтинг, сиз учун нима қилай?

– Ҳеч нима, тақдирга тан беришдан бошқа иложимиз йўқ.

Чуқур уҳ тортингиз.

– Тўғри, бошқа иложимиз йўқ.

Иккимиз ҳам анчагача жим қолдик. Иккимиз ҳам ўз хаёлларимиз билан банд эдик. Билмадим, нималарни ўйлаётганингиз, қизиқмасдим ҳам. Фақат кетма-кет уланаётган сукунатдан зерикардим.

– Майли, яхши дам олинг.

– Чарчадингизми?

Хайрлашгингиз йўқ эди.

– Чарчадим.

– Майли унда, яхши дам олинг.

– Хўп.

Шоша-пиша гўшакни жойига илдим. Хайриятки, телефон шу билан тинди. Яна тонг отиб, яна кун ботди. Сиздан хабар йўқ. Бу ҳаракатингиздан ҳайрон эдим. Севиб қолди шекилли, деган ҳадикка ҳам бордим. Бироқ ҳаммасини тезда унутиб, кундалик ташвишларга кўмилиб кетдим. Сиз ҳақингизда ўйламай ҳам кўйгандим. Олдинлари кўнғироғингизни сабрсизлик билан кутган бўлсам, энди телефонга эътибор ҳам бермасдим. Яна борлиққа қора парда ёйилди. Бироқ кечани тўлин ой ёғдуси нурафшон этиб турар, бу туннинг ўзгача сеҳри бор эди. У сизга ўхшаб жилочор, аммо ёлғончи эди. Сутдек оппоқ кўрингани билан бағрида зулмат яшинин. Ойнинг тўкилаётган нурларига боқиб ўтирар эканман, хаёлимни остун-устун қилиб, телефон чинқирди. Дилимдан сиз экангизни англаб турардим. Шунинг учун ҳам қайта-қайта рақам териб хуноб бўлишингизни истадим. Кутганимдай телефон узлуксиз асабий жиринглар, бу эса юзимда масхараомуз кулгини пайдо қилганди.

У қанчалар дод солмасин, музга айланган юрагимни эритишга қодир эмасди. Кўксимда бир парча тошни кўтариб юргандек эдим. Бу юрак қачон тошга айланиб улгурганини ҳатто ўзим ҳам билмасдим. Ҳислар йиғлаган тун ҳам ниҳоясига етди. Оппоқ ҳарир рўмолини кўз-кўз этиб тонг отди. Бироқ зулмат чўккан кўнглимга нурафшонлик бахш этолмади. Кун бўйи қора тошнинг юкидан эзилиб юрдим. Ниҳоят борлиққа яна худди ҳисларимдек ҳазин тун чўқди. Худди зулмат чулғаб олган кўнглимга оқиб кирмоқчи бўлганингиздек ой юзлари қора тунни ўз нурларига чулғашни истаб, осмон тоқига югуриб чиқди. Бироқ зулматга қорилган руҳимни бу ёғдулар ҳайратга сололмасди.

Одатдаги вақтда яна кўнғироқ.

– Нимага телефонни кўтармадингиз?

– Қачон?

– Ўша куни.

Жим бўлиб қолдим.

– Биладан, хафасиз. Ҳаммасига мен айбдорман.

Йўлингизда пайдо бўлган ҳам, тинмай безовта қилган ҳам менман. Лекин қийналяпман, сиқияпман.

Гапларингиздан нимагадир жаҳлим чиқиб кетди. Ўзингиз ҳақингизда эмас, бошқа инсоннинг туйғулари ҳақида гапирётгандек таассурот уйғотдингиз менда.

– Мен-чи, – алам билан сачради овозим, – қийналмаяпти, деб ўйлайсизми?! Мен кетаман, сиз қоласиз. Сизда хотиралар қолади. Ўзингизни қайта тиклаб олгунингизга қадар шу хотиралар мадад бўлади. Мен эса кетаман, ўзим билмаган, кўрмаган, севмаган инсон ҳузурига. Кейин... Кейин сиз тўғрингизда хаёл суришгаям ҳақим бўлмайди. Энди айтинг! Ким кўпроқ қийналаяпти, сизми ёки мен?!

Жим қолдингиз. Чуқур-чуқур нафас олаётганингиз эшитилди, холос. Шу тахлит анча турдингиз, кейин чуқур хўрсиндингиз-да:

– Кечиринг, – дедингиз бўғиқ товушда. – Ўзга инсон ҳузурига бораётганингиз, айнан шу нарса қийналяпти мени.

Ўзим билмаган ҳолда юзимга табассум югурди. Юрагимнинг аллақадери увишди, қўлларим титради. Бироқ бу туйғу қандай тез келган бўлса, шундай тез ғойиб бўлди. Бу сафар ҳам нафрат устун келди.

– Бугун сизга кўнғироқ қилмоқчи эдим, ўзингиз қилиб қолдингиз. Сиз билан хайрлашмоқчидим.

– Хайрлашмоқчи?..

– Ҳа, эртага кетяпман.

– Бунча тез. Ахир кетаман деб айтмаган эдингиз-ку!

– Бунақа шошилиш кетишимни ўзим ҳам билмагандим.

Одатингизга кўра анча вақт жим қолдингиз. Кейин синиқлик билан гап бошладингиз.

– Балки тез кетаётганингиз яхшидир. Барибир, йўлимиз бошқа-бошқа-ку. Қийналиб юрганимиздан нима наф?

Гапларингизни охиригача эшитолмадим. Шу сўзларни осонгина айтишингиз, осонгина мендан кечмоқчи, ҳаммасини тезда унутмоқчи бўлаётганингиз жуда оғир эди.

Гапиряпису оҳангингизга монанд юрагим парчаларга айланиб увалиб бораётгандек эди. Ахир, айтинг, нима учун дилингизда борини очиқ айтмайсиз? Шу ҳолатингизда кўринишининг катталиги билан атрофдагиларни ҳайратга солган, бироқ ичи бўм-бўш пуфакка ўхшайсиз. Дардларингиз қанчалик катта кўринса, ичингиз шунчалик бўшлиқ. Унда дард, ҳайрат, севинч, чақин йўқ. Лойқа сувдек дилингиз хира. Ҳатто, ўзингизнинг кўнглингизни тушунмайсиз. Энди айтинг, ўз ҳисларингизни англаёлмасангиз, менинг юрагимда уйғонган тўфонни қандай тушунайсиз?! Сиздан гина қилаяпман, лекин ўзим ҳам тушунолмаяпман. Азоб чекаётганга ўхшаяписизу, бироқ осонликча ҳаммасидан воз кечмоқчи бўлаётганингиз юрагимга қаттиқ ботарди. Бу эса нафратимни баттар оловлантирарди. Ҳаммаси қанчалик бемаъни бўлиб туюлса ҳам, ўзимни қўлга олиб, режам асосида иш кўришга қарор қилиб бўлгандим. Шунинг учун ҳам сўзларингизни охиригача эшитолмадим.

– Балки сиз кўникарсиз, аммо мен ҳеч қачон рози бўлмайман.



– Бошқа иложимиз йўқ.  
– Йўқ, мен топаман иложини, қайтиб келаман.  
– Йўқ, ундай қилманг.  
– Нима учун?  
– Агар шундай қилсангиз, яқинларингизнинг кўнглини оғритасиз.

– Нега бошқаларнинг кўнглига қарашим керагу, уларни менинг кўнглим билан иши йўқ. Ўзим хоҳлагандай яшашга ҳаққим йўқми?

– Тушунинг, биз фақат ўзимиз учун яшамаймиз.

Бир пайтлари ўзим айтган гапларни такрорлаётгандингиз. Бундан кулгим қистар, кулиб юбормаслик учун лабларимни тишлаб олгандим.

– Демак, қайтиб келишимни истамайсиз, шундайми?

– Йўқ, унақамас, – тушунтиришга киришдингиз. – Тушунинг, биз ўзгаларни бахтсиз қилиб бахтли бўлолмаймиз.

– Нега? Улар бахтсизлигимиз эвазига бахтли бўлишадими, биз бўлолмаймиз.

– Бундай қилолмаймиз.

Ҳадеб бир гапни такрорлашингиз ғашимни келтирди.

– Биласизми нима, сиз кўрқаяпсиз. Кўрқманг, сизни безовта қилмайман. Бошингизга ташвиш ҳам орттирмайман. Шунчаки хоҳламаганим учун қайтиб келаман.

– Бундай қилманг.

Оҳангингизда ёлвориш бор эди.

Томоғимга ич-ичимдан ҳам қаҳ-қаҳа, ҳам ачиқ бир нарса келиб тикилди. Шу онда чиндан ҳам дунёдаги энг яқин кишисидан айрилаётган инсон ҳолатига тушиб қолгандим. Юрагимни азоб эзар, йиғлагим келар, аммо дарднинг зўридан кўзимга ёш келмасди.

– Майли,– дедим ҳорғин товушда. – Мени унутинг, умуман эсламанг. Бироқ сизни ҳеч қачон эсимдан чиқармайман.

– Йиғламанг, илтимос.

Ёлғонларга ишонтиролганимга севинмоқчи бўлдим, лекин шодланолмадим. Аксинча, йиғлагим келатганини тушуниб қолдим.

– Биламан, қийналмаяпсиз. Фақат сиз тақдирдан, мени қўйиб юбораётганингиздан афсус чекманг. Биламан, бошқа иложингиз йўқ. Фақат дугоналаримга кўнгироқ қилиб туришга сўз беринг. Сиқилганингизда озгина бўлсаям нохушликдан қутуласиз. Мана кўрасиз, уларни ёқтириб қоласиз.

Шу даражада худбинлашиб кетган эдимки, бу гапларни сизга чиндан ачинганим учун эмас, ажралганимдан кейин қай ҳолатга тушишингизни дугоналарим орқали билиш учун айтаётгандим.

Ҳамма гапларимга ишондингиз. Оғир хўрсинишлардан кейин илтимосимни бажаришга сўз бердингиз. Сўнгра хайрлашдик.

Орага узоқ жимлик чўқди. Гўшакни қўяй демасдингиз.

– Гўшакни қўйинг.

– Фақат сиздан кейин.

Яна бир муддат жим турдим-да:

– Хайр, яхши қолинг, – деб алоқани уздим. Кейин ўзим хоҳламасам ҳам кулдим. Негадир қаҳ-қаҳам ўз-ўзидан йиғига айланиб борар, лабларим ниманингдир ачиқ таъмини сезарди. Аралаш ҳислар қуршовида қолгандим. Бир томондан сизни бир умрга йўқотганим

учун ўзимни кечиролмаётган бўлсам, бир тарафдан ғурурим мени олқишларди. Йиғлаётган юрак ва ғолиб мағрурлик ила дераза пардасини суриб, ойга тикилдим. Тўлин ой нурлари зимистонлик кўйнига тўкилар, унинг бағрига қандайдир сирларни яширарди. Айна лаҳзада худди шу нурлар каби ўз-ўзимдан қайларгадир яширингим келди. Бу ҳолатнинг недан эканлигини билмасдим. Балки сиздан ажралганим, балки виждон амрига тескари юрганим учундир. Нима бўлганда ҳам илк маротаба кимнингдир кўнглини қаттиқ оғритаётганим юрагимга тош бўлиб ботарди, яна ёлғиз қолаётгандим. Ўзим билан, ўзлим билан, ўз дунёимда, яна кимсасизлик сарҳадида якка. Сабабчи эса ўзим. Ҳаммасини ўзим хоҳлаб, билиб, кўриб қилаётгандим. Ахир сизни узоқлаштираётган ҳам ўзим эдим-ку!

Тўғри, ёлғон тўқимаганимда олдингидай бирга бўлардик. Аммо истамадим, сохталикка ортиқ кўмилиб яшагим келмади. Шу билан бирга ўз-ўзимни алдаб юришни хоҳламадим. Ҳаммасига чек қўйиш, йўлимиз бошқа-бошқа бўлган тақдирда ҳам сизсиз яшай олишимни исботлаш учун шундай қилдим. Ва бунинг урдасидан чиқдим ҳам. Чунки чиндан сиздан ажралишга кучим етмаганида ҳеч қачон нафрат кўзи ила боқмасдим. Ўч олишни ўйламадим, манзилимни ўзгартирмасдим. Бироқ шундай қилдим, кучим етди. Демак, севганим, ҳаммадан қизғонганим, сизсиз яшай олмаслигим – бари ёлғон. Ҳаммаси чўпчак. Аммо бир нарса, мени тушуна оладиган ягона инсондан айрилиш алами рост. Айна ҳақиқат. Буни ҳеч қачон инкор қилмайман, қилолмайман ҳам.

Иккимиз бирга ўтказган онларимизни, қурган суҳбатларимизни охири бора хаёлимда қайта жонлантирдим. Ўша лаҳзаларни хотирамдан ўтказарканман, ўша дамлар ҳаётимнинг энг завқли, шу билан бирга аламли онлари эканини англадим. Шундай бўлса-да, сиздан ажралаётганимга сира афсус чекмасдим, чунки буни тақдирнинг иши деб ишонардим. Агар чиндан ҳам бир-биримиз учун яратилган бўлсак, бир кун келиб қисмат йўлларимизни туташтиришига ҳеч қандай шубҳам йўқ эди.

Тунни нурларига чулғаган моҳга охири бора назар ташладим-да, дераза пардаларини ёпиб қўйдим. Кўзларимни юмарканман, уйғонганимда сизни бутунлай унутишга, ҳаётимда ҳеч қачон бўлмаганингизга ўзимни ишонтиришга, тонгда умуман бошқа инсон бўлиб уйғонишга ўзимга сўз бердим. Чунки сизни ҳаётимдан ўчириб ташлашга жазм қилгандим.

Сахарлаб уйғондим. Руҳим тетик, кўнглим бўм-бўш. Ҳаётимда ҳеч қандай ўзгариш, ҳеч қандай бурилиш бўлмагандай. Асосийси, юрагимни қаттиқ эзаётган алам қаёққадир ғойиб бўлганди. Шунда англаб етдимки, чиндан унутишни уддалаган эканман.

Кунлар ўтар, қачонлардир ҳаётимда сиз бўлганингиз хаёлимга ҳам келмасди. Энди умрим давомида орзу қилиб, сиғинган муҳаббат шунчаки бир ўйин деб тушунардим. Менда сизга нисбатан илгари ўзим ардоқлаб, меҳр қўйган инсон сифатида эмас, шунчаки бир ўткинчи, ўйин иштирокчисига қарагандек муносабат шаклланди. Энди кўнгироқ қилмасдим, аммо телефон орқали хат ёзиб безовта қила бошлагандим. Бўш вақтим бўлди дегунча дугоналарим билан сизга телефонхат ёзиш севимли машғулотиимга айланиб қолди. Охири марта хайрлашганимиздан уч кун ўтиб, сизга хат ёздим. У шундай эди: “Биласизми, ҳамма хурсанд,

хамма тўй ташвишлари билан банд. Фақат менинг ичимга чироқ ёқса ёришмайди. Соғиндим сизни...”

Хатни дугоналарим билан кула-кула ёздигу, жўнатдик. Зум ўтмай жавоб келди. “Сизнинг бошқа биров билан бирга бўлишингизни ўйласам, фиғоним кўкка ўрляпти. Бироқ чидамай иложим йўқ. Унутмайман сизни, унутолмайман. Бахтли бўлинг!”

Дугоналарим билан мактубингизни қотиб-қотиб ўқидик. Балки қилаётган ишимизни четдан туриб одамийлик кўзи билан кузатаётган одам ёқламас, бироқ бу биз учун фожиа эмасди. Сиз шунчаки ҳазил қилиб ҳордиқ чиқаришимиз учун восита эдингиз, холос. Ўйин қилгимиз келган пайтда сизни безовта қилардигу, кулгу бадимизга ургач, ўйинчоғимизни эсдан чиқарардик.

Орадан кунлар ўтди. Бир куни дугонам кўнғироқларингиз ҳақида гапириб қолди.

– Бекор қилдингиз кўнғироқ қилиб, фақат сиз ҳақингизда гапиради. Ишқилиб, алдаганингизни билиб колмасин-да.

Ўзимни тутолмай кулиб юбордим. Дугонам тааж-жубга тушди.

– Нега кулаяпсиз?

– Кулмай нима қилай?!

– Жиннисиз.

Баттар кулгим қистади. Бироқ кулмадим, жиддий туриб дугонамнинг кўзларига кўзимни қададим.

– Яхши бўпти, унутолмаётган бўлса!

Нима учундир нафратим кўзиётганди.

– Кимларгадир кўнғироқ қилаётганида ўйлаши керак эди бу ҳақда. Бу ҳали ҳолваси, ҳали ҳаммаси ёлғонлигини рўйи-рост юзига айтаман. Бир кўриб кўйсин алдаш қанақа бўлишини.

Таърифлаб бўлмас шундай нафрат билан гапирардимки, ҳар қандай вазиятда жавоб қайтара оладиган дугонам ҳам жим бўлиб қолди. Агар суҳбатимиз шу зайлда давом этса, аразлашиб қолишимизни сезган дугонам бошқа гапирмади.

Ниҳоят сизга кўнғироқ қилиб, барчаси ёлғон эканини айтмоқчи бўлдим. Дугонам юзимга тикилди-ю, аммо олдинги суҳбатимизни эслади шекилли, ҳеч нима демади. Сездим, деёлмади. Бошқаси эса “кўнғироқ қилинг”, деган маслаҳатни берди. Энди гўшакка қўл чўзгандим, телефоннинг ўзи чақириб қолди.

– Алло,— деди гўшакни кўтарган дугонам. Кейин менга шивирлади.

– Шаҳзодангиз.

Дугонамга имо қилиб, келганимни айтишини илтимос қилдим. Шу тобда юрагим бўм-бўш эди. Ҳатто қилмишим нима билан тугашини ўйламасдим ҳам. Сизга ўзим хоҳлагандай, дилингизнинг туб-тубини вайрон қиладиган сўзлар айтдим. Чидолмадингиз. Сездим. Худди сизни рашқ қилишим чиндай дугонамни телефонга чақиримизни илтимос қилдингиз. Сиз дугонам билан гаплашиб, менинг рашқимни уйғотмоқчи бўлаётгандингиз.

Ҳолатингиз кулгили эди. Бироқ урдасидан чиқдингиз. Ўзим билмаган ҳолда бемаъни рашқнинг қурбонига айландим. Аммо бу ўша оннинг ўзида эмас, орадан анча вақт ўтиб юз берди. Шу онда алдовим ақлингизга сиғмасди. Шу йўл билан мазах қилишимдан сақланмоқчи бўлаётгандингиз, бироқ урдасидан чиқолмаётгандингиз. Ҳолатингизни кўриб нимагадир ич-ичимдан сизга ачиниш ҳисси уйғонди. Балки шунинг учунми, ҳеч иккиланмасдан телефонга

дугонамни чақирдим. Дугонам “кейин гаплашамиз”, деди-ю, суҳбатни қисқа қилди. Шундай қилиб сўнги суҳбатимиз якун топди. Худди икки елкамдан нимадир босиб тургандай эди-ю, шу суҳбатимиз туфайли у қулаган эди. Аммо энди мени пушаймон эзарди. Сизни алдовларга кўмиб ташлаганим учун эмас, ўзлимизга қарши борганим, виждон амрига қарши юрганим учун ўз-ўзимдан нафратланишни бошлагандим. Бу вазиятда қийналаётганингиз эмас, кимгадир азоб бериб хузур топаман, деган хаёлга борганим мени кўпроқ афсуслантирарди.

– Бекор қилдингиз.

Дугонамнинг сўзларидан кейин нигоҳимни унга қададим. “Сизмасидингиз битта синаб кўр, деган” дегим келди-ю, гапиролмадим. Мен ҳаммаси учун фақат ўзимни айблардим.

Кунлар ўтди. Юрагимни бир хижиллик эзар, сизга кўнғироқ қилгим, сиз билан гаплашгим келаверар, ҳолингиз нима кечдийкин, дея хавотир олардим. Бироқ ҳар доимгидай ғурур йўлимда тўғаноқ бўлиб турарди. Тинимсиз ўз-ўзим, ҳисларим, туйғуларим, нафратим, ғурурим билан олишардим. Охир оқибат барибир сизга боғлиқ бўлган хотираларим устун келаверарди. Ич-ичимдан адо бўлиб борардим.

Шундай кунларнинг бирида телефон жиринглади. Нимагадир дилимда бу сиз дея ўйладим ва ўзим билмаган ногаҳоний ҳис билан телефонга талпиндим.

Гўшакни худди нариги тарафидан сиз жавоб берадигандай қувонч билан кўтардим.

– Алло,— дедим умид билан. Аммо бу сафар ҳеч қандай жавоб бўлмади. Юрагим тез-тез уради, ички сезги билан бу сиз эканлигингизни англадим. Ҳеч қандай овоз келмаса ҳам нафас олишингизни бутун вужудим сезиб турарди. Гапирмадингиз, мен ҳам нафасингизни тинглашда давом этдим. Бироқ шуням кўп кўрдингиз. Гапиришга оғиз жуфтламасимдан телефондан қисқа-қисқа гудок эшитилди.

Киприklarимдан тўкилай-тўкилай деб турган шабнамлар ёноқларимда из қолдириб сирғалиб тушди. Шу ондаги ҳолатим саҳро ўртасидаги нажотсиз одамни эслатарди. Худди юрагим юлиб олингану, жуссам увалиб бораётгандек. Хаста дил, эзгин хаёл билан дераза пардасини суриб, самога тикилдим. Кўк ҳам дардимни тушунгандек маънос тортиб турар, сим-сим ёшларини тўкарди. Ўша кун само билан йиғлашдим. Бироқ дилимни эзган дардларим тўкилиб кетмади. Улар баттароқ дилимнинг туб-тубларига кириб ўрнашиб олган эди гўё. Синиқ дил, яро бағир билан кунни кеч қилдим. Куйган кўнглим изтиробларидан беҳабар дугоналарим кириб келишди. Азизларимни кўриб ғамларим аригандай бўлди. Шодон кулгилари остида ошхонага йўналарканман, яна телефон жиринглади. Юрагим бир қалқди. Қўшни хонага ўтдим. Бироқ ихтиёрсиз равишда дугонамнинг суҳбатига қулоқ тутдим.

– Алло,— деди. Сўнгра “Кейин гаплашамиз, ҳозир у уйда”, деди шивирлагудек бўлиб. Карахт бўлиб қолдим.

Бошимга осмон қулаётгандек қаддимни эгдим. Йўқ, осмон қуламади. Бироқ юрагим тўхтаб қолди гўё. Худди уни йўқотиб қўйгандай ҳис қилдим ўзимни. Ҳисларим йиғлаётганди. Аста-секин бу оғриқли йиғи бутун борлигимни қамраб олаётганди. Ғам, алам, нафрат, надомат исканжасида қолиб кетгандим. Шунда ёлғизгина Эгамдан мадад кутдим ва У менга сабр

берди. Хаёлимга бир ҳикмат келди: “Гумон иймондан айрар”. Ярқ этиб чақнаган бу сўзлардан ўзимни тутдим. Тавба қилдим. Сиз эмассиз, янглишдим, юрагимга шайтон қутқу солди, дея ўз-ўзимни ишонтирдим. Бу эса хаёлларга суяниб ўнгланишимга ёрдам берди. Бироқ кўнглим нотинч эди, ўзим ҳам англаб етмаган нимадир юрагимнинг туб-тубларида ғалаён қиларди.

Кунлар давомида шу ёлғонларга ўзимни ишонтириб юрдим. Бироқ бу ишончининг омонат дўстларга содиқлиги узоққа бормади. Иккинчи бора дўстликка ишониб янглишган эдим. Бу худбинликмиди ёки сизни улардан рашк қилаётганмиди, ўзим ҳам билмасдим.

Ҳар куни сизни ўйлар, сиз ҳақингизда дугоналарим билан гаплашгим келарди. “Дугоналаримга кўнғироқ қилиб туринг”, деганимдан кейин улар билан бот-бот боғланиб турардингиз. Уларга кўнғироқ қилишингизни билардим-у, аммо бир кун келиб дугонам билан ораларингизда муҳаббат саргузашти бўлади, деб хаёлимга ҳам келтирмагандим. Ҳаммаси гумон қилганимдай бўлиб чиқди.

Дугонам билан сайр қилишни хуш кўрардик. Шу сайрлар давомида иккимиз ўй-хаёлларимизни бир-биримизга тўкиб солардик. Биринчи маротаба дугонам ва сиз ҳақингизда ҳам шу сайрда эшитдим. Йўл ёқасидаги ўриндиқда гул баргига қараб хаёл суриб ўтирган дугонамга “у қанақа экан-а”, дедим. Дугонам шу ўтиришида жавоб берди.

– Деярли кўпчиликдан фарқ қилмайди. Бўйи баланд, лекин сиз тасаввур қилганингиздай эмас.

Унинг табассум билан гапиришидан ҳазиллашяпти, деб ўйладим:

– Худди кўргандай гапирасиз-а?!

– Кўрганим учун айтагипман-да.

Жойимда қотиб қолдим.

– Қачон?!

– Анча бўлди.

Дугонам ҳеч нарса бўлмагандай жавоб берди.

– У билан учрашдингизми?

– Йўқ.

– Унда қаерда кўрдингиз?

– У билан учрашганида.

Дугонам “у” деганида иккинчи дугонамни кўзда тутаётган эди. Ҳайрон бўлиб қолдим.

– Қачон кўришишди?

– Анча бўлди, сиз билан уришиб қолганидан кейин.

– Нимани гаплашишибди?

– Билмадим, лекин ўшанингиз унга севги изҳор қилганини биламан. Сиз эса ҳалиям уни ўйлайсиз, арзимайдми сиқилишингизга!

“Ёлғон” деган ўй келди хаёлимга.

– Ҳазиллашмаяпсизми?

Дугонам бир пас юзимга тикилиб турди-да:

– Эсингиз жойидами, нега ҳазиллашман? – деди жиддий туриб.

Нима деб ўйлашни билмасдим. Ҳақоратланган, хўрланган ҳис қилдим ўзимни. Бутун вужудим титрар, кўзларим ҳеч нимани кўрмас, бошим узра сайраётган қушларнинг овози юрагимнинг нолишидай эшитиларди. Дугонам билан учрашганингизни эмас, дугонамнинг келиб-келиб сиз билан учрашганини ақлимга сиғдиролмасдим.

Дунёим қоронғуликка чўмди гўё. Бу зулмат ичида дўст ким, душман ким ажратолмай қолдим. Мен бир-

гина қалтис ҳазилимга ҳақ тўлаётгандим. Шу биргина ҳазилим учун атрофимдаги азиз инсонларимдан ажраб қолаётгандим. Аввалига сиздан, кейин эса мен фариштага қиёслаган дугоналаримдан. Буни ўзимга жазо деб билдим. Кўнглингизни оғритганим учун берилган жазо. Бироқ ишонишнинг, ишонмасликнинг билмасдим. Жаҳлим чиқар, ўзимни ҳарчанд қўлга қўяверарди. Буни бепарво кулгим ортига беркитишга уринмай у беўхшов табассумга айланиб ғашимни келтираверарди. Дугоналарим билан муносабатим четдан қараганда ҳавас қиларли эди. Бироқ кўнғилларимиз тобора узоқлашиб борарди.

Кунлар ўтиб борар, сиз дугоналарим учун асосий суҳбат мавзусига айланиб улгургандингиз. Шундай кунларнинг бирида кутилмаганда йўлимизда пайдо бўлдингиз. Билмадим, сиз дугонамни излаб келганмидингиз, ёки мени?! Тушунолмадим. Балки дугонамни излаб келганингизни билдириб, рашкимни уйғотмоқчи бўлгандингиз, сизни бир дунё ёлғонларга кўмиб ташлаган қизни кўриб қўймоқчи бўлгандингиз. Билмадим, азизим, билмадим. Бу ёғи қоронғу. Бироқ келганингиз ёки келмаслигингиз эмас, муҳими сизнинг келишингизни билиб худди нимадир содир бўладигандай юрагимнинг бежолангани эди. Шунда тушуниб етдим ҳаётимнинг бир бўлагига айланиб улгурганингизни, аммо энди ҳеч қачон бирга бўлмаслигимизни ҳам англаган эдим.

Кунлар ўтди. Дугоналаримнинг сиз билан муносабати давом этар, улар мени кўрганларида бу ҳақда кулиб, ярим чин, ярим ҳазил гапиришар, бу билан эски яраларимни янгилашарди. Анча пайтгача уларнинг ҳазилларини табассумларим ортига яшириб юрдим, бироқ юрагим бунга дош беролмади. Бир сафар сиз ҳақингизда гапиришаётганда чидаб туролмадим. Тилим ўзимга бўйсунмади.

– Биламан, – дедим бепарво.

– Нимани биласиз? – ҳайрон бўлганча сўради дугонам.

– Кеча телефонда гаплашганларингни. Олдин мен ҳақимда озгина гаплашгансизлар, кейин у “келинг, у ҳақида гаплашмайлик”, деган. Албатта, у бу гапни сизни нима деркин, деган мақсадда айтган, кейин суҳбат мавзуси ўзгарган, шундайми?!

Нега бундай деганимни билмайман, балки алам қилгандир. Дугонам гапларимдан кейин бирданига жиддий қиёфага кирди.

– Шунақа денг, демак, ҳаммасини айтибди-да.

– Ҳа, айтди. Шу пайтгача нима ҳақида гаплашган бўлсангизлар ҳаммасини.

Дугонам эсанкираб қолди.

– Ҳаммасини айтиб бераркан-да...

– Ҳа, сиз нима деб ўйловдингиз? Мени ҳеч нарсдан хабари йўқ деб ўйлагансиз, шунақами? Ораларингиздан нима ўтган бўлса, ҳаммасини биламан.

Жиддий қиёфада гапирардим, гапларим қандай таъсир қилаётганини ҳам кузатардим.

Уларнинг тобора жаҳли чиқар, бироқ аламини куч билан ичига ютишарди. Улар билан яхши кайфиятда тўпланишиб, ёмон кайфиятда тарқалишдик. Кўнғилларига қанчалик қаттиқ тегса ҳам, қилган ишимдан пушаймон эмасдим. Ўзимни бутунлай ҳақ деб билардим. Шу билан бирга мени “нималар ҳақида гаплашишган экан?”, деган савол қийнади.



Гумонларим тўғри чиқса ҳам, гарчи аламларим тарқаётгандай бўлса ҳам, юрагим озорланишдан тўхтамади. Энди сиз учун мен эмас, дугоналарим бор эди. Дугоналарим учун ҳам мен эмас, сиз бор эдингиз. Менинг ҳеч кимим йўқ эди. Мен энди ҳеч ким эдим. Шундай бўлса ҳам юрагимда умид кўз оча бошлади. Овозингизни эшитиш умиди. Ишонардим. Гумон қилиб айтган гапларимни улар сизга айтишини, нима учун бундай қилганимни билиш учун кўнғироқ қилишингизни ҳам билардим. Аслини олганда ниятим шу эди. Шу баҳона овозингизни яна бир эшитишни истардим. Кутганимдай бўлди. Гарчи телефон жириглагунга қадар хаяжон устунлик қилган бўлса ҳам, кейин ўзим билмаган қандайдир гина аралаш шахд пайдо бўлди. Бориб жавоб қилдим.

– Алло?

– Яхшимисиз?

Ўша мулойим, ўша ёқимли овоз. Ўша ҳаётбахш кунларга қайтгандай бўлдим. Ич-ичимдан тўхтатиб бўлмас шодлик қайнаб чиқди. Шундай бўлса-да, сир бой бергим келмади.

– Яхши, раҳмат. Ким бу?

– Танимадингизми?

– Танимадим.

– Нега бунақа қиляяпсиз? Нега дугоналарингиз билан орамизга совуқлик туширяпсиз?

Гапингиздан тутоқиб кетдим. Рашк ақлимдан устун келди.

– Ким ораларингизга совуқлик солибди?

– Сиз! Бўлмаган гапларни сиз айтмадингизми?

– Айтдим, – дедим ўзимнинг ишимдан ўзим мамнун, – айтган бўлсам, яхши бўпти.

– Яхши бўпти?! – киноя аралаш гапимни қайтардингиз. – Сиз мени қийнаб ҳузур қиласиз шекилли, шунча қийнаганингиз етмайдими? Нега мени тинч қўймайсиз?

Гапингиздан ўзимни кераксиз буюмдай ҳис қилдим, овозингизни эшитиб энди овуна бошлаган юрагим яна бўзлашни бошлади. Юрагимдаги муҳаббат ўрнини мағрурлик эгаллади.

– Бу сизнинг ҳаётингиз. Менга деса, ўшаларингиз билан кўшмозор бўлмайсизми?!

Менинг овозим шу қадар нафрат, алам, ғазаб билан янградими, ҳатто овозимни ўзим танимай қолдим.

– Йўқ, мен ўзим йўқоламан. Фақат тинч қўйсангиз бўлди. Ҳаётингиздан, ҳаёлингиздан буткул йўқолиб кетаман.

Гапингиздан худди сизни тинч қўймаётгандай эдим. Қасдма-қасдига асабларингизни қитиқлаш йўлига ўтдим.

– Йўқ, ким айтди сизни тинч қўяди деб. Ҳеч қачон тинч қўймайман, қаерда бўлсангиз ҳам, йўлингиздан чиқавераман, тинч яшашга қўймайман. Шу гапим керакмиди сизга?!

– Бу гапни айтмасангиз ҳам биламан.

Жим бўлиб қолдим, нима дейишимни, буёғига қандай йўл тутишни билмай ҳайрон эдим. Ҳақоратлангандек ҳис қилдим ўзимни. Олдин ишончим, муҳаббатим ҳақоратланган бўлса, энди ғурурим оёқ ости бўлаётгандек таассурот уйғонди менда. Сизнинг юрагимга оғир ботганини.

– Кечиринг.

Овозингиз шу қадар ёқимли эдики, кечирингдан бошқа иложим қолмади.

Аслида мулойим гапиришингиз, ёқимли овозингиз мени асир этганди. Шу овозингиз вужудимга ажиб бир хотиржамлик бахш этар, юрагимга фараҳбахш куйдек ором олиб кирарди. Бу сафар ҳам мулойим овутишингиз кечирингизга мажбур қилиб қўйди. Ўзим билмаган ҳолда сўзларингизга жавоб қайтарар, аҳволингиз билан қизиқардим. Овозингиз сизга бўлган туйғуларимни сабаб сизни қаттиқ соғинганимни, ҳаммадан қизганаетганимни тушуниб етдингиз. Сўхбатимиз давом этар, вақт аталмиш югурик отнинг манзилига етганини сезмай қолардик. Илиқ хайрлашдик. Шундан кейин ҳар куни кўнғироқ қилардингиз. Овозингизни эшитгач юрагимни қандайдир хотиржамлик эгалларди. Ҳар сафар сўхбатимизда ўтган воқеаларни муҳокама қилар, бир-биримизнинг кўнглимизга оғир ботмайдиган қилиб тушунтиришга уринардик. Бироқ ўтмишни қанча ойдинлаштиришга уринсак ҳам ҳаммаси мавҳумлигича қолаётгандек бўлаверарди. Бундан афсус чекардим, худди ёлғонларим учун бир умр кечирмайсизу, бу гуноҳнинг юки елкамни эзаётгандек эди. Муносабатларимизни қанча равшанлаштиришга уринмай, сирларини фош қилишни хоҳламаган денгиз каби сокин эдингиз. Ҳар қанча тиришмай аслида ким эканлигингизни англаб ололмасдим. Шу зайлда кунлар ўтар, худди аросатдаги одамга ўхшардим. Мен учун икки йўл бор, шу икки йўл аро саргардон эдим. Сиз тарафга таппинардим, бироқ сирлигингиз тўсиқ бўлиб турарди. Иккинчиси эса сиздан кечиб кетиш. Аммо муҳаббатим бу йўлга йўлатмасди. Кўп ўйладим. Ақл ва муҳаббатимни муросага келтиришга уриндим ва ниҳоят сизга бўлган меҳримни ақл тарозисида тортиб хулоса чиқаришга қарор қилдим. Учрашишга келишган кунимиз ҳар доимгидай оқшом чўкиб, юлдузлар кўз очган пайтда кўнғироқ қилдингиз.

– Алло?

– Яхшимисиз?

– Раҳмат, ўзингиз-чи?

– Раҳмат.

Шундай деб жим бўлиб қолдингиз, нима учундир бу сафар нафас олишингиз ҳам эшитилмасди. Ҳар қанча уринмай сизда бўлаётган ўзгаришни илғаб ололмасдим. Ва бу кўпроқ иккиланишимга сабаб бўлмоқда эди. Яна бир бор қарор қилдим, шу ондаёқ туйғуларимизни, муносабатларимизни, ўтмишимизни, келажагимизни, ҳамма-ҳаммасини ойдинлаштириб олишга. Энди бу ҳақда оғиз жуфтлаганимда, савол бериб қолдингиз.

– Нега жимсиз?

– Ўйлаяпман.

– Нима ҳақида?

– Иккимиз ҳақимизда.

– Иккимиз ҳақимизда?! – такрорладингиз сиз.

– Ҳа, иккимиз ҳақимизда.

– Қачондан бери ўйлаяпсиз?

– Кўп бўлди. Жуда кўп вақт!

– Ростданми?!

– Ҳа. Нима деб ўйлайсиз, муносабатларимизни аниқлаштириб олиш вақти етмадимикин? Ниятингиз нима, дилингизда нима бор? Ҳатто кимлигингизни билмайман, сизни кўрмаганман ҳам?

– Хоҳлайсизми кўришни?

– Ҳа.

– Учрашамизми?

– Ҳа.  
– Қачон?  
– Эртага.  
– Қаерда?  
– Билмадим.  
– Қаерга десангиз ҳам бораман, ўзингиз ҳал қилинг.  
Ҳаммасини ўзимга қўйиб бераётгандингиз. Икки-  
ланиб қолдим. Орага жимлик чўқди.

– Нега жимсиз, учрашамизми?

– Ҳа.

– Қаерда?

– Хиёбонда.

– Қачон?

– Эртага.

Шу жавобни беришга бердим, бироқ юрагимни ўзим билмаган кўрқув аралаш ҳаяжон эгаллаб олди.

Қарор қабул қилгунча бўлган қатъиятим, “келишдик” деган сўзингиздан кейин қаёққадир ғойиб бўлди. Ўрнини кўрқув, ҳаяжон, англаб бўлмас шодлик эгаллаб олганди. Ҳаяжонланардим. Келиб улгурмаган дийдорлашув онларидан маст бўлиб борардим. Эртанги кун ҳақида ўйларканман, туйқус савол бериб қолдингиз:

– Сизга нима бўлаяпти?

– Ҳеч нима.

– Сизга нимадир бўлаяпти?!

– Тушунмадим.

– Сиз ҳалитдан ҳаяжонланишни бошладингизми?!

Ўзим сезмаган ҳолда нафасим ҳолатимни ошқор қилиб қўйганди.

– Йўқ, сизга шундай туюлаяпти.

– Наҳотки, – овозингизда ҳазил аралаш киноя бор эди. Бу гапингиздан кейин ҳаяжоним қанча кучли бўлмасин, ўрнини ғурур эгаллашни бошлади.

– Ҳа, шунақа, – дедим. Кейин “Хайр” дедим-да дастакни қўйдим.

Бироқ телефон ёнидан узоқлашиб улгурмай, у яна жиринглади.

– Алло?

– Нега гўшакни қўйиб қўйдингиз, аразладингизми?

– Йўқ.

– Нега унда алоқани узиб қўйдингиз?

– Гапимиз тугади деб ўйлабман.

– Йўқ, ҳали тугагани йўқ.

– Менга айтадиган гапингиз борми?

– Ҳа, яхши дам олинг, эртагача.

Овозингиз шу қадар меҳрли эдики, шу меҳр тугайли тирикдек эдим гўё.

– Сиз ҳам.

Ич-ичимдан тўхтатиб бўлмас шодлик қайнаб чиқарди. Бироқ бу қувонч орқасида англаб бўлмас бир хавотир яширин эди. Нимадан бунча ҳадиксираётганимни ўзим ҳам билмасдим. Тезроқ вақт ўтишини, тезроқ эрта келишини истардим. Ошиқардим дийдорингизга, кутганимнинг дийдорига.

Тонг отди. Қуёш заррин нурларини борлиққа кўз-кўз этиб, уфқдан мўралади. Деразани очиб унга рўбарў туриб кўзларимни юмдим. У вужудимни тобора илтиб борарди. Тафти худди меҳрингиз каби қайноқ. Рухимда ажиб бир оҳанг. Бу оҳанг мени шу қадар ром қилиб олгандики, маст бўлиб борардим. Сармастлигим учрашув вақти етгунга қадар давом этди. Қанчалик ҳаяжонланмай, ақлим қатъиятли бўлишга ундарди.

Белгиланган вақтда етиб бордим. Йўқ эдингиз. Ҳаяжоним ортарди. Йўқ, келмаслигингиз эмас, сиз

билан юз-юз бўлганимда қандай ҳолатга тушишим ташвишлантирарди. Қанча бетоқатланмай, сездирмасликка ҳаракат қилардим. Назаримда, чекка-чеккада туриб кузатаяпсизу, ҳаловатсизлигимдан ҳузур топаётгандингиз гўё. Сабрим тошиб борар, агар яна бир сонияга кечикканингизда, бу маконни тарк этишим ҳақиқат эди. Бироқ бу фикрга келиб улгурмай, оҳиста қадам ташлаганча кимдир кела бошлади. Хаёлимдан яшин тезлигида “наҳотки у”, деган фикр ўтди. Юрагимнинг уриши тезлашди, кўрқув ёки ҳаё устун келдим, кетишга чоғланиб қолдим. Бироқ қимирлай олмасдим. Чунки тўғри мени кўзлаб келаётгандингиз. Иккиланиб қолдим. Қарор қабул қилиб улгурмай рўпарамда пайдо бўлдингиз. Қарашингиз ўткир, қатъиятли, яна унда шу пайтгача ҳеч кимда кўрмаган алланимадир аксланиб турарди. Кўзларингиз мени ўзига шундай сеҳрлаб олдики, улардан кечиб кетиш мумкинмасдек эди. Нигоҳингизни кўзларимдан узмасдан яқин келдингизда, мен соғиниб кутадиган ўша товушга умуман ёт бўлган бошқа овозда “Мени кутаяпсизми?” дедингиз. Иккиланиб қолдим. Яшин тезлигида у эмас, деган ўй ўтди хаёлимдан.

– Нега гапирмайсиз?

Аро йўлда қолдим. Бу сиз эканингизга ишониш-ниям, ишонмасликниям билмасдим. Ўйлардим: “Агар у бўлмаса, нега бу ерга келди, у бўлса, нега овози бошқа, умуман унга ўхшамайди?”

Ўз-ўзимни шу каби саволлар билан кўмарканман, кўзларимга олдингидан ҳам қаттиқроқ тикилдингиз.

– Кўрқаяпсизми?

Овозингизда гина аралаш киноя бор эди. Шунда тушуниб етдим, мени ҳали-ҳануз кечиролмаётгандингиз. Меҳр аралаш гина билан қарадингизки, нигоҳларингизга дош беролмай ерга тикилдим.

– Кимсиз?

– Танимадингизми?

– Йўқ.

– Наҳотки?

Энди бу сиз эканингизга умуман шубҳам йўқ эди. Бурилиб кета бошладим. Ҳеч нима демасдан кетаётганимдан ҳайрон бўлдингиз.

– Қаёққа?

– Юринг.

– Ишқилиб ўғирлаб кетмайсизми?

Ҳазилингиз орамизда тўсиқ бўлиб турган ётсираш-ни кўтаргандай бўлди. Бироқ мен ҳаяжонланардим, сездимки, қанчалик ўзингизни тутишга ҳаракат қилманг, сизда ҳам шу ҳолат эди. Иккимиз йўлакчадан ёнма-ён юриб борарканмиз, гарчи сизга ишонмасам ҳам ўзимни бахтиёр сезардим. Чунки ҳаммадан яшириб, дил-дилимга беркитган сирим, кутганим ёнимда эди.

Бироқ ҳаммасини қанчалик ойдинлаштиришга ҳаракат қилмайлик, барчаси мавҳумлигича қолаётгандек бўлаверди. Чунки ҳар қайсимиз ўз-ўзимизни оқлаганимиз ҳолда, ўзимизни ўзимизча ҳақ деб билардик. Аммо барибир сиз ҳам худди мен каби ўзингизни ич-ичингиздан айблардингиз, худди мен сиз учун азоб чекаётганимдек, мени деб қийналардингиз. Балки сизни шунинг учун ҳам яхши кўргандирман. Тўғриси, нима учунлигини англаб етмасдим. Кеч кириб хайрлашадиган онларимиз яқинлашди. Бироқ худди мен каби хайрлашгингиз келмаётган эди. Аммо бизнинг хоҳишимизга қарши бўлган вақт шуни тақозо қиларди.

Охирги лаҳзада кутилмаган саволни бердингиз.

– Агар ҳаммасини унутиб, барини бошидан бошлайлик десам, нима дейсиз?

Саволингиздан бир зум ўзимни йўқотиб қўйдим. Чунки дийдорлашувимизнинг биринчиси ва охириги бўлади, кейин ҳеч қачон кўришмасак керак, деб ўйлагандим. Юрагимни шодлик тўлдирган бўлса ҳам “йўқ” дедим қатъият билан.

– Нимага?

– Қўрқаман.

– Нимадан?!

– Сиздан.

– Мендан?!

– Ҳа, сиздан. Ҳаммасига қўл силташингиздан, кейин кийнаиб юришдан қўрқаман.

– Йўқ, чиндан мени десангиз, бахтли бўлишимиз учун қўлимдан келганини қиламан.

Ўзларингизга шубҳа билан қарасам ҳам, дил-дилимдан қувонч уфурарди. Севинчимни беркитишга ҳар қанча уринмай, кўзларим ошкор қилиб қўяётганди. Кўзларингизга тикилдим. Бу кўзлардан муҳаббат билан бирга самимият ёғилиб турарди. Бу нигоҳларга ишондим. Бироқ ич-ичимдан нимадир “йўқ” деган жавобни беришга ундарди. “Йўқ” дея жавоб берган бўлсам ҳам, муқим тура олмадим. Тўғрироғи, сиздан ажралгим келмади. Чунки бахтиёр эдим. Кечирганингиздан, яна мени деганингиздан, мен билан қолаётганингиздан, бахтдан сармаст бўлиб борардим. Кетар чоғингизда менга қувонч бағишлайдиган товушда “Телефон қиламан, яхши дам олинг”, дедингиз. Сиздан узоқлашар эканман, изимдан кузатаётганингизни ҳис қилиб турардим. Эшикни ёпиб улгурмай, сим қоқдингиз.

– Алло.

– Алло, яхши етиб олдингизми?

Овозингиз сеҳридан юзимга табассум югурди.

– Ҳа, раҳмат.

– Унда яхши дам олинг, эртага телефон қиламан.

– Майли.

Ўша тун бахт оғушида ухладим. Сиз бир умрга ёнимда бўлишга сўз бергандингиз. Бироқ кўп ўтмай хаёл қилганларим, орзуларим шунчаки сароб эканини сеза бошладим. Ҳар куни соатлаб суҳбат қурадик, бироқ овозингиздаги қачонлардир мени мафтун этган ўша сеҳр, самимиятнинг ўрнини қандайдир сохталик эгаллаб олганди. Кундан-кунга сизга бўлган ишончим сўниб борар, муносабатимиз омонатдек туюларди. Ҳаётим хавотирга бурканганди. Йўқ, мени ташлаб кетишингиздан эмас, севгим қалбимни тарк этишидан, муҳаббат ўрнини нафрат эгаллаб олишидан қўрқардим. Афсуски, асраганим, ҳаммадан қизганганим, муҳаббатимга ўзингиз дарз етказдингиз.

Эсингиздами, охириги дийдорлашувимиз. Боғ, хиёбон, тунги чироқлар. Бизни суратга олган сураткаш-чи?! Ўша кун ҳаётимнинг энг бахтли лаҳзаси эди, чамамда. Сайр қилдик, суҳбатлашдик, кези келганда тортишдик, баҳслашдик. Ҳаммаси қандайдир мароқли эди. Бироқ юрагимнинг аллақерида ғашлик ўрмаларди. Уни ҳар қанча йўқотишга уринмай, вужудимга томир отиб борарди.

Хайрлашадиган вақтимиз етди. Йўлак бўйлаб секин-аста қадам ташлаб борар эканмиз, ерга боқиб нималарнидир хаёл қилардингиз. Гоҳи-гоҳида оғир хўрсинардингиз-да, кўз қирингиз билан қараб қўярдингиз. Ҳолатингиздан борган сари хавотирим ортар, лекин ўзимни бепарво кўрсатишга ҳаракат қи-

лардим. Манзилимизга етгунга қадар на сиздан, на мендан садо чиқди. Иккимиз ҳам ўз ўйларимиз билан банд эдик. Хайрлашадиган жойга етганимизда “яхши борин”, дедим. Кўзларимга тикилдингиз. Нигоҳингизда узроҳликка ўхшаган, чорасизлик акс этиб турарди. Борлигимни эгаллаб улгурган ғашлик сабабини тушунгандай бўлдим.

Жилмайишга ҳаракат қилдим.

Сиз эса менга тикилган қўйи ҳамон жим турардингиз. Бир нима демоқчи бўлардингизу, бироқ нимадир гапиришингизга тўсиқ бўлиб турарди.

Ҳолатингиз худди ҳозир кетсам, иккимиз бошқа ҳеч қачон кўришмайдигандек тасаввур уйғотди. Кўзларингиз тубида англаб бўлмас ғусса балқиб турар, бу ҳолат сабабини дил-дилимдан англаётгандек эдим, бироқ тушунишга, тан олишга ҳайиқардим. Агар ҳозир яна бир лаҳза қолсам, кейин бир умрга сиздан ажралишга маҳқум бўлиш хавотири ўртарди мени. Шунинг учун ёнингиздан тезроқ кетишни истадим. Кўзларингизга қарамасликка уриндим. Сиз эса ҳали-ҳануз ўшандай тикилганча турардингиз. Нигоҳингизда ҳали бизга етиб улгурмаган айрилиқнинг кўланкаси акс этиб турар, аста-секин юрагимга ҳам унинг сояси тушиб бораётганди. Бетоқатландим. Юзларимда табассум бўлса ҳам юрагимни ғашлик кемирарди. Ногаҳон қўл телефоним жиринглади. Бемаврид бўлса-да, бу ҳолатдан чиқиб кетиш учун айни муддао эди.

Шугина телефон кўнглимга қўнаётган хавотирларни қувишга, тилингиз учуда турган, бироқ қандай айтишни билмаётган “алвидо”ни кечиктиришга бир баҳона эди.

– Уйдагилар хавотир олишяпти, яна биров турсам излашга тушишади.

Нимадир демоқчи бўлардингизу, гапиришингизга қўймасдим. Охири тоқатингиз тоқ бўлди шекилли, исмимни чўзиб айтдингиз. Деярли шивирлаб айтган бўлсангиз ҳам унда қандайдир безовталиқ сезилиб турарди.

Кўзларингизга тикилган қўйи жим қолдим. Унда дард, алам, изтироб яширин эди. Ҳа, азизим. Кўзларингиз кўзларимдан кечишни истамаётганди. Бироқ ўч, йигитлик шаъни бунга изн бермаётганди.

Англаб етдим. Сиздаги нафратни, сиздаги ўчни, сиздаги орни. Англадим. Аммо тан олишни истамадим. Тўғриси, қўрқдим. Сиз ҳам журъат қилолмадингиз, тўғридан-тўғри айтишга. Чунки сиз ҳам мендан, кўзларимдан кечишни истамаётгандингиз. Билмадим, шу ҳолатда қанча фурсат ўтди. Угирилиб кетишга журъатим етмади. Секин-аста ортимга тисарилиб сиздан узоқлашар эканман, нигоҳингизда менга аталган муҳаббат йиғлаётганини кўрдим. Бироқ овутишга ҳаққим йўқ. Чунки шу муҳаббатни ўзим яратиб, ўзим ўлимга ҳукм қилгандим. Мен бу муҳаббатни шунчаки эрмак қилдим. Энди эса ўзим унинг қарғишига учраётгандим. Мен кетдим, сиз қолдингиз. Аслини олганда сиз икки ўт орасида қолгандингиз. Менга аталган бу иккала ҳиснинг биринчиси муҳаббат, иккинчиси нафрат эди. Иккисидан бирини танлашга маҳқум эдингиз. Нима бўлганда ҳам тўғри ва иккимизга ҳам фақат яхшилик келтирадиган қарор қабул қилишингизга ишондим.

Туни билан мижжа қоқмадим. Фақат сиз ҳақингизда ўйлаб, фақат сиз ҳақингизда хаёл сурдим. Ниҳоят заррин нурларини борлиққа кўз-кўз қилаётган қуёш за-



миндан бош кўтарди. Унинг тафтига юзимни тутиб, халемга ўзим билмаган ҳолда ўхшатиш келди. “Худди унинг меҳридек иссиқ”. Ўйлаб топган сўзларимдан сархуш бўлиб, қуёш нурларининг ўткирлигидан юзим қуяётганини сезмай қолибман. У худди муҳаббатингиздан юрагим қуйиб қолишини айтиб огоҳлантираётгандек эди.

Кун бўйи кўзимни юсам ҳам, очсам ҳам кўз олдимга кулиб турган чехрангиз келар, қаёққа қарамай фақат сизнинг сиймонгизни кўраётгандек бўлаверардим. Шундай соғинчли лаҳзалар ила вақт ўтиб борар, сиздан эса дарак йўқ эди. Жонсиз телефон қачон тилга кираркин дея бетоқатланардим. Бироқ у ҳам ҳолимни кўриб, кўрмаганликка оларди. Гоҳида мазах қилгандай асабий жиринглаб қолар, гўшакни кўтарганимда сизникига ўхшамайдиган бегона товуш эшитардим. Лаҳзалар ўтаверар, ҳеч қандай хабар келтирмаган бу фурсатлар билан келишолмасдим. Улар атайин қилаётгандай қайта-қайта хабарсиз келиб, дилимни хуфтон қиларди.

Шундай озорланишлар ила тун ҳам чўқди. Хавотир мени ўз исканжасига олар, аёвсиз сиқар, унинг қийноқларига чидолмаган юрагим ўзини ҳар ёнга урарди.

Сабрим тугаб борарди. Ортиқ лаҳзалар ўйинига чидолмасдим. Шу сабрсизлик орқасидан сизга кўнғироқ қилишга жазм қилдим. Бироқ гўшакни кўтарган кўлим уни қайтиб жойига қўйди. Чунки дилимдаги соғинч қанча чексиз бўлмасин, андиша унинг йўлини тўсиб турарди. Тобора ҳаловатсизлигим ортиб борар, худди энди ҳеч қачон овозингизни эшитмайдигандек, бошқа сизни кўрмайдигандек эдим. Мени хавотир эзарди. Бир хавотирки, бунга энгиш мумкинмасдек эди.

Шундай хаёллар билан юлдузсиз осмонга тикиларканман, ногаҳон қўл телефонимга хабар келди. Хабар сиздан эди. Беихтиёр булут тўсган қалбим нурга тўлди. Ҳовлиққан кўйи ўқидим. “Энди мени унутинг, телефон ҳам қилманг, хабар ҳам жўнатманг. Сизни худди мени алдаганингиздай ёлғонларга кўмдим. Хайр!”

Хабар келганида борлигимни қандай шодлик қамраган бўлса, уни ўқиб дунёим шундай қоронғи бўлди. Беҳол деворга суяндим. Чап кўксимда нимадир санчди. Бир неча сония нима бўлаётганини англаёлмадим. Фурсатлар ўтиб, юрагим овозини эшитдим. У уввос солиб йиғларди. Ўша тун юрагимни овутолмадим. Ҳар қанча ўзимни тетик тутишга уринмай тўкилиб борардим. Шу зайлда тун тонгга, тонг кунга, кун эса тунга уланди. Келмаслигингизга ишониб, фақат хоти-

рангиз билан яшашни бошлагандим. Хотиранингизга яшашим учун таянч бўларди. Ёдингизни тиргак қилиб яна бир тонгни кутиб олдим.

Бу тонг ҳар кунгига ўхшамас, офтоб ҳар кунгидай нурларини кўз-кўз қилмас, секингина булутлар орасидан сузиб чиқаётганди. Булутлар эса уни ўз қучоғидан қўйиб юборгиси келмагандай, қуёш юзини тўсиб турарди. Нур билан абр шундай омухта кўринардик, бу манзара одамни ўзга оламларга етаклаб кетарди. Халларимни қўққис кўнғироқ тўзғитиб юборди.

– Алло?

– Алло, қизим, яхшимисан?

Онам эди.

– Ассалому алайкум, ўзингиз яхшимисиз?

– Яхши, раҳмат, қизим, сенга отангинг гапини айтгандим-а, – деди онам тўғридан-тўғри. Гап нимадалигини дарров англадим.

– Кеча отанг дўстига розилигини берди. Бу ҳақда сенга кеча айтмоқчи эдим, аммо алламаҳал бўлгани учун безовта қилгим келмади...

Онам тўхтамасдан гапирар, менинг эса қулоғимга гап кирмасди. Ўйлардим. Бирга суҳбат қурган онларимиз, кунларимиз ҳақида...

– Алло, эшитаяпсанми?

– Ҳа.

– Майли, учрашиб гаплашарсан.

Гўшақдан қисқа-қисқа гудок келди.

Энди мен учун ҳаммаси барибир эди.

Тайинланган пайтда учрашув жойига бордим. Онгим нима қилаётганимни идрок этолмас, фақат шундай қилишим лозимлигини англадим. Учрашув вақтидан анча кеч борган бўлсам ҳам, белгиланган жойда ҳеч ким йўқ эди. Ўриндиққа оғир чўқдим. Сиз ҳақингизда хаёл суриб ўтирар эканман, кимдир рўпарамга келиб “салом”, деди. Юрагим бир қалқди. Бу сизнинг овозингиз эди.

Товушингизни эшитиб ўрнимдан туриб кетдим. Шунда рўпарамда турган сиз эмас, умуман бошқа кимса эканини кўрдим. Кўрдиму, сизсизликдан кўрқиб кетдим. Сабаби, қаршимда мен ўйлаган улкан муҳаббат соҳиби, ҳаётимни нурга чулғанган қалб эгаси эмас, бор-йўғи ота-онаси раъйи билан нотаниш қиз ҳузурига учрашувга чиққан, тақдирига жимгина кўнган қиёфада бир йигит турарди, холос.

Орқамга аста-секин тисландим, билмадим, нима учундир бошим оққан томонга чопиб кетдим. Изимдан ҳайрон бўлганингизча қараб қолдингиз.





## Нурлар тўкилади йўлакка сим-сим

### СУЯНЧ

Суянмоқчи бўлдим – ортимда дарё,  
Балиқлар елкасин тутмадилар шод.  
Сувга юкинмоқнинг имкони йўқдир,  
Тўлқинлар бўлолмас руҳимдай озод.

Ўрнидан қўзғолиб улгурди қачон,  
Суянайин десам – тоғлар йироқда.  
Менинг кўзларимдан думалаган тош,  
Қаттиқроқ ботмоқда она тупроққа.

Қайга олиб қочай нигоҳимни мен,  
Умидим рангларин сипқормоқдаман.  
Ўзимга суянай десам, ўзимдан  
Ўзимни тополмай овворадирман.



\* \* \*

Вақт бетин қувалар – қочарман қушдек,  
Орзуларим оғир, дардларим катта.  
Йўлимда учраган манзиллар аро,  
Ўзимга тўхтарман сўнгги бекатда.

Ажинлар юзимга соладирлар чанг,  
Ҳар гал тўсганимда ташивишлар йўлин.  
Қайси кулдонингга тўкайин ҳаёт,  
Вақт-бевақт чекилган аламлар кулин.

\* \* \*

Миннатдорман, осмон, ёруғлик учун,  
Юлдузлар пар каби кафтимга тўлди.  
Қушлардек осилсам нурлар дорига,  
Феъли кенг ҳаволар насибам бўлди.

Ястаниб ётади хипча бел йўллар,  
Аёвсиз зарбларга тикканча кўксин.  
Осмон елкасига қўлин қўяр тун,  
Нурлар тўкилади йўлакка сим-сим.

\* \* \*

Хаёл кўзгусига дарз кетар бир дам,  
Яқинлашиб келар ҳар неки йироқ.  
Бир-бирига ишқаб чақмоқтошини,  
Юрагимни ёқар момақалдироқ.

Булутлар лашикарин қувмоқлик учун,  
Баҳор қамчи босар учқур отига.  
Нетай, қулоқ тутгим келади менинг  
Йиғлоқи булутлар муножотига.

Нилуфар  
УМАРОВА



1972 йилда Қарши туманида туғилган.  
Қарши Давлат университетининг филология  
факультетини тахсил олган. «Орзуси бир дунё  
аёлнинг», «Кўнгил розлари», «Дуоғўй ёмғир»,  
“Хаёл кўзлари” сингари шеърини китоблар муал-  
лифи. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

## КЕЧИККАН ТАБРИК

Бугун хаёлимни банд этди ёмгир,  
Бугунни банд этдим хаёллар билан.  
Тўрида эдингиз уларнинг ахир,  
Келгандингиз хушбўй хаёллар билан.

Гарчи йўқловларим ҳаммадан кейин,  
Гарчи табрикларим туюлар такрор.  
Лекин хаёлимнинг сиз бор жойида,  
Нурлар улашгувчи фаришталар бор.

\* \* \*

Кўнглимнинг уйига қамалган ҳислар,  
Остона ҳатламай қўйдилар ойлаб.  
Ўтиб кетмасин деб эшик олдидан  
Баҳорнинг келишин кутаман пойлаб.

Соҳир хаёлларнинг қувиб изидан,  
Бир дам гойиб бўлар дайди шамол ҳам.  
Тўкилмоқ бўлади булут кўзидан  
Ҳаё пардасида яширинган гам.

Кўкариб кўринар ернинг қулоғи,  
Осмон ҳам рўшнолик кутади бунда.  
Югуриб чиқаман истиқболига,  
Кўзларим порлайди юлдузли кундай.

\* \* \*

Ёшлигим ўтган бу кўчадан,  
Шўхлигим ўтган бу кўчадан.  
Хуморим босилар бир ўтсам,  
Мени зор кутган бу кўчадан.

У менинг кўнглимга яқиндир,  
У – менинг кўнглимнинг аришида.  
Кўринар ёғдуга тўла йўл  
Ва оппоқ дарвоза қаршимда.

Мен яна қулгуга чоғлайман,  
Эрка ва йиғлоқи дилимни.  
Ғулларни маҳкамроқ боғлаб-да,  
Босиброқ тишлайман тилимни.

Кенгаяр торайган юрак ҳам,  
Ташишлар ортимда қолар жим.



Ақлимни шоширар бу дийдор,  
Кўзимдан шовиллар соғинчим.

Остона ҳатлайман ичкари,  
Эшикни очмоққа умидвор.  
Куёшга термулган ҳовлида  
Кўнглимга қараган онам бор.

\* \* \*

Адашмадинг шу йўл сеники,  
Таъналарни ёғдирма мубҳам.  
Гар эгаси бўлмасам ҳамки,  
Бир четида юрибман мен ҳам.

Сен қоқилма, равон жойдан ўт,  
Тош устида юрарман майли.  
Йиртилмасин ковушинг дея,  
Оёқяланг юрарман ҳали.

Игна териб ўтар кунларим,  
Оғриқ турар курагимгача.  
Тиканлари товондан бошлаб,  
Санчилгандир юрагимгача.

Ўзни ўнглаб олгунимча то,  
Бош ёрилди, тирналди кўнгил.  
Шукур, аччиқ сабоғи ила  
Қалб уйига бошлади шу йўл.

\* \* \*

Ҳадемай шивирлай бошлар кўк,  
Булутлар келтирди хабарин.  
Ўрилган майсалар баррадек,  
Таратар юртнинг мушк анбарин.

Ҳадемай ёмгирга бўқар ер,  
Ариқлар шилдирар – тўла сув.  
Япроқлар шод чапак чалиб дер:  
Ғанимат кунларнинг дардин юв.

Бедазор ичида юрсам ҳам,  
Ҳар кун сўз айтса ҳам шу осмон.  
Кўксига бош қўйиб турсам ҳам,  
Ватаннинг ҳидига тўймасман.








# ОЙБЕГИМИЗ

Ойбек сиймоси, бадий салоҳияти ҳақида гап кетса қандайдир эътирозсиз тасаввурлар ҳар биримизда бор. У билан замондош бўлган адиблар адабий анжуманларда жуда илиқ сўз айтадилар. Ижоди ҳақида гап очилганда ҳам ортиқча мунозаралар бўлмайди. Бу – фазилатми ёки кимдандир баланд, кимдандир паст қўйишга сабаб бўлувчи дастакми?

Шуларни ўйлаб, бир неча йиллар бурун Ойбек сиймоси ҳақида ўқиб билганларимдан таъсирланиб бир мақола ёзган эдим. З.Саидносированинг “Ойбегим менинг” китоби номини андак ўзгартириб “Ойбегимиз” деб қўйишга жазм этдим. Бу бошқа авлод вакилларининг улкан устозга, замонлар бўронида чўққидек қўр солиб келган буюк адибга меҳримиз, ҳурматимиз белгисидир балки...

Муаллиф



Ойбекнинг шеърини далага чиқиб,  
Майсага ағанаб ўқимоқ керак.

Хуршид Даврон.

Адабиёт тарихимизда ўзининг муқим ўрнини эгаллаган Ойбек номи тилга олинганда, эътибор берганмисиз, кўнгилда мўътадил бир кайфият, мўътадил

фикр зоҳир бўлади: у сўзсиз улкан адиб. Ортиқча эътиросга берилмаймиз, баҳс-мунозарага ҳам ўрин йўқ, ҳадеганда олқишлашга ҳам шошилмаймиз. Сиймосини, у ҳақида хотираларни эслаганимиз заҳоти, турли фитналар, алғов-далғовлар замонида яшаган эса-да, қалбимизга сокин бир салобат билан киради Ойбек. Боз устига “Қутлуғ қон” билан “Навоий” романларининг ўзи етмайдими, деймиз ўзимизча. Шу асарлари биланок у ўзига улкан ёдгорлик ўрнатиб бўлган.

Шеърини мероси-чи?

Рости, камина Ойбекнинг шеърларини, хусусан, лирик шеърларини ўқиганимда беғуборлик, жозиба, меҳр туяман юрагимда. Кўнглим тусайди шу шеърларни. Бу, энди, кўнгилнинг ўзига қўйиб берилгандаги холис ҳолат. Кези келганда “Қутлуғ қон”ни ҳам, “Навоий”ни ҳам титкилайман.

Бошқа асарлари тўғрисида ҳозир балки ўрни билан нима дейиш мумкин бўлса, айтиш мумкиндир, бироқ адибимиз тирик бўлганида муқаррар шу икки романни қўлига олиб кўз-кўз қилган бўларди. “Қутлуғ қон”нинг сўнгини замонасоз қилишга мажбур бўлганман, дерди хижолат тортиб.

Қамрови, эпик кўлами, бадий қуввати жиҳатидан қаралганда ҳам жуда кучли асар.

Бироқ мен Ойбекнинг ўзи – шахси ҳақида кўпроқ ўйлайман. Ва муттасил суратда замон мафқурасининг занжири қобирғаларига ҳам, қалбига ҳам ботиб, танғиб тортилган буюк ёзувчи гавдаланади кўз олдимда.

Ойбекдаги сингари ижодий куч, Ойбекдаги сингари шижоат, Ойбекники каби сабру матонат ўйлайманки, унча-мунча Ғарб ёзувчиларида ҳам бўлмаган.

Ойбек ҳақида илгари қатор мақолалар, таниқли адабиётшунос Н.Каримовнинг рисола ва асарларини ўқиб у ҳақида тасаввур майдони пайдо бўлган эди.

Бироқ адибимизнинг рафиқаси, буюк зиёли Зарифа Саидносированинг “Ойбегим менинг” китобини ўқиб, очиғи хайрат бармоғимни ташладим.

Авалламбор бу оиланинг вужудга келиши тарихи, ундан сўнги улуғ бирлик, улуғ елкадошлик, бемисл садоқат ҳам замонлар саҳнасидан бизга фақат ибрат, ҳикмат намунаси бўлиб балқийди.

Ўйладим: Зарифа Саидносирова Ойбексиз ҳам катта аллома бўлиб етишиши мумкин экан, аммо Ойбек Зарифа Саидносировасиз Ойбек бўлиши мушкул экан.

Бу бирлик чиндан ҳам вақтлар силсиласида бошқалар учун ибрат бўлиб қолса керак. Ҳар қандай ижодкор учун ҳам даставвал чидамли, вафодор аёл керак. Чунки ижодкорнинг инжиқлигини унча-мунча аёл зоти ҳазм қилолмайди.

Лекин З.Саидносированинг бу борада бахти қулган эди. Ойбек унақа инжиқ эмасди. У ичкуёв бўлганидаям, бир хонали ётоқда фарзандлари билан яшагандаям, устига бўҳтон ёғилиб, тор жойларга қувилиб чиққанда ҳам ёзаверар эди. Шунингдек, мансабдан туширилган, ҳатто Ёзувчилар уюшмаси таркибидан ўчирилганда ҳам дами ичига тушиб кетмасди, аксинча, вақт бўлганига шуқур қилиб тинимсиз ёзар эди.

Бу ҳам биз учун бир сабоқ. Чунончи биз ўз ялқовлигимизни, танбаллигимизни, эринчоқлигимизни арзиммаган баҳоналар билан оқламоқчи бўламиз. Ойбекдек чўнг ўтириб меҳнат қилишга сабримиз етмайди, холос.

Ойбекка Худо тағин 20 йил умр берганида борми, шубҳасиз, у етиб бўлмас чўққиларни забт этган, бизга не-не улкан асарларни армуғон этган бўларди.

Ойбекнинг олижаноблиги, шоирлиги, заковати, садоқати, сабрлилиги рафиқасига илҳом берарди.

Оилада иккаласиям ишдан қувилган, маошсиз, нонсиз, бир пайса унсиз, Ойбекнинг қайнотаси Саидносир Миржалилов репрессияга учраб мушкул аҳволга тушиб қолган, боз устига очарчиликка юз тутилган даврлар ҳам бўлган экан.

“Бозорда бир буханка нон 200 сўм, бир килограмм гўшт эса 150 сўмга кўтарилди. Бозордан нон олиб бўлмайди, карточка бўйича олинган нонга қаноат қилишдан ўзга илож йўқ.

...Ойбек жуда тез оза бошлади. Бу унинг шу вақтда олдириган расмларидан ҳам билинади. Биз бир пайтлар бир катта, бир кичик гилам сотиб олган эдик. Ўша кунлари катта гиламни сотиб, қўй олдик. У кўзилади. Икковимиз маслаҳат қилдик-да, қўй билан кўзини сотиб, пича пул қўшиб, сигир оладиган бўлдик.

Ойбек қўйни етаклади. Ойим икковимиз орқадан ҳайдадик. Бозорга йўл олдик. Сигир қиммат, сутли сигир эса бир ҳовлининг пули экан. Биз яна қўй-қўзини ҳайдаб, изимизга қайтиб келдик. Кейин сўйиб едик.

...Бир кеча, ёдимда, Ойбек ёзиб ўтирарди. Мен ҳам ёзибми, ўқибми ўтирибман.

– Зарифа, қорним оч, очикдим, – деб қолди, Ойбек.

Мен нима дейишни билмайман, индамадим, жавоб қилолмадим. Негаки, уй қуп-қуруқ эди.

– Бирор нарса йўқми? – сўради Ойбек.

Ўрнимдан туриб, шкафни ахтардим. Ҳужрадаги хурмача, халталарни текширдим. Бир ҳовуч йирик кепак, бир-икки қошиқ шакар топдим, сўнг хурмачанинг тагини сидира-сидира бир қошиқ ёғ олдим. Примусда кепакни қовуриб, сўнг унга шакар аралаштириб дас-

турхонга тортдим. Билмадим, бу қандай таом бўлди экан? Ойбек ҳазратлари номи менга ҳам номаълум бўлган бу таомдан бир-икки марта қошиқ учидан олган бўлди. Сўнг “сен ҳам егин” деб мени қистади.

– Йўқ, очикмадим. Ўзингиз ея беринг, – дедим унга.

Менинг ҳам курсоғимда ҳеч нарса йўқ, фақат қаноат бор, холос.

Ойбек озгина еди. Озгинасини қолдириб, деди:

– Эрталаб болаларга берарсан.

Менга боқиб жилмайди-да, тағин ёзувга киришди.

Билмадим, бемазалиқдан ея олмадимми ёхуд болаларга илиниб, томоғидан ўтмадимми?”

З.Саидносирова олий мактабда таълим берган биринчи ўзбек муаллимаси, аорганик кимёни ўзбек талабаларига биринчи бўлиб таништирган, кимё луғатини биринчи тузган олима. Шунингдек, рассом, мусиқачи, шоира ва мана, қўлимизда китоби – ёзувчи эди. Аммо у энг аввал ўзини Ойбекнинг вафодор хотини деб билар, энг катта ифтихори ҳам, энг йирик бахти ҳам мана шунда эди. Асардан маълум бўлишича, Ойбек ҳам асарининг илк нусхасини Зарифасига ўқитар эди. Икковлари эмчақдош эгизаклар каби мудом бир-бирига интиқиб яшаган эдилар.

Хатлар, хотираларни ўқисангиз, ҳавасингиз келарди.

Айни пайтда Ойбек хотинини муттасил ишлашга мажбур этарди. Илмда худди ўзи каби заҳмат чекишини, катта олима бўлишини ўқитарди.

З.Саидносирова профессор бўлди.

Ойбек – академик бўлди ҳам. Ўзбекистон Фанлар академиясининг гуманитар фанлар йўналишига бошчилик қилди.

У иқтисодчи олим эди. Бу борада бетиним илмий, назарий изланиш олиб борди. Институтда дарс берди. Сўнгра фалсафага шўнғиди. Тарихни мукамал ўрганишга тиришди. Навоий, Бобур, Темур каби тарихимиз сиймоларининг бадиий образини яратиш ишқи билан яшади.

Ойбек замоннинг мароми билан иш тутди.

Оқимга сира қарши бормаган эди. Бу буюк қаршилик балки унинг қалбида қолди.

Чўлпон, А.Қодирий, У.Носирники сингари қатағонга дастак бўлгучи “атрибутилар”ни ундан тополмас эдилар.

Тарих ҳақида ёзса, устидан қора чизиқ тортилмаган ҳазрат Навоий ҳақида ёзди. Бу “номаълум” иш эмасди шўро ҳукумати учун.

Яъни, замонга ёт мафкура унга ҳам ёт эди.

Оила ҳам замонга монанд эди. Хотини ҳам, ўзи ҳам рус тилида лекциялар ўқирди. Фарзандларининг тили ҳам “мама”, “папа”дан бошланган эди.

Баъзан топшириқ билан, топшириқ бўлмаса-да, қалби билан шўро тузумини қувватловчи асарларни кетма-кет ёзаверди.

Академик бўлганидан ташқари у Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик ҳам қилди, депутат бўлиб турли учрашувлар, сессияларда қатнашди. Қайноқ ишлаб, қайноқ яшашга интилди.

Бинобарин, ўз меҳнатининг тотли меваларидан баҳраманд бўлишга у ҳақли эди.

Назаримизда, унга шўро ҳукумати бирор айб тўнкаса, бу ғоят густоҳлик бўларди. Ахир, бундан ортиқ идеал шахс, идеал ижодкорни қайси гўшада қайси она туғиб улғайтириб қўйибди? Бўлса шунчалик бўлар-да



инсон дегани. Шўрога яна нима керак? Тагин қандай хизмат қилиш мумкин шўрога?!

Бирок... 1937 йил шамоллари Ойбекка ҳам тегмай ўтолмас эди. У ишдан ҳайдалади, Уюшма сафидан чиқарилади, газета-журналлар унинг асарларини босмай кўяди. Аслида у турли тадбирлар, жамоат ишидан чарчаган, ижодга вақт тополмай юрарди. Аммо замон таҳликали эди. Хуллас, ҳали у, ҳали бу ҳамроҳи, дўсти, устози бирин-кетин қамалиб турган кезде кўнгилга ижод сиғиши мушкул эди. "...бир қанча тенгдошлари секин-аста ғойиб бўлаётган, унинг ўзига ҳам қамалиш навбати келган пайт эди. Шундай таҳликали айёмда ижод билан шуғулланиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Аммо Ойбек буюк ирода эгаси эди. Шунинг учун ҳам у ўта таҳликали ва фожиали кунларда, ғурбат ютиб, кечирилган ҳаётда "Қутлуғ қон"дай гўзал ва ўлмас бир асарни яратди".

Аслида ҳам ижодкорнинг мансаби бўлмади. Мансаб унинг ижодига халақит беради, холос. Севиб яратган асари, унинг ортидан топган обрўси ҳар қандай лавозимдан устун турмайдими?

Шу ўринда бундан талай йиллар муқаддам Ёзувчилар уюшмасида бўлиб турадиган тўполонлар ёдга келади. Тўполончилар уюшма раҳбариятини халққа, адабиётга "хиёнат" қилганликда, ёшларга йўл бермаётганликда айблар эдилар. Аслида гуруҳ-гуруҳ бўлиб мансаб талашардилар. Кўп ўтмай ғалвир сувдан кўтариладиган пайт ҳам келди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида бугун ўқиладиган шеър, бугун ўқиладиган наср керак бўлганида не аҳволга тушдик? Демак, халқ учун ёзувчиларнинг лавозимлари аҳамиятсиз экан. Бирданига бўшлиқ ҳосил бўлди. Халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев "Адабиёт ўладими?" дея безовта бўлиб мақола ёзса, барчамиз ёқасидан олдик, "нималар деяпсиз, адабиёт ўлмади!"

Ҳолбуки ёзувчи кинога қилган экан. Индаллосини айтганда адабиёт ўлиши ҳам мумкин, шекилли. Ўлмайдиган бўлса, мустақилликдан сўнг қандай ўлмас асар яратилди? Шахсан мен Ш.Холмирзаевнинг "Динозавр" романидан бошқа бугуннинг руҳида ёзилган, бугуннинг ҳаёти ифода этилган йирик, пухта жиддий асар кўрганим йўқ.

Ҳамкасбларим каминани маъзур тутсинлар. "Айбдорлар" сирасига аввал ўзимниям қўшган ҳолда илло йирик насрни назарда тутяпман бу ерда. Асло бошқа жанрни эмас.

Ошкоралик даврининг ура-ур пайтида бир талай адабиётимизнинг устун вакиллари ҳақида ихлосимизни тамом сўндирадиган мақолалар ўқидик. Ўша пайтда шунақа гапларга ҳам ғоят ташна эканмиз-да чоғи. Аммо ҳозир ўйлаб қарасам, домла Ойбек ўша талотўплардан ҳам нисбатан "беталофат" чиқдилар. Қолганлари (Миртемир ва бошқа ўзларини четга олиб юрганлардан ташқари) чақимчи, хиёнатчи, жаллод бўлиб гавдаландилар.

Булар бариси замоннинг ўта оғир, серташвишлигидан бўлган асли. Ўша чоғ оғиз кўпиртириб ошкоралик даври қахрамонларига айланганлар ҳам тақдир тақозоси билан 30-, 50-йилларда яшаб кўрганларида эди, балки бу қадар ҳукм гаплар айтишга уялиб туришарди...

Энди билсак, улоқни олиб қолиш, яъни "очко" жамғариш учун айтилган экан бир хиллари. Бугун эса ўша тўпланган очколардан кимга наф?

Замон одамларни, хусусан, ёзувчиларни ҳам бир-бир элақдан ўтказган. Менинг тасаввуримда Ойбек ул даврлардан ҳам устига оқ либос ёпиниб кириб келади. Юзи ҳам нурли.

"Бир кеча уйимиз олдида машина тўхтаб, эшик қоқилди. Ички ишлар министрлигидан келган одам Ойбекни олиб кетажагини айтди. Менинг оёқ-кўлларимда мадор қолмади. Қалтираб кетдим. Кўзларимдан қайноқ ёшлар қуюлар экан, Ойбек остонада туриб, мени кучди-да:

– Қўрқма, сабр қил, балки сўроқ учун чақирилгандирман, – деди.

Ойбекнинг ранги ўчган, ички асабий титроғи сезилиб турибди. Мен довдираган ҳолда унинг чўнтагига озгина ақча солдим.

– Зарифа, кераги йўқ! Олиб қолсалар, аввал ёнимни тинтиб-тозалайдилар!

Хуллас, Ойбекни олиб кетдилар. Гўё кўксимни пичоқлаб, қалбимни узиб ташлагандек туюлди менга.

Шу кун оийм бизниқида эди. У бўздай оқарган, муттасил пичирлаб, ихлос билан дуо қилар, "Парвардигорим, Ўзинга топширдим! Ўзинг сақла!" деб шивирлар эди.

Тонг кўкарди. На оийм бошини ёстиққа қўйди, на мен. У уйдан бу уйга тентираб, товушсиз йиғлайман, кўз ёшларимни тиндира олмайман.

Ойбекни олиб кетган Иванов деган рус зобити эрталаб уни қайтариб олиб келди. Ошиқиб, эшикни очдим.

– Қўрқма! Нега бунча титрайсан? Тинчман! – деди бағрига босиб Ойбек.

У эшикни илгандан сўнггина ўпкамини босдим. Ойбек – у ниҳоят ҳорғин эди, ранги-рўйида қон кўринмасди – ўзини диванга ташлади. Оийм чой қайнатиш билан овора. Мен Ойбекнинг қаршисига ўтирдим. У сукунатнинг ўзи савол эканлигини англади.

– Тўғри министрнинг олдида олиб бордилар. Унинг кабинетига икки-уч соат кутдим. Сўнг шоҳи тўнга ўралиб чиқди у киши, Худоёрхонда ҳам бўлмаган бундай тўн! – сўйлай бошлади Ойбек. – Министрни баъзан тантаналар ҳайъатида, саҳнада кўрардим. Баланд бўйли, йирик гавдали, девдай баҳайбат, кўзларига қаҳр-ғазаб қуйилган бир киши у! Грузин бўлса ҳам исми-шарифини ўзбекчага мувофиқлаб, Кабулов қилиб олган. Аслида Кабулидзе бўлган.

Ойбек давом этди:

"Сен ёзувчисан. Ёзувчилар орасида шубҳали унсурлар, халқ душманлари кўп. Нега бирор марта келиб айтмайсан? Бизга хизмат қилишни истамайсан!" – деди у дағдаға қилиб. Мен: "Ахир мен шоирман, адибман, бундай ишларни эплай олмайман", дедим. Шундан кейин унинг ғазоби кўпириб кетди, сўқди, итдан бадтар қилиб ҳайдади мени...

Ойбек кўчага чиққанида, Иванов унга:

"Хафа бўлманг! Министримиз бир оз кўрс, қўпол одам. Унинг иши шуни тақозо этади", деб авф сўрагансимон гапирибди.

– Министрингизга айтинг, – дебди Ойбек унга жавобан. – Агар у ички ишлар министри бўлса, мен шеърият министрман. У бугун министр бўлса, эртага унинг ўрнига бошқа одам келади, мен эсам, адабиёт оламида абадий министр бўлиб қоламан!"

Ҳар қандай фақир, оддий одамнинг ҳам нафсониятига тегаверсанг, охир оқибат, у ҳам жиллақурса,





сен қатори мен ҳам Худонинг бандасиман-ку, мен ҳам одамман-ку, деб юборади. Ойбек эса оддий одам эмасди – адабиёт майдонининг манаман деган пешқадамларидан эди. Унинг ички маданияти, табиати, ёзувчилар, ёшлар даврасида зинҳор “шеърият министрима!” дейишга йўл қўймас эди. Аммо ички ишлар министрнинг уни одам ўрнида кўрмай, менсимай муомала қилиши, ниҳоят, ориятини кўзгаган. Ҳар қалай адабиётга жон бериб хизмат қиляпман-ку, деган нидони пеш қила билган.

“Мен Ойбекнинг бу сўзларидан тезда мамнун бўлдим, – дейди З.Саидносирова. – Кўнглимга ғурур туйғуси тўлиб кетди шу топда.

Бир неча йилдан сўнг Ўзбекистонга ўша грузин ўрнига Гогидзе деган бошқа бир грузин министр бўлиб келди. Бунинг кўзлари аввалгисиникидан ҳам ёмон, ўзи ҳам ундан баттар бадбахт киши эди. Уларнинг ҳар икковлари 1953 йилдан сўнг Берия билан бирга отилдилар”.

Синчиклаб текширилса, Ойбекнинг ҳам(!) ижодидан қусурлар, айб топиш мумкин экан. Жумладан у Навоийни ҳаддан зиёд “идеаллаштирган” эди. Тушкун-пессимистик кайфиятда асарлар битган, яъни эрта бир кун келадиган коммунизмга ишончсизлик руҳида шеърлар ёзган. Ойбек сил касалига йўлиқиб, пулсиз, иложсиз, Ленинградда талаба чоғида кўп азоб тортади. “Хастимом” деган шеъри ўша пайтда ёзилади.

Сирасини айтганда, шоирнинг хасталигидан мутаассир бўлишга ҳаққи йўқми? У ҳам иссиқ жон, шу ҳолатини ифодалаш мумкин эмасми? Душманлар бу фикрга образ бағишлаб “мамлакатни хаста қилиб кўрсатаётир” дейишади. Ана дастак сизга. Демак, шу жиҳатларини ушлаб олиб жазолаш мумкин эди.

Ёзувчилар уюшмасидан Шевердин, Мильчаков ва бир неча бизга номлари таниш, аслида Ойбекнинг адабиётдаги ҳамроҳлари, дўстлари шу айбларни тўнкайдилар. Рухан эзадилар, асарларининг чиқишига йўл бермай кўядилар. “Халқ душмани” деган тамғани босишга чинакам уринадилар. Булар асли кўролмаслик билан қилинаётган ҳаракатлар эди. Рост-да, нега кимсан фалончи-фалончилар қамалиб, отилиб, сургун қилиниб кетадилару, бу гигант ёзувчи ақалли бирон марта қамалмас-я. Жуда бўлмаганда танқидга учраб, бадном бўлсин ахир!

Бадниятлар бунга эришолмайдилар, чунки бу гал ҳам омад деган нарса Ойбекдан юз ўгирмаган эди. Фақат бир аянчли асорат қолади: Ойбекнинг қон босими ҳаддан ортиқ кўтарилиб инсультга учрайди, тилдан қолади. Узоқ муолажа ва эҳтиёткорлик, парҳез натижасида сўзлай олиш қобилияти нисбатан тикланади. Аммо бундан бу ёғига у эҳтиросга берилмаслиги, ҳаяжонланмаслиги, қайғурмаслиги керак эди.

Ойбекда юз берган хасталик ҳам уларга қувонч бағишлайди.

Кўролмаслик нақадар бедаво иллат!

Йигирма йилча бурун катта бир йиғинда Президентимиз қатағон йиллари қурбонларининг ҳурмат-

эҳтиромини жойига қўйиш ташаббуси билан чиқдилар. Шунда бир адиб уларнинг қатағонга учрашига сабаб бўлган айбдорларни ҳам очиқ айтиб, халққа ошкор қилайлик, деди.

Бундай олганда халқдан яширин нарса ўзи йўқ.

Жабр кўрган, қамалган, қурбон бўлган инсонларга эҳтиром кўрсатилишининг ўзиёқ, ниҳоят, улар учун адолат қарор топганлигини, қолаверса, айбдорларни қоралаганимизни билдиради. Президентимиз айбдорларни номма-ном айблашга шу сабабли қарши эканлигини билдирдилар. Чунки мен оқ эдим у қора эди, деган тортишув, ўзаро адоват тағин юзага келишини таъкидладилар...

Бундай адолатли фикр олдида ҳамма бош эгади.

Ойбек ўша министр олдида ўзига хайрихоҳ, кейинчалик оёғига чанг солиши мумкин бўлганларни “чақиб, уларга айб тўнкаб, ўзини оқлаб” чиқса ҳам бўларди. Эҳтимол, унинг ўрнида бўлганда кимдир шундай қиларди. Демак, унинг кўнглида бировга ёмонлик соғиниш асло бўлмаган. Шунинг учун энг аввало, ўзини қийин аҳволга қўйиб чиқди. Бу ҳам мардлик. Бу – жасорат!

Агар 30-йиллар адабиёт оламида юз берган талотўп, саросималикларга эътибор бериб нигоҳ ташласангиз, А.Қодирий ижоди ва шахсини қораламаган бирорта адиб ёки адабиётшуносни топиш қийин. Бироқ, биргина Ойбек Қодирий ҳақида ижодий фазилатларини, улкан ёзувчи эканини таъкидлаб, таҳлил қилиб мақолалар ёзган, ёзолган эди. Бу ҳам мардлик эмасми?

Ойбек кўпгина тарихий асарлар ёзишни мўлжаллаган эди. Темури, Бобури, Бухоро амирлигининг сўнгги кунлари ҳақида ашёрлар тўплаб юрган эди. У ўзининг хасталигини ўйлаб кўп безовта бўлмасди. Имкон борида ёзиш керак дерди. Маломат ёғилса ҳам, очиқ душманлик туғилса ҳам ичига ютарди, қарши курашишга вақт сарфлаб ўтирмасди.

Эҳтимол, шунинг учундир, Ойбек нисбатан қисқа умр кўрди. Адабиётимиз тоқини мангу безаши мумкин бўлган йирик насрий асарларини ўз қалби билан олиб кетди. Бироқ, барибир ундан улкан адабий мерос, жуда тиниқ, жуда жозибали, эҳтиросли шеърлар қолди.

Ва... гўзал оила кўрди, бу оилани бир кўрғон каби асрай билди, фарзандларининг барчаси катта зиёлилар, ҳатто академик бўлиб етишди. Мухими, у қалбини, ўзини ҳам сақлай билди, сотилмади, сотмади. Миртемир каби армонлари ўзи билан кетди.

Мен Ойбек хонадони билан таниш эмасман. Бирор тадбир ёхуд юбилей муносабати билан ҳам ёзаётганим йўқ бу гапларни.

Ойбек даҳосига, Ойбек салоҳиятига, қолаверса, метиндек матонатига эллик йиллар ортдаги авлодларнинг бир иқрори, тасанноси деб қаралса бўлар.

Зеро, замонлар, даврлар ўтар, авлодлар ўзгарар, бироқ Ойбек феномени, Ойбекнинг бизга замоннинг беаёв зарблари қошидаги темир иродаси, заҳмати, меҳнати намуна бўлиб қолаверади. Таъзим деймиз.





## ИККИ ҲИКОЯ

### ХУДОНИНГ МЕҲМОНИ

Узоқ вилоятдан келиб республика идораларининг бирида нуфузли лавозимда бўлмаса ҳам, тўрт киши қоғоз ва компьютердан бошини кўтармай ишлайдиган хонанинг бир стол ва бир стулини эгаллаб ўтирганига қарийб беш йил бўлиб қолибди. Иши кўзга кўринарлига ўхшамайдику-я, лекин моянаси чаккимас. Идорасининг ҳам номи баланд. Ҳамқишлоқлари учун у “фалон жойда ишляпти!” Ана шу “фалон жой” туфайли у шаҳарлик ма-наман деган оиланинг қизига уйланган. Агар ака-укаларига ўхшаб қишлоғида ғалтак судраб юрганида бу оила унга қизи тугул, итини ҳам бермасди. Лекин “арава”сини ўзи тортяпти. Тортганда ҳам ғилдиратиб тортяпти. Чунки, юқорида айтганимиздай, иши яхши. Хонасида ўтирганда оддий ходим, лекин иш юзасидан текширув ёки назорат учун вилоятларга чиққанда борми, нақ авлиёга айланиб кетади. Қишлоқда ҳозирда марҳум бўлиб кетган отасининг олмасор боғидан олиб, атаб йиққан бир неча йиллик даромадига тўрт йил олдин пиёз экиб сотган пулини ҳам кўшиб олган, европа усулида таъмирланиб, чет элники



### Шахло АХРОРОВА



1967 йилда Жиззах туманида туғилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Буунга қадар “Эъзозим”, “Суйдирдингиз, суймадингиз”, “Моҳим”, “Сени ўйламоқдан воз кечолмайман”, “Ишиқ нафаси”, “Жийда гулим” каби қатор назмий ва насрий китоблари чоп этилган. “Шухрат” медали совриндори.

бўлмасаям, оҳанжамалари чет элникига ўхшатиб ишланган мебеллар билан жиҳозланган шаҳар марказидаги беш хонали уйининг икки қават эшигини оқшом тушар палла кимдир секин тақиллатди, сўнг ақли етиб қолди шекилли, булбул бўлиб сайрайдиган кўнғироғини босди.

Боймирза ҳозиргина ишдан қайтган эди. Хотинига эрта саҳарлаб вилоятларга хизмат сафарига кетиши лозимлиги боис, унинг учун йўл тараддудини кўришни уқтирганча, овқатланиш учун стулга ўтираркан, эшик томон норози қараб кўйди. Вақти-бемаҳал қишлоқдан пойтахтга тушганларнинг йўқлаб турадиган одати бор. Оға-ини ҳам майли, ҳамқишлоқман, деб ғирт бегоналар ҳам серрайиб турган бўлади эшикни очганда. “Бефаросатлар”, ўйлайди улар ҳақида.

– Ким бўлди кеч кирганда?

– Қайдам? Кўшни-пўшнидир-да, – шаҳарлик хотининг овозида ҳам малол оҳанги бор эди.

– Ассалому-алайкум, янга, – “хўш, хизмат”, дегандай эшикни қия очиб турган хотинига тавозе ва камсуқумлик билан салом берган йигитнинг овози таниш туюлди унга. – Мен... аканинг ҳамқишлоқлариман. Шаҳарга тушгандим. Бир кўриб кетай деб...

– Ҳамқишлоғингиз экан, – алик ҳам олмай, эрига юзланганча ичкарига кириб кетган аёлнинг эшикни очиб

қолдирганини меҳмон йигит “шаҳарликларнинг ичкарига киринг дегани шу бўлса керак”, деб тушунди-да, остона ҳатлаб қадам босди. Чунки, отаси айтгандай, остонада кўришилмайди. Шунинг учун қишлоқда эшиқдан ким келишидан қатъий назар, киринг меҳмон, дея ичкарига таклиф қилинади.

– Э, Абдували, сенмисан? – У ҳамқишлоғини таниди ҳартугул, кучоқ очишга шайланган йигитга қўлини узатди. – Ке, кир ичкарига, қишлоқда нима гаплар?

– Яхшимисиз, ака? – Абдували товонини бир-бирига ишқаб қишлоқнинг тош йўли бир томонини қийшайтириб юборган туфлисини ечди-да, уни истар-истамас ичкарига бошлаган шаҳарлик ҳамқишлоғининг ортидан эргашиб меҳмонхонага кирди.

Шаҳарлик хотин шаҳарлик-да, стол устида бодомписта, ширинликлар солинган биллур идишларнинг юзи чиройли тўр мато билан ёпиб қўйилди. Қишлоқда онаси меҳмон учун аталган қанд-қурсларни неваралар талош қилиб юбормаслиги учун кичкина сандиғига солиб қўяди. Нон ёпилган куни тандирнинг тепасида қизариб энг чиройли пишган нонларни ҳам ўраб олиб қўяди, меҳмонга деб.

Абдували дуога қўл очди. Унга қараб, Боймирза ҳам “илоҳо-омин” дея юзига фотиҳа тортди.

– Хўш, ҳамқишлоқ, нима гаплар, қайси шамол учирди? – деди Боймирза мақсадга ўт дегандай.

Қишлоқда аввал сўрашилади, чой-нон келтирилади, меҳмон айтмагунча, мезбон нега келдинг, демайди. Шаҳарда шундайдир-да. Абдували ўнғайсизланди.

– Абдукарим ака билан пешинда келгандик. Ўғлининг ўқиши бўйича. Яна бир учрашадиган жойи бор экан, сен боравер, деганди.

“Оббо, яна битта сўлахмон келаркан-да”, – энсаси қотди Боймирзанинг.

– Қайси Абдукарим ака?

– Камол ота бор эди-ку, отангизнинг дўсти, шуни ўғли.

“Тавба, бундан ҳам узокроғи йўқмиди”, – хаёлидан ўтди Боймирзанинг.

– Сен ўтира тур. Мен эрта саҳарлаб, машина ҳал бўлса, балки бугун оқшом ҳам вилоятга чиқиб кетаман. Командировка. Ишимиз шунақа. Шунга сал тайёргарлик дегандай... – Бугун оқшом кетмайди. Оғриқнинг олдини олиш учун, аниқроғи, манавилар тунаб қолайлик, демаслиги учун атай шундай деди. Боймирза ўрнидан тураёттиб, ошхона тарафга бўйин чўзди. – Чой олиб ке!

Қишлоқда чой олиб ке, дейилмайди. Хонадон соҳибалари ўзи билиб олиб қиради, ёки, бегона эркак, деб истихоло қилса, ёш боладан киритаверади. Қизик, шаҳарда бошқача экан. Абдували ҳозиргина Боймирза устидан тўр матони олиб кетган ширинликларга қаради. Анави идишдаги конфет саккизтамикан, ёки тўққизта? Агар битта олса, ўрни билиниб қоларкан. Лекин идиши чиройли экан.

– Яхшимисиз, олинг, чой ичинг, – “Номига бўлса ҳам сўрашишни биларкан-ку”, – ўйлади Абдували унинг олдида чой қўйиб кетган оппоқина шаҳарлик хотиннинг ортидан қараб. Сўнг, аёлниг ортидан қарагани учун ўзидан ўзи хижолат бўлди-да, чой қайтара бошлади.

“Дом” дегани чиройли, қулай бўлса ҳам, яхши эмас экан. Нариги хонадаги овоз беригисига эшитилиб турар экан. Қишлоқда уйининг деворлари пахсадан. Овоз эшитилмайди.

– “...Пишириб қўйибдимми... Жонга тегди... Оёғини ҳидини-чи!

– Мен чақирдимми? Қўрқма, кетади...”

Боймирза шаҳарлик бўлиб кетибди. Шаҳарлик бўлса ёмон экан. Меҳмонни ёқтиришмас экан. Абдували бўлса, ўқиб, шаҳарда қолишни орзу қилиб юрибди-я! Отаси Боймирзани йўқланглар, деганда акаси бежизга “Нима қилади униқиди?” – демаган экан. Чунки, ўтган гап у келганди. Қишлоқда... Абдували ўрнидан турди.

– Э, чой ичмайсанми? – деди эшиқдан иккита шапатидай нон кўтариб кириб келаётган Боймирза кетишга тараддуд кўраётган Абдувалига.

– Раҳмат, ака. Отамнинг саломларини айтиш учун келувдим.

– Саломат бўлсинлар. Борардинг-да, ўтириб...

– Абдукарим ака ҳаяллаб қолди. Юким ҳам унда эди. Қишлоққа борганда, бизниқига ҳам боринг экан. Отам айтиб юбордилар.

– Борамиз, Худо хоҳласа. – деди Боймирза уни кузатаётти. – Бир пиёла чой ҳам ичмадинг-да. Ҳа, майли. Нимаям деймиз, шошаётган бўлсанг. Мен ҳам..

– Майли ака, соғ бўлинг. – Абдували ортидан эшик ёпилгач, енгил тин олди. “Қишлоқда ташқаригача кузатиб чиқадилар. Уйнинг аёли ҳам хайрлашади...”

\*\*\*

Бу гапги хизмат сафари сал бошқача бўлди. Улар ишчи гуруҳларга бўлиниб, вилоятнинг чет туманларида танлов асосида хонадонларга кириб, оилаларда тиббий маданиятни ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан мониторинг ўтказишлари керак эди.

Боймирза унинг ортидан қўлини кўксига қўйиб ҳамроҳлик қилаётган вилоят вакили ва маҳалла раиси билан бирга қишлоқ оралаб бораркан, олдиндан тайёрлаб қўйилган хонадонларга кирмаслик учун дуч келган эшикни тақиллатди. Эшикни олтишдан ошиб, етмишни қоралаб қолса-да, тетик қоматли эркак очди.

– Ассалому-алайкум! Келинлар, келинлар.

Боймирза ўзининг республикадан келганини билдирмоқчи бўлмади. Чунки, топшириқ шундай эди.

– Ота, биз маҳалладан...

– Майли, қаердан бўлсаларинг ҳам. Ичкарига киринглар, болам. – Ота уларни ҳовлига бошлади. Боймирза хизмат вазифасига биноан, ҳовлининг тозалигига, хўжалик биналарининг жойлашувига назар солди.

– Қани, болам, уйга киринглар.

– Раҳмат, ота. Ишимиз кўп. Уйингизга патронаж ҳамширалар келиб туришадими?

– Келишади, болам, келишади. – Унинг сўзини бўлди мезбон. – Уйга киринглар, уйда, бир пиёла чой устида гаплашамиз.

– Йўқ, ота, вақтимиз йўқ...

– Э, бу вақт кимлардан қолмаган. Кириг, болам, киринг. – Ота уй эшигини очиб, қўли билан ичкарини кўрсатди. – Марҳамат.

“Ҳамма хонадонларни огоҳлантириб чиқишганми дейман.” – Боймирза оёқ тиради:

– Узр ота, биз киролмаймиз...

– Менга қаранг, ўғлим, – деди ота меҳмонларнинг кирмайман деганидан ранжиганини сездирмаслик учун табассум, айни дамда таъкид билан. – Мен сизларни чақирганим йўқ. Ўзларинг эшик қоқиб келдиларинг, шундайми?

– Тўғри... – “Келганимиз ёқмади шекилли,” – ўйлади Боймирза.

– Агар мен чақирганимда, менинг меҳмоним бўлардингиз. Сизни Худо шу ерга етаклаб келди. Демак, Худонинг меҳмонисиз. Меҳмон – атои Худо. Мен сиз-



ларни эшиқдан қайтарсам, Худонинг олдида нима деган одам бўламан? Ичкарига киринглар.

Бу сўзлардан кейин кирмай илож қолмади. Боймирза унинг рангига қараб турган ҳамроҳларига имлаб, оёқ кийимини еча бошлади.

– Раҳмат сизларга, – деди ота дуо ўқилгач. Келини шекилли, қорамағиз жувон шошиб дастурхон тузай бошлади. – Худонинг меҳмони файз олиб келар экан. Уйимга файз кирди. Раис, чойни сен қуяқол.

– Овора бўлишмасин ота, биз кўп ўтирмаймиз. – деди Боймирза бири қўйиб бири қанд-курс, сариқмою-қаймоқ, майиз-у ёнғоқ қўйиб кетаётган болаларга ишора қилиб.

– Майли, кўп ўтирмасаларинг ҳам. Лекин, насибаларингни олинглар. – Ота дуо ўқилибоқ ушатишган нонларни меҳмоннинг яқинига сурди.

Боймирза қайноқ чой билан нонни қаймоққа ботириб еб олгач, ён дафтари олиб, отанинг исм-фамилиясини ёзиб олди.

– Энди, ота, хизматчилик. Қайси хонадонларда бўлганимизни қайд қилишимиз керак. Энамни исми нима, уни ҳам ёзиб қўяй?

Ота кулиб қўйди.

– Ҳозир, ўзини чақираман, айтади.

Лекин, меҳмонларга таом пиширишга бош-қош бўлаётган эна ҳадеганда киравермади. Ён дафтари очиб, уни кутиб ўтирган Боймирза яна отани қистай бошлади.

– Ўзингиз айтаверинг, шундоқ, исмларини ёзиб қўйсам бўлди.

– Ўзи кеб қолар...

– Айтаверинг, ота.

– Дафтарингизни беринг, ёзиб берақолай. – Ота Боймирзанинг ён дафтарига “Ойпарча”, деб ёзди.

– Э, ота, Ойпарча дегани энг чиройли исм-ку! – кулди Боймирза ёзувни ўқиб. – Шуни айтишга уялдингизми?

– Ундай эмас. Бизда эр-хотин бир-бирини исмини айтиб чақирмайди. Хурматсизлик бўлади бу.

– И-е, нима деб чақирасизлар бўлмаса? Чол, кампир, дебми?

– Шундай деб ҳам. Ёки болаларимизнинг оти билан.

Боймирза бор-будини тўкиб меҳмон қилгач, кўчагача кузатиб чиққан ота ва унинг ўғиллари билан хайрлашаркан, кўнглидаги бор ғубори тарқаб кетгандай бўлди гўё. Бир умр уни кутиб ўтиргандай кутиб олишди-я! Қўйил! Боймирза беихтиёр, кечаги кунни эслади. Абдували ҳам Худонинг меҳмони бўлган экан-да! У эса аҳмоқ хотинига қўшилиб, меҳмонни ҳайдамаса ҳам, мундайроқ қилди. Нима, шу битта одам тўласини яримлатармиди? Яна, хотини, қуруқ келибди, деб Абдувалининг кўлига қараганичи! Манави отаникига ҳам уч бирдай одам қуруқ кириб боришди-ку!

Кеча заррагина сезилмаган хижолатлик туйғуси бугун кўнглини ғимирлатиб ўтди.

Бу ердаги хонадонлар шаҳардаги каби ёнма-ён жойлашмаган. Бир ховлига иккинчисининг боғидан ҳам ўтиб кетавериш мумкин. Боймирза ҳамроҳларини эргаштирганча, девори лойсувоқ, дарвоза ҳам ўрнатилмаган хонадонларнинг бирига кириб борди. Ҳовлига кириб, овоз беришди.

30-35 ёшлар чамаси бир йигит кўлини кўксига қўйганча, пешвоз чиқиб келди.

– Ассалому алайкум. Келинлар, меҳмонлар!

Боймирзани бу йигит ҳам ичкарига киринг, дея қисталанг қилди. Лекин, Боймирза узр сўраб, туриб олди. Ҳар бир хонадонга кириб меҳмон бўлаверса, ишни қачон қилади? Ундан ташқари, бу йигит ўзи юпунгина яшайди шекилли.

Йигит ноилож кўнгандай бўлди-ю, орқасидан чиқиб келган хотинига секин имо қилди. Аёл бир пасда қуруқ дастурхон устида иккита зоғорами ўзиям, қорагина нон кўтариб чиқди ва олийнасаб меҳмонларга узатгандай, Боймирза томон тутди.

– Уйга кирмадингиз. Ҳеч бўлмаса насиба олинг! – йигит мулозамат қилмади, жудаям самимий айтди бу гапни.

Боймирза бир муддат йигитга ҳайрат билан тикилиб қолди. Эҳтимол, шу зоғора нондан бошқа ҳеч вақоси, ёки, Боймирзаникидақа бодом-писта, килоси фалон сўм турадиган тансиқ конфетлари йўқдир бу йигитнинг. Лекин унда Боймирзада йўқ, унинг қиммат бодом-писта-ю, ҳашаматли уйдан ҳам зиёда нарса бор эди. Нима эди шу нарса? Самимийлик, беғуборликми? Хушфеълликми? Балки, меҳмоннавозликдир бу? Йўқ, оддийгина, ўзбекчилик бор эди бу йигитда! Ота-боболардан мерос қадриятларга садоқат бор эди унда!

Боймирза нондан бир бўлак синдириб еди. Нақадар тотли эди бу нон! Унга хонадонидан туз тотгани учун миннатдорчилик билан тикилиб турган йигитнинг табассуми-чи! Бундай туз ичган жойга қирқ кун эмас, қирқ йил салом берсанг арзийди!

– Раҳмат! Барака топинг!

Боймирза чўнтагидан телефонини олиб четга чиқди. Аниқроғи, четга чиқиш учун телефонини олди. Ҳамроҳлари унга халал бермаслик учун бериди қолдилар.

“Шаҳарда яшасам нима бўлди? Мен ҳам кишлоқда туғилган эдим-ку! Шаҳарда туғилганимда-чи? Нега минг йиллардан бери ажодлардан келаётган урфларимизни унутдим? Унутдим эмас, хиёнат қилдим! Нега? Одамларни суймай қўйдимми? Йўқ, уларни суяман. Айниқса ишим тушадиганларни. Эсимда, ёшлигимда онам меҳмонни шундай кутиб олардилар. Худди мана бу йигитнинг хотинидай. Меҳмон бўлгани учунмас, одамни одам бўлгани учун эъзозлардилар. Чунки, бу дунёда ҳаммамиз ҳам меҳмонмиз. Ота-онам-ку, менга бу қадриятни қолдирган эдилар. Мен боламга нима қолдиряпман?”

– Алло, – деди у хотинининг саломига алик олгач. – Кечаги ҳамқишлоғим, Абдувалининг телефон рақами йўқмикан дафтарда, қараб кўр-чи!

– Эрталаб, сиз кетганингиздан кейин келишувди, анави Абдукарим дегани билан.

– Нима? Келишувди? – Бир нима топгандай бўлди Боймирза. – Яхшилаб меҳмон қилдингми?

– Нега меҳмон қиламан? Иннайкейин... ўзлари ҳам шошиб туришган экан. Бир килодай сариқмой, бир халта ёнғоқ ташлаб кетишди.

– Ҳеч бўлмаса, халтасини қуруқ қайтармагандирсан! – Асабийлашди Боймирза. Аслида хотини меҳмонларни қуруқ қайтарганини яхши биларди. Чунки, биринчи марта эмас эди бу. Ўзи ҳам шундай қилган бўларди.

– Сизга нима бўлди? Керакли одамлар эканми улар?

– Аҳмоқ! Аслида сен билан мен кераксизмиз! Ҳе... одам бўлмай ўл... – Боймирза телефонни ўчирар экан, ғудраниб қўшиб қўйди: – Мен ҳам ўлай... одам бўлмай!

## ДАДА

Оҳангдор ҳуштак овози – тонгнинг илк даракчи-си эди. Йўқ, уни ташқаридан ҳеч ким чалмади. Телефон дарак берди шу овоз билан. Кимдандир телефон кўнгироси эмас, ҳақиқатан ҳам дарак – СМС хабар келганди. Кеча, уйкуга ётишдан олдинги каби. Йўқ, ҳар кеча уйкуга ётишдан олдинги каби. Ҳар тонгдаги каби...

Солиҳа кўзини очар-очмас, кўли билан пайпаслаб телефонини топди. Ҳақиқатан ҳали кўзларини очиб улгурмасдан лабига табассум инди. Тонгги биринчи табассуми. Ҳар тонгдаги табассуми каби...

Пирпиратиб очиш ҳалиям уйқуираб турган кўзларига малол келди, лекин бу Солиҳага малол келмади. У муштоқлик билан, гарчи ҳар тонг уни шу хабар уйғотса ҳам, муштоқлик билан пичирлаб ўқий бошлади:

“Уйғонинг, азизам! Қуёш деразангизни тақиллатяпти. Аслида тақиллатаётган у эмас, мен! Нур юзингизни силаяптими? У ҳам – мен...”

Солиҳа ростдан ҳам у тургани каби, тонг ёруғини ҳовучлаб тутаятган деразага қараб қўйди, нур силаётган юзига кафтини қўйди. Ширин энтиқиб қўйди:

“Мунча ҳам яхшисиз! – хаёллари ҳам сармаст эди унинг. – Мен энг бахтли одамман! Чунки дунёдаги энг яхши одам мени севади. Мен ҳам...”

Ҳар галгидек, бу эътирофини хабарга жавоб тариқасида йўлламоқчи бўлди. Ҳар галгидек йўлламади. Чунки, Санжарга бўлган меҳру ишончини ифодалаш учун бу сўзлар камлик қилади. Ҳозир унинг Санжар хайрли тун тилагач, алламаҳалгача ширин орзулар ва хаёллар қучоғида бўлиб, уйкуга тўймаган кўзларида шундай бахт бор эдики! Яна, чексиз меҳр ҳам бор. Шунингдек, ҳеч тугамайдиган соғинч ҳам...

– Кўзларингизни ўқияпман, – деган эди бир куни Санжар унинг ўша тобда ҳам бахт жилвалари милтираб турган нигоҳларига боқиб. Ҳа, Санжар нигоҳларни ўқий билади. У Солиҳанинг кайфиятини, дилидагиларни ҳам ҳали у гапирмасданоқ, кўзларига боқиб сезиб олади. Шунинг учун ҳар гал учрашганларида, хоҳи ҳам, хоҳи шодлик билан бўлса-да, мастона боққан сотқин кўзларига бир муддат қараб туради унинг. Агар ҳозир ҳам Солиҳанинг кўзларига боққанда борми! Қизиқ, қандай ўқий оларкан у кўзларни? Ҳуқуқшунос бўлгани учунми? Санжар ўтган йили институтнинг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаб, шаҳардаги нуфузли идоралардан бирида нуфузли одамларга шогирдликка тушиб иш ўрганияпти. Узининг айтишича, ҳали унга буйруқ чиқмади. У ерга ишга киришининг ҳам ўзи бўлмас экан. Яна нималардир деганди у иши ҳақида. Хуллас, Санжар яхши шогирддан яхши ходимга айланиб, Солиҳа иккалаларининг бахтли келажаги учун пойдевор қўймоқчи. Солиҳанинг институтни тамомлашига олти ой бор. Солиҳа охири имтиҳонини топширган куни Санжарнинг совчилари эшигини тақиллатишаркан. Аслида Солиҳанинг эшигини аллақачонлардан бери совчилар тақиллатиб келишади. Буғдойранг юзига зулукдай қора қош-у, киприклари, кичиккина қирра бурни остидаги чиройли лаблари ярашиб турадиган бу қизнинг ошиқлари кўп. Зиёли оиланинг тарбияли қизи сифатида ҳам келин қилиш ниятидагилар кам эмас. Лекин уларнинг

ҳаммасидан мана шу барваста, қийғоч қошлари остида қийиқ кўзлари порлаб турадиган йигит устун келди...

Солиҳа ширин энтиқиб қўйди-да, ўрнидан турди.

Юзини юваётиб, кўнглида аллақандай ғашлик туйди. Нега бундай бўляпти экан, ўйлади у. Ҳа-я, айтгандай, кечаси ғалати тушлар кўрган эди у. Санжарнинг СМСи бутунлай чалғитворибди уни. Дадасига келган хизмат машинасининг овози юрагини ғаш қилаётган ўша тушни эслатди унга.

Айқириб оқаятган соймиди, ё каттакон ариқмиди, э-ҳа, сел оқиб келаятган бўлса керак. Чунки, сув лойқа, бундан ташқари гувиллаганча, хас-хашак, чангу тўзон, яна нималарнидир лопиллатиб оқизиб келарди. Сувнинг вазоҳати ёмон эди. Солиҳа дадасининг шу сувга қачон тушиб кетганини англолмай қолди. Дадаси тўлқинлар билан олишиб, қирғоққа чиқишга уринар, аммо сув ўпириб кетган қирғоқларга яқинлашиб ҳам бўлмаётганди. Солиҳа дод солиб қирғоқ бўйлаб югурар, одамларни ёрдамга чорлаганча, сув бурамлари орасида боши бир кўришиб, бир кўринмай оқиб бораётган дадасига қўл узатмоқчи бўларди. Лекин дадаси унинг кўлларида узоқда эди. Ниҳоят, қандайдир кўприк остида ёғочми, ё бошқа тўсинми, ҳар ҳолда ниманидир ушлаб олди дадаси. Солиҳа хайрият, дея кўприк томон югурди. Лекин гумбурлаб келаятган оқим кўприкка урилди ва кўприк иккига бўлиниб, дадаси яна сувга тушиб кетди.

Солиҳа зўр бериб тушнинг якунини эслашга ҳаракат қилди. Дадаси сувдан чиқолдимикан? Солиҳа унинг ўтлар, яна қандайдир бута шохларига тирмашганча қирғоққа чиқишга уринаётганини эслади. Юзини артиб, дадасининг ёнига чиқди.

– Ассалому алайкум, дада! Яхши ётиб турдингизми?

Лекин Солиҳага дадаси яхши ухламагандай туюлди. Чунки қовоқлари салқиб турарди унинг. Елкасига костюмини илганча, хотини ҳозирлаган туфлисини кияркан, қизига юзланди.

– Ваалайкум ассалом.

– Мунча барвақт кетяпсиз, дада?

– Ишлар чиқиб қолди, қизим. Ўқишинг яхши кетяптими?

– Ҳа, биринчи семестр бошланди.

– Имтиҳонларга яхши тайёргарлик кўргин.

– Яхши бўляпти, дада.

– Биласан-а, домлаларинг сенга менинг ҳурматим учун баҳо қўйишларини истамайман. Ўзинг ўқиб, ол баҳоларингни. Ҳаёт имтиҳонлари ҳам шундан бошланади ўзи.

Дадаси шошиб чиқиб кетди. Солиҳа унга кўрган тушини айтолмади. Онасига ҳам. Ёмон тушни сувга айтиш керак, деб эшитганди. У яна ювиниш хонасига қайтиб кириб кетди.

\*\*\*

Дадаси айтгандай, Солиҳа имтиҳонларга яхши тайёргарлик кўрди. Яхши ўқиди. Яхши меҳнат қилди. Дадаси доим таъкидлайди бу гапни:

– Мен оддий деҳқоннинг боласиман. Менинг зарим ҳам, зўрим ҳам бўлмаган. Мен нимага эриш-

ган бўлсам, фақатгина ўз билимим, меҳнатим билан эришганман. Сизлар ҳам яхши ўқинглар. Ўқиш ҳам меҳнат.

Солиҳанинг дадаси катта лавозимлардан бирида ишлайди. Ҳурмати баланд. Солиҳа институтда ҳам, кўча-кўйда ҳам, ёр-у дўстлар орасида ҳам дадаси ҳақида яхши гапларни жуда кўп эшитади. Бу гапларни эшитиш шундай ёқимлики! Солиҳанинг қалбини ғурур ва фахр ҳисси тўлдиради шундай пайтларда. Санжар ҳам унинг дадасини жуда ҳурмат қилади.

– Дадангиз ақлли инсон, – дейди у. – Ақлли дадаларнинг қизлари ҳам оқила бўлишади. Оқила қизлар эса оқила хотин бўладилар. Оқила хотинларнинг эрлари ҳаётда энг бахтли одамлар санашади ўзларини. Сизга уйланиб, мен ҳам энг бахтли одам бўламан...

Санжарнинг гапларини эслаб Солиҳанинг кўнгли ёришгандай бўлди, лекин кўнгил тубидаги аллақандай хиралик унинг ҳар қандай севинчига соя солиб тураверарди.

Солиҳа отасини жуда яхши кўради. Аслида отасини ёмон кўрадиган одамнинг ўзи бўлмайди. Аммо, отасига ҳаммадан ҳам бошқача меҳр кўйгандай туюлади Солиҳанинг ўзига. Онасини ҳам албатта, ҳамма яхши кўради ва бу меҳрни биринчи даражага кўйишади. Лекин, Солиҳа онасини ҳам жуда қадрлаган ҳолда, кимни кўпроқ яхши кўрасан, деб сўрашса, дадамни, деб жавоб берган бўларди. Унинг феъл-атвори ҳам кўпроқ дадасига ўхшайди. Қайсар, ушлаган жойидан узади. Бунинг устига ҳаракатчан. Ўзи истаган нарсасига эришмагунча тинчмайди. “Шу қизим бошқача-да”, – дейди дадаси ҳам. Гарчи, дадаси истамаса ҳам, одамларнинг Солиҳага бўлган муносабатларида ҳар қадамда дадасининг ҳурмати сезилиб туради.

– Сиз фалончининг қизимисиз? – Тасдиқни олишгач, Солиҳага эшиклар ўз-ўзидан очилиб кетгандай бўлади гўё. Тўғри, дадаси ҳеч кимга айтмайди, қизимга қаранглар, деб. Лекин дадасининг ҳурмати...

Бугун ҳам Солиҳа қишки имтиҳонлардан бири яхши топширди. Дадасини ҳурмат қилишса ҳам, Солиҳанинг аниқ ва мукаммал жавоблари учун кўйишди баҳони унга. Солиҳа хурсанд чиқаркан, бир-иккита курсдошларининг унга ғалати қараш қилишганини, савол назари билан қараган Солиҳадан кўзларини олиб қочиб, ўзаро шивирлаб қолишганини сезди.

– Солиҳа, хафа бўлганингни сездирмасликка ҳаракат қиляпсан-а? Тўғри қиласан. Дўсту душманнинг олдида шундай юр. – Биринчи дугонасининг гапини тушунмади Солиҳа.

– Хафа бўлма. – Иккинчи дугонасининг гапи ўлганнинг устига тепган бўлди. – Дадамдан эшитдим. Бўлиб туради-да шунақаси. Даданг яхши одамлар-ку, хали оқланиб кетадилар.

Бир неча кундан бери, айниқса бугун эрталаб дадаси ташвишли кўринганди. Кейинги кунларда хонасидан деярли чиқмай кўйганди. Кеча Солиҳа унга чой олиб кирганида, негадир дадасининг юзи қорайиб кетгандай туюлди унга. Чойни кўйиб чиқиб кетаётганда эса, дадасининг чуқур уф тортганини эшитди. Дадаси шунақа, камгап одам. Ичидагини ҳаммага билдиравермайди. Эрталаб костюмининг тугмасини солаётганда ҳам эътибор қилди у дадасига. Бемалол солиняпти. Илгари тирсиллаб турарди. Дадаси озбиди шекилли.

Тунов кунги тушини эслаб Солиҳанинг ичидаги ғашлик яна бўй кўтарди. Тинчликмикан ишқилиб? Солиҳа дугоналарига ҳеч нарсга демай, аудиториядан чиқиб кетди.

У уйга келибоқ, дадасининг хонасига ўзини урди. Тақиллатмаёқ, эшикни очди. Хайрият, дадаси ўтирган экан! Дугоналари пичир-пичир қилишгандай, уни қаммаб кўйишмабди! Солиҳа хонага разм солди. Бир-иккита ошиқча сувенирлар, расмлар пайдо бўлибди. Стол усти ҳам китоблар ва аллақандай қоғоз жилдларга тўлиб кетибди. Дадасининг ҳафсаласи бўлмаган шекилли, улар тахлаб ҳам кўйилмаган. Солиҳа уларни таниди. Дадасининг кабинетига кўрганди уларни. Демак, уни ишдан бўшатишибди. Бўшатишса бўшатишар, муҳими, одамлар айтганидай, қамашмабди-ку! Солиҳа индамайгина, мунғайиб ўтирган бўлса-да, кўзидаги мунгни яшириб, қизини жилмайиб қарши олган дадасининг ёнига келди ва энгашиб, унинг бўйнидан қучди. – Дадажон, сизни яхши кўраман!

\*\*\*

Икки ойдан ўтдики, Солиҳаларнинг уйда аллақандай нохуш кайфият ҳукмрон. Энди эрталаблари дадасини олиб кетиш учун машина келмаяпти. Дадаси гоҳ-гоҳида аллақарларга бориб келишини айтмаса, деярли хонасидан чиқмайди. Иши юзасидан болалари олдида ҳеч нарсани гапирмайди. Эҳтимол онаси билан бу ҳақда гаплашишар, лекин Солиҳа эшитмаган. Бир куни Солиҳа дадасининг ким биландир гаплашаётганини, жумладан, тўхмат, гувоҳ, тергов деган сўзларни эшитиб қолди ва суҳбат мазмунидан суҳбатдошнинг адвокат эканини ҳам билиб олди.

Солиҳанинг юраги орқасига тортиб кетди. У дадасидан, нима гап ўзи, деб сўрашга ботинолмади. Наҳотки, миш-мишлар рост бўлса, ўйлади у. Дадасининг нопок ишларга қўл урмаслигига ишонарди. Кўнглини алам ўртай бошлади, сиқилиб кетди. Дардини ким биландир бўлишгиси келди. Солиҳа Санжарни жудаям соғинганди. Бир ойдан ошди уни кўрмаганига. Қандайдир муҳим топшириқ билан хизмат сафарига кетибди. Кейинги пайтларда кўнғироқларга ҳам жавоб бермаётган, хабар ҳам жўнатмай кўйганди. Солиҳа ҳар тонг телефонига қараб бир хўрсиниб кўяр, гоҳ мўъжиза кутгандай телефонига термулиб ўтирар, Санжарнинг эски СМС хабарларини қайта-қайта ўқиркан, кўнгли соғинчдан ўртаниб кетарди...

“Махфий хизмат бўлса керак, – ўйлади у бир куни. – Бўлмаса, ҳеч йўқса мени хотиржам қилиш учун хабар жўнатарди.”

Солиҳа ортиқ чидолмади. Санжар билан бундан икки ҳафта олдин, ўшанда ҳам Солиҳа бегона рақамдан кўнғироқ қилганида гаплашганларида, ишларим битсин, ўзим кўнғироқ қиламан, деган эди. Солиҳа унинг рақамини бир-бир босиб тера бошлади. Чақирувлар овози ҳозир тўхтаб қолаётгандай, юраги ўйнаб турарди унинг. Қизик, нима гап экан ўзи? Нега яна телефонни кўтармади? Соғ ва тинчмикан ишқилиб? Солиҳанинг кўнгил ғашлиги бадтар ортди. Хабар ёза бошлади:

“Соғ-омонмисиз? Хавотир оляпман. Менга ҳозир жуда ҳам керакисиз! Илтимос, имконини топиб, кўнғироқ қилинг”...

Ва ниҳоят кўнғироқ бўлди! Санжарнинг рақамини кўриб Солиҳа орзиқиб кетди.



– Санжар ака! Шунақаям бўладими одам?! Соғиниб кетдим ахир! – Солиҳа бу гапни қандай айтиб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

– Солиҳа, узр, хизмат сафарим чўзиладиган бўляпти. Ишимни ҳам шу ёққа оламан шекилли. Сиз билан ҳозирча гаплашолмайман.

– Нега гаплашолмайсиз?

– Ишим шунақа...

– У қанақа иш ўзи, севган қизи билан гаплашишни маън қиладиган?

– Солиҳа, буни айтолмайман. Узр, мени чақришяпти.

Дуд... дуд... дуд...

Солиҳа телефонни қулоғига тутганча қотиб қолди. Назарида ҳозир атрофида ҳамма нарса чирпирак бўлиб айланаётган, сал қимирласа, бу қуюн уни ютиб юборадигандай карахт эди у. У билан гаплашган Санжармиди ўзи?

Солиҳа уйдан чиқиб бораркан, бекатга етгунига қадар Санжарнинг ҳар бир сўзини тахлил қилар, ёнидан ким ёки нима ўтиб бораётганини ҳам кўрмас, қулоғида фақат Санжарнинг овози эди.

“Эҳтимол, ростдан ҳам муҳим вазифадир, – қиз ўзига-ўзи таскин берар эди. – Махфий хизмат шунақа бўлса керак-да. Қизиқ, илгари иши махфий эмас эди-ку. Эҳтимол хизмат вазифаси телефонда шундай қуруқ ва совуқ гаплашишни тақазо қилар. Қизиқ, қайси шаҳарда экан ўзи? Бу ердан узоқдаман, деганди.”

Солиҳа бекатда анча туриб қолди. Транспорт йўқлигидан эмас, хаёл суриб қолганди у. Қайсидир ўтаётган машина сигналнинг баланд овози Солиҳани уйғотиб юборди гўё. Йўлга яқинроқ чиқиб, дуч келган машинага қўлини кўтармоқчи бўлди. Шу пайт... Солиҳанинг тиззаларида мажол қолмади. У нафақат қотиб қолди, балки бақрайганча қараб қолган кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди: ҳозиргина ёнидан ўтиб кетган машинада бир ойдан бери, шунингдек, боягина ҳам бошқа шаҳардаман, деган Санжар ўтирганди!

\* \* \*

– Нимага йиғлайсан, қизим? – кечқурун чўккалаганча, дадасининг тиззасига бошини қўйиб, елкалари хўрсиниқдан силкиниб тушаётган Солиҳанинг бошини силади у.

Солиҳа анча пайт шундай ўтирди. Дадаси ҳам уни овутадиган бошқа сўз тополмади. Ниҳоят Солиҳа бошини кўтариб, қизарган кўзлари билан дадасига мўлтираб боқди.

– Одамлар нега бунақа хиёнаткор, бунақа риёкор бўладилар, дада?

Дадаси унинг кўзларига тикилиб қолди.

– Ҳали ҳаммаси яхши бўлади, – дея олди холос. Чунки, у кўз ёшларини кўрсатмаслиги, овози ҳам титрамаслиги керак эди.

\* \* \*

Дадаси ҳақ экан. Яхшиямки, Солиҳа яхши ўқиб, дадаси айтгандай, яхши меҳнат қилган экан. Институтда оралиқ назорат, реферат, курс иши деганлари бор. Диплом ишини ёзиш анчайин машаққат ҳисобланади талабалар учун. Давлат имтиҳонини-ку, айтмаса ҳам бўлади. Кўпчилик диплом ишини ёзиб бе-

радиганларни излаб қолишади. Солиҳа эса ўзи ўқиди, ўзи ёзди. Дадасининг ҳурмати сезилмаётгандай эди унга. Энди домлалар ундан кўпроқ сўраб, кўпроқ талаб қилишаётгандай туюларди. Майли, қайтага шуниси яхши. Билими мукамалроқ бўлади. Тинимсиз ўқигани битириш имтиҳонларини топшираётганда натижасини кўрсатди. У бугун охириги имтиҳонни аълога топширди.

Аслида бу шодиёна эди. Солиҳа уйга қайтаётиб, дадасига бу хабарни айтиб, унинг анчадан бери хуфтон бўлиб юрган дилини бир оз бўлса-да ёритиш ҳақида ўйлаб борарди. Шунингдек, унинг хаёлидан яна бир ўй кетмаётганди: бугун унинг уйига Санжарнинг совчилари келиши керак эди... Санжар шундай ваъда берганди унга. Лекин, олти ойки, ундан дарак бўлмади. Чунки, олти ойки, дадасининг иши ... Солиҳа томоғига тошдай тиқилган нарсани ютишга ҳаракат қилди. У дадасининг олдига кўзлари қулиб кириб бориши керак.

Ҳар қуни томорқада ишлаб ўзини овутадиغان дадаси негадир кўринмади. Солиҳа унинг хонасига кирди. Дадаси у ерда ҳам йўқ эди.

– Ая, дадам қаердалар? – сўради у ошхона томонга бўйинини чўзиб.

– Эрталаб чиқиб кетганлари бўйи, ҳали келмадилар. Имтиҳонинг нима бўлди?

Солиҳа онасига имтиҳон таассуротларини сўзлаб бергач, дадасининг қўл телефонига қўнғироқ қилди. Ўчиқ экан. Она-болалар дадасини кечасигача кутишди. Онаси хавотирлана бошлади. Солиҳа ҳам. Имтиҳонларга тайёрланиш жараёнидаги бир неча кунги уйқусизлик ўз кучини кўрсатди. Солиҳа дадасини кутукта ухлаб қолди.

\* \* \*

Эрталаб машинанинг таниш овозидан Солиҳа чўчиб уйғонди. “Уйғондимми, ёки туш кўраяпманми?” – даставвал унинг хаёлига келгани шу бўлди. Юз-қўлини ювиб ташқарига чиқди. Дадаси анча кенгайиб қолган костюмини кийиб, ўзи ёқтирган галстугини таққанча дарвоза олдида турарди. Унинг чеҳраси тонгдай нурафшон, дарвоза эса ланг очиқ, у ерда... ўша таниш... дадасининг хизмат машинаси турарди...

Солиҳа анграйиб қолди.

– Ҳаммаси яхши бўлади, дегандим-ку, қизим! – жилмайганча, машинанинг орқа ўриндиғига ўтираркан, дадаси қўшиб қўйди: – Аянгдан эшитдим. Баракалла қизим, табриклайман.

– Ишингизга... қайта тиклашдимми? – ишониб-ишонмай айтди Солиҳа бу гапни.

– Йўқ. Ундан ҳам баландроғига ўтказишди.

Машина юриб кетгандан сўнг ҳам дадасининг ортидан ҳаяжон билан қараб қолган Солиҳанинг ширин хаёлини телефонидаги янги хабар келганидан дарак берадиган ўша, анчадан бери чалинмаган оҳангдор хўштак овози бўлди. Солиҳа хабарни очди:

“Азизам, уйғондингизми...”

Солиҳа хабарнинг қолганини ўқимади. Телефоннинг “ўчириш” деган тугмасини босаркан, коллежга отланаётган укасига деди:

– Латифжон, бугун қайтишингда менга бошқа сим карта олиб келгин.



## Сувнинг ҳаводаги дастхати

### Галина КЛИМОВА

1947 йилда Москва шаҳрида туғилган. 1972 йилда Москва Давлат педагогика институти география-биология факультетини, 1990 йили Максим Горький номидаги Адабиёт институти қошидаги Олий Адабиёт курсини тамомлаган. Шеърлари серб, болгар, поляк, чех, арман, хитой, голланд тилларига таржима қилинган. Москва Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. “Дружба народов” журналы поэзия бўлими мудири. “Йўқлаб олинган мактуб”, “Кўчирма гап”, “Ҳавонинг дастхати”, “Шимол-жануб” китоблари чоп этилган.

\* \* \*

Аёнки, эртага сўз  
Харобадан ҳамда қишки кулбадан  
Ичкаридан, ковакдан, масъум бурчакдан,  
Феъл, богловчи, кўмакчилардан  
Юз ўгириб чиқиб келади.

Хиёбондаги болалар каби гала-гала  
бўлиб чиқар қирғоққа,  
Заб-зийнатсиз, ортиқча кўз ёки сўзсиз  
Музиқий шар дея билар дунёни

Сувнинг ҳаводаги мавҳум дастхати:  
гоҳ метин, гоҳ тубсиз –  
Момоқалдиروққача, кўз ёшгача,  
шабнам лабигача то  
Муҳаббат ва ўлим муҳри босилган.

\* \* \*

Бу мен кетганим йўқ,  
Сен кетмагансан.  
Ўтирибсан метин оромкурсида  
Парашиютнинг елпигичли ипак қаноти  
Майин кун учун.

Бу – куз

Унут бўлиб кетган тилла сўз.

Йўқолган қоғозлар, йиллик тахламлар.

Бу сен парвозсизсан,

Бу мен – сал-пал тирикроқ

Остонада қиш бор –

Мукаммал хато.

### Майра АСАРЕ

Шоир, ёзувчи, таржимон. 1960 йилда Латвияда туғилган. Муаллифнинг “Кимдир какку билан ўйнар у ёқда”, “Ханзанинг совуқ алангаси”, “Туюга йўл” шеър китоблари ва “Аёллар ғурбатхонаси” романи чоп этилган. Халқаро Ёзувчилар уйининг “Кумуш сиёҳдон” мукофоти совриндори.

### СУЗИШ

Сувнинг ўзани  
тери, мушак, қон оқимининг чўчиб тушиши  
титрар ва эслайди, теран ва ёрқин  
нимани уҳдалар инсон хотири  
тери, мускул ва қон оқимида  
сувўти, қуш ва балиқларнинг ёди гапирар.  
Совуқ ҳаво бош суягимда – музхона  
Ҳовучида жоним иплари.  
Узуқ-узуқ бошқа боғламлар –  
сувда парвоз этар ярқироқ тана  
мавжланган сувўти, сувнинг ўқ чизигидай.  
Яна қайтиши учун  
согинчсиз, гуссасиз –  
марҳаматли зотнинг жаннатдан қувилган  
онлари  
сари

\* \* \*

Ёмгир ёгаётганда  
товушини авайлаб силаб  
осмон ҳақидаги хабарни эшитдик  
уй, болалик, атрофдаги нарсалар  
                                ҳақда шоҳидлик  
қачондир ёд олинган яқинларга  
                                аталган севги  
яқинмиз жуда ҳам  
кафтимизни кўкка қаратиб  
бадандаги чизиқлар бўйлаб  
йўқолмай-нетмай  
биздан чуқурроқда  
йўл ости чорраҳаси ёришиб кетар  
юлдузлар монанд ёнида илдизлари бор,  
думли юлдуз каби яратиб йўлин  
ернинг ранг-баранг чуқурлиги томон  
сувнинг шовуллаши  
суяклар ва марҳумларнинг зийнати  
сим қоқар – яқинларингни сев ўзингдай  
ҳали ёмгир ёгаётганда  
тотдик  
севги тотини  
буткул

## **Елена Шуваева- ПЕТРОСЯН**

1978 йилда Россиянинг Волгоград вилоятида туғилган. Ереванда Лазарян номидаги Халқаро алоқалар институтини тамомлаган. Россия ҳамда Арманистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Бир қанча халқаро мукофотлар соҳибаси. 2001 йилдан буён Ереванда яшайди.

### **ЁҚАЛАБ**

Осмон қирғогидан денгиз қирғогигача,  
Бахт соҳилидан қайғу соҳили сари,  
Ёғду ёқасидан зулмат ёқалаб...  
Тўсиқ, қанотларни иргитиб  
Ёпинчиқ бўлмаган кийимлар –  
Тўлқинларнинг ингроқ огуши...  
Оқяпман, денгиздаги пайраҳа каби,  
Унутганча жароҳатларни,  
Қалбим маёқ томон елади.  
Дунё тутилиши чулғар оламни

Лаҳзада майдаланган кўз ёшлар,  
Куёш шарбатига сингиб кетади.

Туннинг ёқасидан кундуз ёқалаб  
Рухсизлик кўтариб елади мени...

### **ЁҚАЛАБ – 2**

Осмоннинг четидан денгиз четига,  
Бахт қирғогидан қайғу қирғогигача,  
Ёғду ёқасидан зулмат ёқалаб...  
Куёш парчалари қизариб борар,  
Ибтидодан ёришиди йўллар  
Бўм-бўи шовқинларни оралаб.  
Совуқ шамол келтирар гусса...  
Осмоннинг четидан денгиз четига  
Дунё қафасидан қочиб борасан...

## **Татьяна ЗОММЕР**

Россиянинг Челябинск вилоятида туғилган.  
Журналист, шоир, ёзувчи, эссеист, рассом. Москва  
Ёзувчилар уюшмаси, Россия Ёзувчилар уюшмалари  
аъзоси. Бешта шеърый китоби чоп этилган.

\* \* \*

1. Девор бўйлаб очилар  
ёмгирли ойна.  
Аксинг ором олар  
сим каравотда – кўзгуда.  
Мен бўм-бўи хонада  
вақт деворини яратиб  
нафас оляпман сенсиз.

2. Келтирилган гулдасталарда  
сингиб кетган кўзларинг акси.  
Улар барвақт ўрнидан турар,  
новдалар учиди  
ола-кула қилиб қароқларини,  
жуда кеч киради кўрна остига  
девордаги вақтга разм солишига  
куч-мадорим йўқ.  
Кўрмайман  
туяман  
мен улاردан тўйинганимни.

3. Ҳар гал юрагимда ҳалок бўлсанг сен  
бўшаган гулдоннинг сувин тўкаман  
оламнинг совиган нигоҳларига  
сенинг кўзинг билан назар соламан.



1981 йилда Қозоғистоннинг Ақтүба вилоятида туғилган. Москвада бўлиб ўтган “Пиллапоя” конкурси ғолиби. Шеърлари инглиз, француз, арман тилларига таржима қилинган. Бир қанча халқаро фестиваллар иштирокчиси.

\* \* \*

менинг юрагим тахир  
тордир жуда кўкрак қафасим  
шаҳар йўлларида юриб боряпман  
сочиб юборилган дўнглик четлари  
нафас олсам озгина ҳаво  
нафасимни қўйсам сўзлар жўрлиги  
йиртилган чодирга наматдан  
юборилган бегона осмон  
зое кетган шамол шиддати  
кўзларда пайпасланар зиёну захмат  
ёвшанларга чирмашган кўнгли  
жароҳатли дарча эшиги  
ойна орқасида ҳавосиз аср  
тутқунлардан дарз кетиб бўлган

\* \* \*

сузгим келар оқим бўйлаб  
ғижимланган қоғоз қайиқда  
бўм-бўш қирғоқ томон эсиб кетаётган  
шамолни эгингга кийиб кўрмоқ  
ёпиқ шаҳар ёнидан ўтиб  
бир тишланган олма изидан  
елиб ўтмоқ аянчли сасда  
ариққа  
ўзанга  
шеърларга

1981 йилда Белоруссияда туғилган. Белоруссия Давлат педагогика университетининг тарих факультетини тамомлаган. Шеър ва ҳикоялар ёзади.

### ҚОР ТАНОВУЛ ҚИЛДИМ

Қор тановул қилдим тушимда,  
Эриб кетди томиримда у.  
Кўчанинг олифта тузланган қорин,  
Кирчиккан қорни деразадаги.

мандаринтус қорни фонус қошида  
чекка-чеккасидан баланддан пастга  
январнинг қайтадан экилган қорин  
шовқин ҳаракатин ва уловларнинг

қор, оловда қутланган қорни,  
иффатли – ипакнинг ой қирқимлари,  
қор – ерга қўнган учқур бир нигоҳ,  
кимнидир қутган умрбод.

Эриган, қумли, чекиб ташланган  
Киев осмонидан пастга ўрлаган,  
қучоқ очган менга пиллапоядан  
қор тановул қилдим – дарёман мен.

### Рус тилидан Гўзал БЕГИМ таржималари



1974 йилда Хоразм вилоятининг Қўшқўпир туманида туғилган.

Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Бир қанча шеърий тўпламлари, матбуотда қатор таржималари нашр этилган.



Наср  
Наср Наср  
Наср

Холиёр САФАРОВ



## ОҒРИҚ

Ҳикоя

Холиёр  
САФАРОВ



1983 йилда Қашқадарё вилоятининг, Чироқчи туманида туғилган.

Самарқанд давлат университети ўзбек филологияси факультетини тамомлаган.

«Ой ботмаган кечалар» номли китоби чоп этилган.

Баланд бўйли, серсавлат, қирра бурун, қошлари қалин Давлатбек ака тиш оғриғидан бу кеча ҳам юриб чиқди: «Воҳ, худди биров миямда арра юритаётгандек зирқиратади-я?!» Зора босилса, деган илинжда тамаки тутатди, фойдаси бўлмади. Уйга кириб ётса, баттар забтига олгандек туюлади.

Соғнинг дардманд билан нима иши бор – хотини ёнгинасида ётган неварасига алахсийди-ю, унинг елкасига кўрпасини тортиб, яна пишиллаб ухлайди. Гоҳ-гоҳи уйғониб кетиб, «Бунча дардга бечидамсиз-е? Шу зормандани олдириб ташламагунча қутулмайсиз-ов. Тишингизга нос сурканг қани», деб ғудраниб кўяди.

Давлатбек ака ярим кеча улар билан бир ҳовлида яшайдиган катта ўғлини уйғотиб, ундан бир отим нос олди-да, пахтага ўраб, ўша оғриқ тишига босди ҳам. Аммо бекорга оғзи шилимшиқ сувга тўлиб, кўнгли айнигани қолди. Энди тинчирман, деб жойига ётганди, тишдаги зирқироқ етмагандек кўнгли айниб, югуриб ташқарига чиқиб кетди.

– Воҳ, уйинг куйгур, еди-а, мени... – деди тўнғиллаб. – Эртагаёқ суғуртириб ташлайман! Яхшилиқ ёқмайкан, бу тишларгаям.

Давлатбек ака тонгга қадар ҳеч чидолмай неча марта уйга кирди, неча марта ташқари чиқди. Ҳовли айланди, мол-ҳолдан хабар олди. Дарвозани очиб, кўчага ҳам бир қараб кўйди. Ҳаммаёқ сокин. Ҳамма ширин уйқуда. Биргина у икки кўлини чаккасига босганича у ён-бу ён юради. Гоҳ чорпоёда оёқларини осилтириб ўтирганча хаёлга чўмади.

Ёшлигида ҳам бир шунақа тиши оғриганди. Раҳматлик отаси уни эшакка миндириб, «бизди уруғда тиш оғриғи насл суради. Юр, болам, бир иш қиламиз», дея қишлоқ мулласининг уйига олиб борган, бош эгиб ўтирган пайти оппоқ соқоллари тиззасига тегиб турадиган мулла дуо ўқиган кўйи боланинг оғзига қараб, уч марта «суф-суф» қилган, бир парча қоғозчага неларнидир ёзиб берган, сўнг мулла тайинлагандек, то уйга етгунча шу қоғозни оғриқ тишига босиб тишлаб келган, охир-оқибат, оғиз сўлагидан нам бўлиб, ҳилвираб кетган қоғозни ютиб ҳам юборган эди. Не ажабки, ўшанда тиш оғриғи чиндан ҳам босилди. Шуларни эслаб, Давлатбек ака кеча ўғлининг машинасида муллага ҳам бориб келди, аммо натижа бермади. Бу ҳақда кечқурун хотинига – Болқин опага айтганди, аёл кафтини оғзига босиб-босиб кулди.

– Ўлманг-да сиз, оққол. Олдириб ташлаш керак буни, бошқа йўли йўқ.

– Қайси оғриси олдираверсам, оғзимда тиш қоладими?

– Қолган тишларингиз ризқи бутун бўлсин. Тузалмайдиган бўлса, олдирасиз-да, бошқа нима қиласиз?

– Худога шукр, аёллар файласуф бўлган замонгаям етиб кеппиз... – деганди Давлатбек ака жажли чиқиб.

Мана, хуфтондан бери яна шу аҳвол. На уйга сиғади, на ҳовлига. Тонг отишини кутади. Тонгда нажот бор.

Давлатбек ака азонда хотинини уйғотди.

– Бўлди, бошқа чидолмайман, шаҳарга кетдим, занғарни олдириб ташлайман-е! Ўғлингга бериб юборадиган нарсаларинг бўлса, бер, шу баҳонада унияма кўриб келаман.

– Ҳозир...

Болқин опа шоша-пиша ўрнидан турди-да, ошхонага қараб кетди. Йўлда кета-кета сирғалиб қолган рўмолини тўғрилаб, чорпоя ёнида турган офтобадан юз-кўлини ювди. Шипиллаб бир ошхонага, бир уйга кирди, аммо дам ўтмай бозор халтачани тўлдириб, эрининг кўлига тутди.

– Нима бало бу?

– Тайёр шаҳар боряпсиз, ола кетинг. Тўртта нон, чакки, яна ул-бул нарса. Озроқ пул ҳам кўйдим.

– Шу кенжанга жуда меҳрибонсан-да... – Давлатбек ака жилмайиб кўйди. – Ўзим бир аҳволда бўлсам, бунча нарсани қандай олиб кетаман? – деди, кейин бир кўлида халтача, бир кўли билан белбоғ боғланган чаккасини ушлаганча йўлга чиқди.

Давлатбек ака икки йил олдин нафақага чиққан, аммо ҳали тетик. Фарзандларини бирма-бир ўқитиб, учирма қилди. Фақат шу кенжаси қолган. У ҳам ўқишни битириб келса, армони йўқ. Давлатбек ака педагогика институтини тугатиб келгач, ўз қишлоғи

мактабида оддий ўқитувчиликдан мактаб директорлиги лавозимигача ишлади. Раҳбарликдан нафақага чиқди. Энди уйда, аммо беғам ўтиришни истамайди. Ўрганган кўнгил ўртар. Маҳаллага ишга ўтсамми, деб уйлаб қолади. Аммо раҳбар бўлиб, буйруқ қилиб ўрганган одам, «ука»ларининг буйруғини бажаришни истамайди... Улар ўзлари «Келинг, шу маҳаллага бош бўлинг», деб чақиримайди. Аросат. Анчадан бери лойқа ҳовузидан бошқани билмаган тилла балиқчага ўхшаб, аччиқ қилгандек қишлоғидан нарига чиққани ҳам йўқ. Болаларининг ишларини сўраб-суриштириб туради-ю, аралашмайди. Четдан кузатади. Энди ҳамма умиди болаларидан. «Мен қирга чиқдим, улар тоққа чиқиши керак», деб қўяди ўзига-ўзи. Бугун яхши баҳона топилди – ҳам тишини олдиради, ҳам ўғлини кўриб келади.

Давлатбек ака бекатда кўп турмади. Дам ўтмай вилоят марказига борадиган автобус келиб, ёнгинасида «писиллаб» тўхтади. У ўзи касал-у, шаҳарга бораётганидан хурсанд боладек бир сакраб автобусга чиқди. Автобус тўла одам эди, ўрта ёшлардаги бир йигит «Э, домла, ассалому алайкум», деб жой берди. Давлатбек ака йигитни танимади, аммо «раҳмат», деб ўриндиққа жойлашди. Сўнг атрофга назар солди. Биров ўтирган, биров тик. Кимдир тикилган, кимдир ғижинган. Кимнингдир нафасидан кеча ичилган ароқнинг ачимсиқ ҳиди келади. Бир аёл қаерда ўтирганини унутгандек кимгадир кечаги тўй ҳақида гапириб келяпти. Ўртада тик туриб келаётган йигитлар «ғудунг-ғудунг» қилади, қизлар «пишинг-пишинг» қилади. Давлатбек аканинг ёнида ўтирган қиз, талаба шекилли, сипогина, олдида жимитдеккина сумкаси, оёқ тагида бир халтачаси бор. Кўлида уяли телефон, қулоғига қулоқчин тақилган. Гўё ҳеч кимни кўрмайпти, эътибор қилмайпти, аммо бошини сараксарак қилади. Баъзан ўзига-ўзи жилмаяди, «пиқ» этиб кулади. Кейин дарров яна без бўлиб олади.

– Домла, шаҳаргами? – деди бир маҳал боя жой берган йигит.

Давлатбек аканинг хаёли чалғиди.

– Ҳа... – бош ирғади у.

– А, бу Шурикнинг киносидагига ўхшаб, жағни боғлаб опсиз?

– Ай... – Давлатбек ака бошида тик турган йигитга қараб, кўл силкиди. Кейин шу белбоғни ечиб чиқмаганига ҳам хижолат бўлди, аммо сездирмади. – Тоза азоб берди. Олдириб ташлайман-е...

Давлатбек ака автобусдан тушиши билан ўзи билган, олдиндан бор ва номи чиққан шифохоналарга бормади, сабри чидамай шоҳбекат яқинидаги «Стоматология» ёзувли эшикка кирди. Қараса, навбат йўқ. Бир хушрўй аёл врач йигитга тишларини тозалатиб ўтирибди.

– Бошқа одаминг йўқми, улим?

– Йўқ, бобо. Келаверинг. Ҳозир...

Врач Давлатбек акага яқин келиб саломлашди ва нима бўлганини сўради. Тишлари милқини тозалатаётган жувон жағини бесўнақай қилиб боғлаб олган Давлатбек акага қараб кулимсиради, аммо ўзини тийди. Юзини ўгириб, кўл телефонида бир қараб кўйди.



– Манави жағ тишим бир ҳафтадан бери мени адо қилди, – деди Давлатбек ака врачга аранг оғзини очиб кўрсатиб. – Шуни оп ташлагин, болам.

– Бўлди. Тушундим... – врач йигит уни креслога ўтирғизди-да, ўз столига бориб, дори тайёрлади. Иш орасида деди: – А, бу жағ шишиб ҳам кетибди-ку, бобо, қандай юрибсиз?

– А, шу чидолмаганимдан келдим-да!

Аёл пиқ этиб кулиб юборди. Врач йигит унга «Кулманг...» дегандек бир қараб, шприц кўтарганича Давлатбек аканинг олдига келди.

– Қани, оғизни очинг қани. У-ху...

Давлатбек ака энди тишининг оғриётганини ҳам, жағининг қимирлаётганини ҳам сезмай, гапиролмай анча ўтирди. Бу вақт орасида врач аппаратини зувиллатиб, жувоннинг тишлари орасини, милқларини тозалаб бўлди. Сўнг унга жавоб бериб, Давлатбек акани столга чорлади. Аввал роса унинг асабларини қақшатиб, оғриқ тишнинг нерв томирларини «ўлдирди».

– Улим, тишимни суғуриш ўрнига жонимни суғуриб оляпсанми, нима бало?

– Бўлди, бобо, озгина чиданг. Тишингиз ўзи ҳали анча соғлом экан. Суякларни ҳам роса ғажисангиз керак-а? Қани...

– Ҳии... – бош қимирлатди Давлатбек ака. – Ооо! Бу, о...

Стоматолог врач уни гапга авраб-авраб, тишини суғуриб ташлади. Кейин уни кўрсатди.

– Қаранг, роса тамом бўлган-ку?

Давлатбек ака қурт еб, емирилиб-емирилиб, қорайиб, жимитдеккина бўлиб қолган тишига қараб бош чайқади.

– Кўзимдан оловим чиқиб кетди-а?! Лекин энди бир атрофим ёришгандек бўлди. Барака топ, улим!

Давлатбек ака врач айтган пулни бериб, стоматологиядан чиққанида қуёш чошгоҳга келиб қолганди. Қорни ҳам очиққанини сезди, аммо бирор ошхонага кириб овқатланишга кўнгли бўлмади. Врач икки соат иссиқ овқат еманг, совуқ сув ичманг, деган. Ўйланиб туриб, ўғли ўқийдиган университетга борди. У ўғлининг қаерда ва қайси факультетда ўқишини биларди-ю, қаерда яшашини билмасди. «Кўчасини билганим билан уйини тополмайман барибир», деб институтга борди.

Учинчи пара дарслари тугаган, катта танаффус вақти эди. Давлатбек ака бинонинг кириш эшиги олдида туриб, дарсдан чиқаётган талабаларга ҳайрон қараб қолди. Ўғил болалар битта-иккита дафтар, яккам-дуккам китоб кўтарган, кўпида на униси, на буниси бор. Қизларда эса сумка, аммо Давлатбек ака улар олиб юрган сумкага дафтар-китоб қандай сиғишига тушунолмади, айрим қизларнинг кийинишларини кўрганда эса лаб тишлади.

– Ё, тавбангдан кетай! Ҳар замонга бир замон, деб шунга айтсалар керак-да...

Давлатбек ака ҳозир ўғлим ҳам чиқиб қолар, деган умидда эди. Бир маҳал эгнига оқ йўл-йўл кўйлак, кўк жинси шим кийган ўғли қўлида битта бели қайрилган «умумий дафтар» билан эшикдан ғолиб саркардадай чиқиб келди.

– Алмардан?!

Алимардон «ялт» этиб товуш келган томонга қаради, қўл силкиб турган отасини кўрди, сўнг бирдан хушёр тортиб, атрофга боқди. Давлатбек ака ўғли нега бундай қилди тушунмади, аммо оталарга хос салобат ва ғурур билан унга қараб юрди.

– Алмардан?! Ҳа, бўйингдан!..

– Салом алайкум, – ўғил талабалар орасини ёриб ўтиб, йўлақда кир сумка кўтариб турган отаси билан қўл бериб кўришмоқчи эди, Давлатбек ака ўғлини кучоқлаб кўтарди-да, бир айлантириб, яна жойига қўйди.

– Қандайсан, улим?! Яхшимисан?

– Яхши... – ўғил шундай дея отасига бир қур разм солди. – Бу ерларда нима қилиб юрибсиз?

– Ие, боласи ўлсин, тиш оғриғи еб ташлади, – Давлатбек ака оғзини очиб, олдирган тиши ўрнини кўрсатди. – Шуни деб чиқувдим. Олдирдим. Кейин сени бир кўрай деб, бу ёққа келавердим.

Ўғил ҳаракатларидан оғринганини сездириб қўйди.

– А, эртага шанба эди. Ўзим ҳам борардим.

– Ҳа, борсанг, борарсан. Ўзинг яхшими? – ота ўғлига бошдан оёқ разм солди. – Дарслар тугадими?

– Йўқ. Яна бир пара бор. Квартирага борамизми?

– Майли. Қаерда туришингни ҳам бир кўриб кетай.

– Ҳайданг.

Улар факультет биноси ёнидан ўтиб, орқа томондаги маҳаллага кетишди. Йўлда бир қиз Алимардонни тўхтатиб, сўради:

– Тўртинчи пара бўларканми, йўқми?

– Билмайман. Бўлса керак.

– Ҳа, майли...

Қиз шундай дея йўлида давом этди. Ота эса ўғлидан сўради:

– Сен тўртинчи парага кирмайсанми?

– Ай! – қўл силкиди ўғил. – Кўп бола кирмайди ўзи.

– Ҳо-а... – отанинг ичида бир оғриқ турди. Кейин ўғлини тергашга тушди: – Сен бола ўқияпман, дейсан-у, қўлингда битта дафтар. Тушунмадим?

Алимардон нима дейишни билмай қолди. Чорраҳага келиб қолишганди, яхши баҳона бўлди. Гапни бурди.

– Бу томонга юрамиз, ота.

Улар Алимардон ва яна учта йигит турадиган ижара уйга кириб боришди. Ижарачи Давлатбек акани кўриб, ширинсуханлик билан салом берди ва отанинг «Булар сизни қийнамаяптими? Айтганингизни қиляптими?» деган саволига:

– Ҳа, булар жуда аҳил. Ош қилишсаям, бирор маслаҳат бўлсаям мени чақиради. Қўли очиқ бачалар.

– Ҳо-а...

Давлатбек ака бошқа гапирмади. Айвон тагидаги газ плитанинг ёнидан уйга киришди. Хонада тўртта каравот. Каравотлар тагида биттадан эски жомадон. Ўртада стол. Ҳам дарс, ҳам овқатланиш учун. Уй тўрида кийим илгич. Яна бир эски шкаф. Дераза токчаларида ва стол четида, каравот тагида уч-тўрттадан китоблар сочилиб ётибди. Бироқ дафтарлар сони китобларга қараганда анча кўп.



– Шу ерда яшаяпсанми?  
– Ҳа. Шароитимиз яхши. Газ бор, свет ўчмайди. Хоналаримиз қишда иссиқ.  
– Ҳо-а... Университет ётоқхонаси қандай?  
– А, у ер зўр! Лекин катта курсларни қўймайди. Жой кам.  
– Анавиларни ол, энанг бериб юборганди, – Давлатбек ака қишлоқдан кўтариб келган сумкасига ишора қилди. Шу вақт ташқарида вағир-вуғур бўлиб, изма-из иккита талаба йигит салом бериб кириб келишди.  
– Сиз Алимардоннинг отасими? – сўради бири каравотига ўтиргач. Сўнг эгилиб, шимини кўтарди-да, пайпоғи ичига тиқилган дафтари олиб, дераза тоқчасига ташлади.  
– Кун ёмон исиб кетди-е, – деди иккинчиси ва кўйлагини шимидан чиқарди, сўнг қайиши тагидан битта дафтарни олиб, у каравот устига ташлади.  
– Сизлар ҳам ўқишдан келяпсизларми? – сўради Давлатбек ака.  
– Ҳа...– дейишди йигитлар.  
– Булар курсдошларим, – деди Алимардон. – Бирга турамиз. Яна битта бола бор. У бошқа факультетдан.  
– Ҳа. Тўртинчи парага бормаисизларми?  
– Йўғ-е, бўлди-да, – кулди ҳали пайпоғи орасидан дафтар чиқарган бола. – Бугунга етади.  
– Сизлар келажакда ким бўлмоқчисизлар? – Давлатбек ака бўғзига тиқилган саволни тўхтатиб қололмади.  
– Ҳа, дипломни олайлик-чи, бир гап бўлар...  
Қолган икки талаба ҳам дўстининг сўзини маъқуллагандек бош ирғади. Бу гаплардан отанинг дили оғриди. «Ишонган норим сен бўлсанг...» дегандек аччиқ билан ўрнидан турди.  
– Ҳаммаларингга икки! – деди. – Йўқ, бир! Талаба ҳам шунақа бўладими? Сизларда ғурур борми? Эртани ўйлайсизларми? Бу тўрт йил нима? Ўтади кета-

ди. Имкониятлардан фойдаланиб, ўқимайсанларми? Ўзларингни кўрсатмайсанларми? Ўзиям контрактда ўқисанглар керак-а? Эй, қолганлардан қаерларинг кам? Тўғри, улар дафтари пайпоғининг ичига тиқиб ёки қайишининг тагига босиб юролмайди. Кўчада отасини кўриб қолса, хижолат бўлмайди, «Нима қилиб юрибсиз?» деб сўролмайди...

Давлатбек ака шундай дея ёнида хўмрайиб ўтирган ўғлининг юзига бир шапалоқ урди. Талабалар бир-бирига қарашди. Алимардон баттар бўзариб, ўзини қўярга жой тополмай қолди.

– Лекин улар билан ота-онаси, яқинлари, ҳатто маҳалладошлари, керак бўлса, юртдошлари фахрланишади! Бундай ёшлар жуда кўп! Лекин сенларчи? Уялинглар! Мана бу ерларингни ишлатинглар! – деб Давлатбек ака ўғлининг чаккасига бир нуқиди. – Одамга ўхшаб ўқинглар! Одамга ўхшаб юринглар!

Давлатбек ака шундай дея индамай хонадан чиқиб кетди. Алимардон қизариб, нима қилишини билмай қолди. Бўзариб турган курсдошларига қаради. Улар-да ер чизишарди. У югуриб ташқарига чиқди. Ҳовлида ҳеч ким йўқ. Кўчага чиқди. Қараса, отаси қўлларини силкиб, катта-катта қадам ташлаб кетаяпти. Университетга етиб қўйибди...

Ўша куни Давлатбек ака кун ботганда уйга бир аҳволда кириб келди. Эрининг аҳволини кўриб, Болкин опа ҳайрон бўлди.

– Отаси, сизга нима бўлди? Тишни олдирдингизми?

– Уйи куйсин. Тишни-ку олдирдим...

Давлатбек аканинг негадир хўрлиги келиб жим қолди. Ҳануз таажжуб билан термулиб турган аёли бошқа савол бериб безовта қилишга ботинмади.

Тун. Борлиқ яна ғафлат уйқусига ботди. Бир пайт Давлатбек ака қандайдир оғриқдан чўчиб кўзини очди. Бу гал оғриқ унинг чап кўкси тагида пайпасла-ниб юрарди.





## Урматга маънилар беради Ҳаёт

### ШЕЪР ТУГИЛАДИ

Қароғлар тубида қимтинар қайғу,  
Ишонч – сарғиш ранга айланган хазон.  
Нафрат ўлиб кетган кўнгилнинг руҳи,  
Бардоши кўксига тошиқотган инсон.

Умид – парвозларга йўғрилган туйғу,  
Ҳаёт – ҳар бир куннинг серташвиш уйи.  
Қайғу – зулматларни қучоқлаган тун,  
Ҳижрон – муҳаббатнинг нолавор куйи.

Орзу – рўёларга тутилган бўшлиқ,  
Кўзимда йиғлайди азадор осмон.  
Нечун дунёларга сизмайди жоним,  
Юракка юкиниб инграйди армон.

Тун – бу ёлғизликнинг ҳидига ўхшар,  
Гоҳо бўғзимгача сиқиб келади.  
Тўлғоқдан тинчиса титроқ вужудим,  
Юракдан бир фарзанд – шеър тугилади!..

### БАҲОР ШУКУҲИ

Кўклам нафасини соғинди юрак,  
Гуллар оламига сизинди оҳим.  
Ширин висолига етказди тилак,  
Жўшқин қалдироқлар бўлди ҳамроҳим.

Оҳулар ҳуркади ҳароратидан,  
Пишқириб оқади анҳорнинг жони.  
Ўксиган ҳисларим кўкка интилиб,  
Бағрига бош қўярдар дкаш дунёнинг.

Ишқдек ҳузур берар баҳор эпкини,  
Жаннатдан ранг олган боғу бўстонлар.  
Вужудим борлиққа кетар қоришиб,  
Бино бўлар ундан хушбўй райҳонлар.

Ойдинлашиб борар муҳаббат фасли,  
Сукунат ёришар қароқларида.  
Завқини туяман телба руҳимнинг  
Қир тўла майсанинг япроқларида.

### ҲИС

Қалбим қатларида болалайди ҳис,  
Урматга маънилар беради Ҳаёт.  
Беҳиштга ўхшайди қўрилган ҳар туш  
Севги шаробидан ичади сабот.

Дил бедор, тўлғонар оптоқ оқишомлар,  
Ой каби ёришар қалбим ногаҳон.  
Ҳаёл саждагоҳга айланар вале,  
Яна тонгда бирга бўлмогим аён.

Қанча узоқлашсак, шунчалар яқин  
Мангу битилгандир тақдирга оти.  
Шоҳугадониҳам бирдек этгувчи,  
Дунёга дostonдир ишқнинг баёти.

Усиз шодликларим татимас асло,  
Воз кечиб кетолмас девона кўнглим.  
Қонга қон дейдилар, жонга жон фидо,  
Усиз яшамоқнинг давоси – ўлим!

Зухро  
ЭШОНҚУЛОВА



1975 йил Самарқанд вилояти Ургут туманида туғилган. Самарқанд Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган.





## НИЛУФАРДАН ТАРАЛГАН ҚЎШИҚ

*ёхуд Ҳайнрих Ҳайне шеърятига бир назар*

Қўшиқ инсонга илиқлик бағишловчи, руҳиятга сокинлик ато этувчи, шунингдек, туйғуларни жумбушга келтирувчи илоҳий тилсимдир. Юракнинг туб-тубларидан, муҳаббатдан, қайғу-изтироблардан қўшиқ яралади. XIX асрда олмон адабиётига шеърларида ана шу сирли тилсим – қўшиқ жаранги мужассам фавқулодда истеъдод эгаси Ҳайнрих Ҳайне кириб келди.

Гарчанд савдо ва ҳуқуқ соҳасидаги муҳитда улғайган бўлса-да, табиатан шеърятга ошуфталик балоғат кезларидаёқ унинг ҳаёт йўлини бадиий адабиёт билан боғлади. Оиласидан йироқда, Ҳамбургда яшаётган ёш йигит Ҳайнрих ишқ ўтида ёниб, кунларни амакисининг қизи Амалияга манзумалар битиш билан ўтказарди. Афсуски, самимий севги жавобсиз қолдирилди. Висолнинг тотли хаёллари навқирон кўнгилдан изтиробга айланиб, шеър бўлиб тўкиларди.

Дастлабки ёзганларидаёқ такрорланмас оҳанг мавжудлиги, табиий бир мусиқийлик мужассамлиги унинг ёрқин келажигидан далолат эди. Илк ижод намуналари қаламқаш ҳали ўн саккиз яшар чоғларидаёқ Ҳамбург газеталарида чоп этилган бўлса, биринчи тўплами “Қўшиқлар китоби” номи билан 1827 йили эълон қилинган. Йигитликнинг ёрқин палласи, амакисининг уйидаги эркисизлик кайфияти, соф севги завқию изтироблари “Қўшиқлар китоби”да бамисоли куй бўлиб оқарди.

Ҳайне шеърларида “қўшиқ” сўзи ниҳоятда кўп такрорланади. Бу атамага кўп мурожаат қилишидан ҳам унинг мусиқийлик ва оҳангдорликни муҳим билганлигини англаш мумкин. У тилга олган “қўшиқ” сўзи айрича маъно ташиш билан бирга, турли унсурлар билан яхлитлик асосида келади ва аксар қисми муҳаббат билан боғлиқ. Албатта, бунда ўрта асрлар адабиётига оид “minnesongs”, яъни ботиний муҳаббат қўшиқларининг ҳам катта таъсири бор.

Бехруз АВАЗОВ



1993 йилда Бухоро вилояти Шофиркон туманида туғилган. “Қалбим фариштаси”, “Кўнгли таржимаси” шеърӣ тўпламлари нашр этилган. Айти пайтда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси.

*Келганида ажиб, гўзал Май  
Жамъи дарахт барг ёзди такрор,  
Шунда менинг ёш қалбимда ҳам  
Ишқ уйғониб, кўз очди илк бор.*

*Келганида ажиб, гўзал Май  
Жамъики қуш куйлади бедор,  
Шунда мен ҳам тилакларимни  
Маҳбубамга айладим изҳор.*

Олам уйғонадиган, кўнгилларда ишқ гуллайдиган баҳор шоирга ҳам таъсир этмай қолмайди. Кўнглининг қаърида ётган бокира туйғулар, ҳиссиётлар қайта уйғонади, муҳаббат куртак ёза бошлайди. Атрофдаги қушларга жўр бўлиб Ҳайне ҳам куйлай кетади гўё, қолаверса, бутун табиат ишқ розидан сармаст бўлиб қолади. Ҳ.Ҳайне маҳорати ҳам айти шунда, олам унинг шеърларида жонланишидадир.

*Нилуфарнинг биллур жомини  
Қалбим билан тўлдирай жўшиб,  
Жаранглатсин ёрим номини  
Нилуфардан таралган қўшиқ.*

*Ўшал қўшиқ ўхшар, албатта  
Лаблардаги титроқ қасамга,  
Мўъжизакор, тотли соатда  
Ёрғинамдан олган бўсамга.*

Мана, латофат тимсоли бўлган нилуфар гули энди ишқ базмининг гувоҳи, ҳатто иштирокчисига айланди: шоир қалбидаги инжа туйғу – муҳаббат майи тўлдирилган қадаҳга дўнди. Мангу висол учун кўтарилган жом жаранги энг тантанавор қўшиқ бўлиб, фақат маъшуқа номини айтиб янграётир. Сўзлардан, деталлардан оқилона фойдаланиш шоир услубиётида ўзгача функционал маҳорат касб этишини шундан ҳам билиш мумкин. Бундан ташқари, шу шеърнинг ўзида мисралараро мутаносибликни, яхлит композицияни ҳам кўра оламиз. Одатда қадаҳ кўтарилганда тилак билдирилади, бироқ ошиқ ва маъшук учун абадиятга муҳр – севги қасами ҳар қандай тилақдан чандон устун. Қасамки, бир сўз: йигит ёки қизнинг исмидан иборат, холос. Ва шу икки исмнинг ўзиёқ нилуфар гули куйлайдиган қўшиқ учун етарли. Қўшиқнинг авж нотаси шеър кульминациясига, яъни лаблар қовишувига келиб тақалади.

Қўшиқ Ҳайне ижодида “олға етакловчи куч” сифатида ҳам гавдаланади. “Қўшиқларнинг қанотларида, Кел, учайлик, жоним, икковлон” каби мисралар ёхуд:

*Менинг улкан дардимдан бот-бот  
Пайдо бўлар жажжи қўшиқлар.  
Ёр қалбига улар ошиқар  
Жаранг солиб, чиқариб қанот.*

сингари шеърлар бунга ёрқин мисол. Аммо ҳаёт ҳамиша шодиёнадан иборат бўлмаганидек, қўшиқларда ҳам доим бахт ва қувонч куйланмайди.

*Ул қўшиқни яна тинглайман  
Уни ёрим куйларди, ҳайҳот.*

*Дарз кетаудек кўксим инграйман  
Ёввойи мунг боса бошлар бот.*

*Изтиробда мен телбанамо  
Югураман ўрмонга дилхун.  
Аламимни у ерда танҳо  
Кўз ёш қилиб тўкмоқлик учун.*

Бундаги қўшиқлар энди маъшуқа томонидан куйланади. Бу куйлар шоирга қовушиш қувончини эмас, балки фироқ хабарини етказётгандек. На-тижада у изтиробга тўлади, маҳзунлик кўланкаси унинг устига ёпирилади, ақлу ҳушидан айрилади ва ҳеч ким илғамас ўрмон чеккасида кўз ёш тўкади. Зотан, ошиқ аҳли эл олдида ёш тўкишдан доимо номус қилган. “Кўзларингга боқсам, гулбадан, Кўзим тинар қўшиғу ғамдан” каби мисралар ҳам шундай андуҳларнинг мевасидир.

Қўшиқ нилуфар гули ёхуд қадаҳ жаранги бўладими, кишини олға бошловчи куч ёки самодаги қуш бўладими, висол ё фироқ ўти бўлишидан қатъий назар, буларнинг бари бизнинг наздимизда Ҳ.Ҳайне дилидаги ва тилидаги ҳиссиётларнинг ифодаси бўлмиш такрорланмас шеърлардир. У ўз назмини мана шундай гўзал “қўшиқ”лар билан бойитди. Фирдавсийга бағишлаган шеърда шундай ёзади:

*Сабр билан ўлтирди шоир  
Шеърятнинг урчуғи узра,  
Кунни қуну тунни тун демай  
Қўшиқлардан тўқиди гилам.*

Дарҳақиқат, унинг ўзи ҳам романтизм даври адабиётининг энг сўнги ва ёрқин вакили сифатида нафақат олмон поэзиясига, балки жаҳон шеърятига бебаҳо “қўшиқ”лардан “тўқилган” жимжимадор ва мустаҳкам “гилам”ни тухфа этди. Шу ўринда Ҳайне асарларини она тилимизга маҳорат билан таржима қилаётган таниқли шоир Абдулла Шер хизматларини таъкидлаб ўтиш жоиз. Юқорида келтирилган мисолларнинг барчаси шу мутаржим тўпламидан олинди. Аслиятдан бевосита ўгирилган бу ижод намуналари ўзбек китобхонлари қалбидан аллақачон жой олиб улгургани шубҳасиз.





## Залимни зўғотди яшил хўрсиниқ

### БАҲОР БУ...

Баҳор бу – осилиб харсангтошларга,  
Селларнинг зарбидан чайқалган қирғоқ.  
Баҳор бу – томларнинг лабидан сачраб,  
Богларга туташган лолақизгалдоқ.

Баҳор бу – хонқизи тақиб баргига,  
Қуёшга юзланиб жилмайган ниҳол.  
Илдизини туртиб чиққан ялпизга  
Термулиб ўтирган ёлғиз мажнунтол.

Баҳор бу – туғилган кунини гулларнинг  
Ва эгнига бахмал тортган адирлар.  
Мовий кўзи ёшли осмонни суйиб,  
Қушлар шеvasида айтилган шеърлар.



Баҳор бу – бир дона лола қасдида  
Оқсоч чўққиларга интилган сўқмоқ.  
Баҳор бу – томларнинг лабидан сачраб,  
Қирларни ёндирган лолақизгалдоқ.

### ШАҲАР БАҲОРИ

Тошкентни сўроқлаб келибди баҳор,  
Расталарда кўк-у гуллар қалаиши.  
Куртаклар кўксидан потради ифор,  
Либосларга турфа ранглар илаиши.

Бетон деворларнинг оғир сояси  
Рангпар чечакларни тургандай эзиб.  
Уйларнинг кўзидан боқади маъюс  
Лолалар – сайилдан келинган узиб...

Тошкентда қалдирғоч куйламас савтлар,  
Булбуллар нидоси шовқинга қулар.  
Фақат одамлар ва фақат дарахтлар  
Баҳорни баҳорга ўхшатиб турар.

### ИЗҲОР

Соғинтириб дилим тийрон қиласан,  
Келсанг туйғуларим бийрон қиласан.  
Гоҳ лола, гоҳ жала, гоҳ камалак-ла  
Дийдорнинг ҳар кунин байрам қиласан.  
Баҳор, гўдак бўлиб севаман сени,  
Эгиз юрак бўлиб севаман сени.

Бойчечак – қор ичра узатган қўлинг,  
Ҳадемай ўзинг ҳам туриб келасан.  
Богларга гулларнинг дарагин айтиб,  
Сойларнинг устидан юриб келасан.  
Баҳор, ялпиз бўлиб севаман сени,  
Ишқи чексиз бўлиб севаман сени.

Ерни қитиқлайсан шамолга дўниб,  
Жуфт қалдирғоч бўлиб кирасан уйга.  
Бугдой нишидаги яшил бол бўлиб,  
Мактуб тарқатасан Наврўзга – тўйга.

Ирода УМАРОВА



1987 йилда Жиззах вилоятининг Фориш туманида таваллуд топган. Ҳозирда «Бекажон» газетасида фаолият юритмоқда.



Баҳор, гиёҳ бўлиб севаман сени,  
Ташина булоқ бўлиб севаман сени.

Кўк тоқига илиб турналар дорин,  
Қуёш ўчоғини ёқасан тафткор.  
Қизларнинг сочига толни пайвандлаб,  
Ўпасан адирлар юзин мажнунвор.  
Баҳор, Лайли бўлиб севаман сени,  
Кўнгиш найи бўлиб севаман сени.



## ИМОНИМ

Руҳимнинг эғнида ўт ловуллайди,  
Кўксимда гуркираб ашъор гуллайди,  
Етмиш томиримни соғинч улайди,  
Ҳижронига кетар бори имконим,  
Муҳаббат динига кирди имоним.



Билдирмай кўнглимни берди бировга,  
Умримни обориб урди оловга,  
Қирқ жонимни қўйди қирқ минг синовга,  
Чумоли муштича келмас дармоним,  
Муҳаббат динига кирди имоним.

Қушлар хўрсинурлар кўзимга қараб,  
Сажда қиламан бир исмга қараб,  
Дилимга солмасанг севармидим, Раб?!  
Жаннатми, дўзахми – қайда маконим,  
Муҳаббат динига кирди имоним.

Кел-ей, кипригимда унгиш, атиргул,  
Капалак кўзёшин сунгиш, атиргул,  
Ўлсам ифорингга кўмгиш, атиргул...  
Бошқа кимларга ҳам керак хазоним,  
Муҳаббат динига кирди имоним.

## ЯЛПИЗГИНАМ

Қишлоқ ёқдан учиб келган қушчалар –  
Дуоларга тўлиб турар осмоним.  
Патларидан тўкар меҳр-гунчалар,  
Онажоним, ялпизгинам, райҳоним.

Оҳ, ўзимнинг шакар-шарбат сўзлим,  
Ажинидан нурлар оққан юзлим,  
Бошим қўйсам бағри жаннат ислигим,  
Онажоним, ялпизгинам, райҳоним.



Қуёшсиз-ку, мен қандоқ ҳам муз бўлдим?  
Дийдаси тош, тили тўла туз бўлдим,  
Шаҳарларда соғинчларга қиз бўлдим,  
Онажоним, ялпизгинам, райҳоним...

Бармоқ учга келиб турса дилим-ей,  
Меникимас, сизники шу қўлим-ей,  
Доим бирга шеър ёзамиз, гулим-ей,  
Онажоним, ялпизгинам, райҳоним.

## НАВРЎЗГУЛЛАР

Кириб қорнинг шивир-шивир сўзига,  
Дил ўзни йўқотиб қўйган эди, дўст.  
Ҳадеб қарайвериш қишининг кўзига,  
Кўзларим совқотиб қўйган эди, дўст.  
Унутиб оқ, лекин совуқ тунларни,  
Дўст, кўзга суртайлик наврўзгулларни.

Тушимда бодомлар гуллаган оқшом,  
Заминни уйғотди яшил хўрсиниқ.  
Осмон камалакдан ясади ишком,  
Ёмғир гул лабидан томгандай тиниқ.  
Ҳовучлаб самодан оққан селларни,  
Дўст, кўзга суртайлик наврўзгулларни.

Ҳаёт қофияси – ҳайрат дегани,  
Кўкламнинг кафтига тўккай лутфлар.  
Тошқин жилгаларга рашкми бергани  
Жарликнинг лабидан ўпар нилуфлар.  
Бойчечак исига ювиб қўлларни,  
Дўст, кўзга суртайлик наврўзгулларни.

Исмин унутганим муаттар ранглар  
Бугун қарогимни келди дараклаб.  
Йиғлатиб кетибди қувгинди гамлар –  
Дилни ардоқладим бахтга йўрғаклаб.  
Қулгичга томизиб шўх қулгуларни,  
Дўст, кўзга суртайлик наврўзгулларни.

Қошимдай қорайиб келаяпти тун,  
Чақинлар қўл чўзган ойни кўр – синиқ.  
Тоглардан бошини кўтарганда кун,  
Бизни уйғотади атлас хўрсиниқ.  
Қуёш кокилига улаб йўлларни,  
Дўст, кўзга суртайлик наврўзгулларни.





Александр КУПРИН

# ЗУМРАД ОТ

Ҳикоя

*Беқиёс йўрға Холстомер хотирасига бағишлайман.*


1

Тўрт яшар пойгачи айғирни Зумрад от деб аташарди. У бўйчан, кулранг, қадди тик, танаси кумушранг. Одатдагидай ярим тунда сайисхонасида уйғонди. Унга ёнма-ён, чап ва ўнг, даҳлиз орқали ўтиладиган қарама-қарши томондаги отлар бир текис, ёқимли товушда пичан чайнашар, ширин ғирчиллатиб, аҳён-аҳёнда пишқириб қўйишарди. Навбатчи отбоқар бурчақдаги похол уюми устида хуррак отарди. Зумрад Василийни хуррагидан таниди, беихтиёр кунларни санади. У ҳали ёш бола, отлар уни отхонада бадбўй тамаки чеккани учун ёқтиришмасди, тез-тез ширакайф кириб келар, тиззалари билан отларнинг қоринларига тепар, кўзларига мушт кўтарар, нўхталарини кўполлик билан силтаб ташлар, отларга нотабий, таҳдидли, бўғиқ йўғон овозда бақирарди.

Зумрад эшик олдидаги панжара ёнига борди. Рўпарасидаги эшикда ёшгина, қорачадан келган бия Шеголиха турарди. Йўрға қоронғуда уни аниқ кўрол-



Александр КУПРИН



*(1870-1938) XIX асрнинг охири, XX аср бошларида самарали ижод қилган машҳур рус ёзувчи. “Олеся”, “Суламиф”, “Ёқут кўзли билагузук”, “Юзма-юз” қиссалари ёзувчига катта шуҳрат келтирган. Асарлари кўплаб жаҳон тилларига таржима қилинган.*

маса-да, ҳар гал пичан чайнашдан олдин бош кўтариб, орқага қайрилиб қараб кўяр, катта-катта кўзларидан қизгиш бинафшаранг олов сачраб кетарди. От бурун тешикларини оҳиста кенгайтириб, узоқ вақт ҳаво симирди, биянинг терисидан билинар-билинмас келаётган тўлқинлантирувчи ҳидни ҳис этди ва астагина кишнаб қўйди. Бия ҳам шитоб билан орқага қараб, майин, титрагандай, меҳр билан ўйноқлаб кишнади. Шу пайт Зумрад ёнгинасида, ўнг тарафда рашкчил, қаҳрли нафасни эшитди. Орага Онегин аралашди – қари, қайсар, кўнғир пойгачи от, кўпдан буён аҳён-аҳёнда фақатгина шаҳар биринчиликларида қатнашиб юради. Иккала от ҳам юпқа нотекис тахталар билан ажратиб қўйилган, бир-бирига кўзи тушмасди, бироқ панжаранинг ўнг бурчига ёнбошлаётиб, Зумрад тўсқичлардан чайналаётган иссиқ пичан ҳидини тиниқ туйди, бу тез-тез нафас олаётган Онегиннинг нўхталаридан сизаётган эди... Отлар шу йўсин бироз вақт бир-бирини қоронғуда ҳидлашди, кулоқларини кўтаришган қўйи бўйинларини эгиб, асабийлашишди. Кўтилмаганда иккаласи бирдан қаҳрланиб, бор овозда кишнаб юборишди, ер тепинишди.



– Жим бўл, жин урсин! – Отбоқар уйкусираб, таҳдидли қичқирди.

Отлар панжарадан тисланишди ва хушёр тортишди. Улар аввалдан бир-бирини ёқтиришмасди. Уч кун олдин отхонага қомати келишган қора бияни олиб келишди, одатда бундай қилинмасди. Бу пойгачи отларга жой етишмаслигидан келиб чиқди. Шундан буён кунлари жанжалсиз ўтмай қолди. Отхонада ҳам, айланада ҳам, сугорилаётганда ҳам бир-бирини олишувга чақирарди. Бироқ Зумрад ич-ичидан узун бўйли, нияти ёвуз, юмалоқ туя туёқли, кўзлари қайғули, танаси тошдай мустақкам, йиллар бўйи югуришлар, пойгалар, олишувларда тобланган суякдор от олдида кўрқувни ҳис этарди.

Йўрға ўзини ҳеч нима бўлмагандай, кўрқмаётгандай кўрсатишга уриниб, қайрилди, охурга бошини тикиб, пичанни майдалаб, тез-тез кавшай бошлади. Аввалига тантиқланиб, ўт-ўланларни саралаб, териб еди, чайнагани сари пичан ширинлашиб кетди, охурдан бош кўтаролмай қолди. Шунда хаёлига аста-секин турфа ўйлар ёпирила бошлади, хотирасидаги олис қиёфалар, ҳидлар, товушлар бир-бирига уланиб, айна чоғда қопқора гирдоб ичида буткул йўқ бўлиб кетишарди.

“Пичан”, – деб ўйлади ва кечкурун пичан солган катта отбоқар Назарни эслади.

Назар – яхши қария, ундан ҳаммиша хушбўй қоранон ва сал-пал шароб хиди келади, шошмасдан юмшоқ қадам ташлайди, пичан ва сулиси ҳамманикидан маза-ли туюлади, отларни тозалаётганда ярим овозда меҳр билан сўзлашаётиб, ёқимли тарзда томоқ қириб кўяди. Унда катта, бошқаларга ўхшамайдиган алоҳида хислатлар йўқдай, фақат пичан солаётганда, жилов тортганда беўхшов қўллари титраб кетади.

Василий ҳар қанча бақириб-чақирмасин, олишмасин, кўрқоқлиги бор, буни барча отлар билишади, ундан кўрқишмайди. У отда юролмайди, тортади, нуқул айланади. Кўзлари қийиқ учинчи отбоқар иккаласидан ҳам яхши, лекин отларни хуш кўрмайди, бешафқат ва бесабр, қўллари ёғочдай қаттиқ. Тўртинчиси – Андряшка, жуда ёш, тойчоққа ўхшаб отлар билан ўйнайди, нўхталар орасидаги юқори лабларини яшириб-яшириб ўпиб кўяди, бу – ёқимли ҳам, кулгили ҳам эмас.

Баланд бўйли, ориқ, букчайган, юзлари текис қиртишланган ва тилла кўзойнакли чавандоз эса – бутунлай бошқа гап. У ўхшаши йўқ отга ўхшайди – ақли, кучли ва кўрқмас. Ҳеч қачон жаҳли чиқмайди, хипчин билан урмайди, бироқ устига минганда тулпор унинг ҳар бир ишораси, бармоқларининг ҳаракатига сўзсиз, аллақандай қувонч, ғурур ва кўрқув ҳисси билан бўйсунарди. Бу Зумрадга чексиз хурсандчилик ато этар, югураётиб, бутун вужуди қайнаб-тошар, нақадар ажиб, бахтиёр дамлар эди.

Отнинг хаёлидан отчопарга олиб борадиган қисқа йўл, ҳар бир уй, устунчалар, тўшалган қум, чопаётган отлар, яшил майсалар, боғичлардаги сарғиш доғлар ўтди. Уч яшар қора тўриқни эслади, у шу кунларда оёқ чигилини ёзаётгандай оқсоқланарди. Зумрад ҳам бир зум оқсоқланиб юришни тасаввурига келтирди.

Бир даста пичан оғзига жуда ёқди, бошқаларидан ўзгача, ажойиб таъми билан ажралиб турарди. Айғир уни узоқ вақт чайнади, ютганида бир муддат қовжираган гуллар ва майсаларнинг нафис хуш бўйларини илғади. От онгида ноаниқ, аллақандай айқаш-чуйқаш, узоқ хотиралар сирғалди. Бу кашанда одамларда бўлиб тура-

диган ҳолатга ўхшаб кетарди, яъни – кўчада папиросни беихтиёр чуқур тортганда ушлаб бўлмас сония, эски гулқоғозлар ёпиштирилган гира-шира даҳлиз ва буфетдаги ягона шам, ёки олис тун йўли, қўнғироқларнинг текис товушлари, оғир мудроқ, ёки яқин ўртадаги зангори ўрмон, қор, очилиб-очилмаётган кўзлар, кўчкилар гулдуриси, эҳтиросли бетоқатлик, тиззалар қалтираши – бариси бир дақиқада елиб ўтишади-да, юракни унутилган, ҳаяжонли, елвизак ҳислар оҳиста, ғамгин ва тушуниксиз қалқитиб кетади.

Қоронғуликда боғча узра ҳанузгача кўзга кўринмас нарсалар бўзариб, зўрға кўзга ташланарди. Отлар эринчоқлик билан кавшанишар, бирин-кетин оғир ва секин хўрсиниб кўйишарди. Ҳовлида таниш хўрознинг жарангдор, тетик, карнайдай кескин қичқирғи янгради. Олис-яқинлардан хўрозларнинг бирин-кетин хонишлари узоқ вақт тинимсиз эшитилиб турди. Зумрад бошини охурга эгиб, унда боягидай зариф, жонли, узун хотиранинг акс-садоси, ғаройиб таъмини ушлаб қолмоққа ва кучайтирмоққа уринди. Лекин уни тирилтиролмади, ўзи ҳам сезмаган ҳолда мудрай бошлади.

## 2

Унинг танаси ва оёқлари бенуқсон, мукамал кўринишга эга эди, тик туриб ухлар, олдга ва ортга сал-пал чайқалиб кўярди. Баъзан титраб кетар, шунда ширин уйқуси бир неча онга енгил мудраш билан алмашар, бироқ узоқ давом этмаган ором шу қадар ажойиб эдики, бундан отнинг мускуллари, асаблари ва териси тиниқлашарди. У сахарлаб уйғонди, тушини эслади. Тушида эрта баҳор тонги, кўтарилаётган қизғиш шафақ, куюқ ўтлоқни кўрди. Майсалар қалин ва ширали, тиниқ, эртақдагидай сеҳрли, ям-яшил, борлиқ майин бинафшарангда жилоланарди. Бундай манзарани кўриш одамлар ва жонзотларга фақат болалигида насиб этади, холос. Шудринглар милтираб шуълаланар, тиниқ ҳавода барча-барча ислар ингичка жилваланиб, ёйиларди. Салқин ҳаво оралаб тутун иси урилади, у қишлоқдаги қувурдан эсади. Ўтлоқ гуллари турфа-турфа ҳид таратади, шаҳар чеккасидаги намхуш бурама йўлдан бир-бирига аралашиб кетган турли-туман ислар келади: одамлар, қорамой, от юклари, чанг, ўтиб кетаётган подадан сигир сутларининг буғи, девор ортидаги арча новдаларидан оқаётган ёқимли қатрон ҳидлари.

Етти ойлик Зумрад тойчоқ полда беҳол ётади, бошини пастга тираб, орқа оёқлари билан тепиниб-тепиниб кўяди. У ҳаводан тушгандай танасининг оғирлигини сезмасди. Оппоқ қуруқ мойчечак гуллари оёқлари остида учиб юришарди. У куёш томон парвозга интиларди. Аёллар тиззага урадиган нам майсалар оралаб ўтишар, майсалардан совуқлик сачрар, бора-бора қорайиб кўринарди. Мовий осмон, яшил майса, олтин куёш, тоза ҳаво, болалик, ёшлик ҳайратлари, куч ва пойга тезлиги!

Бироқ у қисқа, нотинч, жуда таниш кавшанишни эшитди, буни минглаб товушлар ичидан олисдан бўлса ҳам билиб оларди. У югураётганда бир тўхтаб олар, бир сония қулоқ тутар, бошини баланд кўтариб, бежирим қулоқларини қимирлатиб, калта мулойим супурги думини бўш кўйиб, узун қуйма овоз билан жавоб берар, шунда тик, ориқроқ, узун оёқли танаси титраб кетар ва онаси томон чопарди. Онаси – кексайган, вазмин бия майсадан ҳўлланган бошини кўтариб, тойчоғини суйиб, ҳидлаб оларди-да, қилмаса бўлмайдиган ишни бажа-



риб кўйиши керакдай яна ўт-ўланларни ейишга тушиб кетарди. Тойчоқ кичик бўйнини эгиб, онасининг қорнига тикилиб, юзини баландга қайириб, ширин, салгина нордон сут билан тўлиб турган иссиқ елинни топиб олар, сут унинг оғзига ингичка илиқ жилғачалардай шариллаб тушар, ундан ажралгиси келмасди. Онаси уни итариб, ўзини боласининг хотидан тишлаб олмоқчидай кўрсатарди.

Отхона бутунлай ёришди. Серсоқол, қари, бадбўй эчки отлар орасида яшарди, ичкаридан қиррали нарса тикиб кўйилган эшик олдига бориб, орқага, отбоқар томонга қараб, маърай бошлади. Василий оёқяланг, патак сочли бошини қашиди-да, эшикни очиш учун турди. Салобатли куз тонги совуқ эди. Тўртбурчак эшик очилиши билан отхонадан чиққан иссиқ ҳаво буғланиб кетди-да, бир зумда қотиб қолди. Толлар ва уларнинг тўкилган япроқларидан келаётган ёқимли ислар нафис, охишта сайсхона бўйлаб сирғаларди. Отлар ҳозир эм беришларини яхши билишарди, сабрсизлик билан панжаралар ёнида пишқириб кўйишарди. Очкўз ва инжиқ Онегин туёқлари билан қоқиб кўйилган ёғочни юқори тишлари билан тишлаб-тишлаб, охурнинг темир билан парчинланган, чайнаб ташланган борт қирраларига бўйнини чўзиб, ҳаво ютинди ва кекирди. Зумрад юзини панжара ёнбошларига ишқалади.

Бошқа отбоқарлар ҳам келишди. Улар тўрт киши эди – қатъий ўлчанган миқдорда охурларга эм ташлай бошлашди. Назар оғир шовдираб турган емни Зумрадининг охурига соларкан, тулпор емга ҳовлиқиб, қариянинг елкалари, қўллари оралаб, иссиқ нўхталарини силкитиб, бош суқарди. Зумрадининг эрка қилиқлари, бесабрлиги отбоқарга жуда ёқар, у ҳам атайлабдан шошилмас, тирсақлари билан охурни тўсиб олар, самимий дағаллик билан ғудранарди:

– Оббо, очофат-ей... Шошилма, улгурасан... Ҳа, сени-я... қани башарамга яна башарангни тикиб кўр-чи. Мен ҳам ёмон қиламан...

Охур узра пастга қараб тўртбурчак устунга қуёшнинг заррин нурлари қиялаб тушиб турар, унда миллионлаб тилла ўргимчак иплари айланишар, бўлиниб-бўлиниб, дераза гулқоғозларига узундан-узун соялар солишарди.

### 3

Уни ташқарига олиб чиқиш учун келишганида Зумрад эндигина емни еб бўлган эди. Ҳаво илиқлашди, тупроқ юмшади, бироқ отхонанинг деворлари ҳали қировдан оқариб турарди. Отхонадан олиб чиқилган, қуюқ буғлар чиқараётган уюм-уюм гўнлар устида гужғон ўйнаётган қарғалар бор овозда қичқиришар, бир-бирлари билан жанжаллашаётганга ўхшарди. Бўйнини эгиброк, эҳтиёткорлик билан бўсагадан ўтаётиб, Зумрадни қувонч ҳисси қамраб олди, тоза ҳаводан тўйиб симирди, бўйнини силкитиб, бутун вужуди билан жанранглатиб аксирди. “Соғ бўл,” – деди Назар жиддий оҳангда. Зумрад бир жойда туролмасди. У шитоб билан елиш, қитиқловчи ҳаво, кўз ўнгида силкинаётган нўхталар, юракларнинг оловли қалқиб кетишлари, чуқур-чуқур нафас олишни истарди. От қозикча боғлаб кўйилган эди, орқа оёқлари билан ўйноқлаб, кишнади, бўйнини авайлаб қайирди-да, ортига, қоратўриқ бияга қаради, унинг катта қора кўзларидеги қизил қон томирлари чизиқларигача кўрди.

Назар қаттиқ-қаттиқ нафас олиб, бор кучи билан боши узра сув тўла челакни кўтарди ва сувни тулпор-

нинг елкасидан ошириб, яғринидан то думигача қўйди. Бу Зумрад учун жуда таниш, ёқимли ва баъзан кутилмаган ҳолатларни туғдиргувчи даҳшатли туйғу эди. Назар яна сув келтирди, йўрғанинги ёнбошлари, кўкраги, оёқлари, думғазаси остига сепалаб чиқди. У қадоқ қўллари билан от танасини юнглари бўйлаб қаттиқ, бостириб ишқалаб чиқар, сувларни чаплаштирарди. Зумрад ортига қараб, ўзининг баланд, қўшда ялтираб, қорайган ва чўғланиб турган сағринига кўзи тушди.

Пойга куни эди. Зумрад буни ўзига хос асабий, шошқин ҳаракатлардан билар, отбоқарлар отлар атрофида айланиб, шапатиллашларидан сезарди, айрим отлар танасига назокат нуқтаи назаридан одатий белгиларни кўйишар, бияларга гулдор териларни илдиришар, баъзиларнинг оёқларини қаттиқ боғичлар билан бўғинларидан тиззаларигача ўраб ташлашар ёки кўкрак остидан олд оёқларгача юнг билан қопланган кенг қўлтиқчаларини ҳам боғлаб кўйишарди. Саройдан хушбичим икки ғилдиракли, баланд ўриндиқли ажнабий русумдаги араваларни олиб чиқишди, уларнинг металлдан ясалган ниналари, қизил чамбараклари, кенг тортилган қизғиш шотидаги янги бўёқлар кўзларни қамаштирарди.

Отхонанинги бош отлиғи етиб келгунча Зумрад буткул қуриб бўлган, чўткалар билан тозаланган, жун матодан тикилган қўлқоплар билан артилган эди. Узун бўйли, ориқдан келган, бироз букчайган, узун қўлли бу одамни ҳамма бирдай ҳурмат қилишар, айна пайтда ундан одамлар ҳам, отлар ҳам кўрқишарди. Унинг юзи куйган, қиртишланган, чизиб куйилгандай кулгили лаблари қаттиқ, юпқа, эгик кўринарди. У тилла кўзойнак тақарди, кўзойнак ортидан мовий, ёруғ кўзлари дадил ва хотиржам тикилиб турарди. Бош отлиқ тозалаш ишларини кузатар, узун оёқларида баланд этиклар, қўлларини пантолонининг чўнтақларига чуқурроқ киргизиб олган, сигарасини оғзининг гоҳ бу бурчига, гоҳ у бурчига олиб-бориб келтирарди. Эғнида – ёқаси юнгли кулранг куртка, бошида – энсиз хошояли ва тўғри чизиқли тўртбурчак соябонли қора шапка. Баъзан кескин, пала-партиш оҳангда қисқа-қисқа танбеҳлар берар, шунда барча отбоқарлар ва ишчилар унга қайрилиб қарашар, отлар ҳам қулоқларини диккайтириб, хушёр тортишарди.

У Зумрадининг ирғишлашларига алоҳида эътибор берар, отнинг бутун танаси, пешонасидан тортиб туёқларигача қараб чиқар, тулпор ҳам унинг меҳрли нигоҳини сезиб, бошини баланд кўтарар, чиройли бўйнини аста эгиб қарар, ялтираб турган қулоқларини тиккайтирарди. У от айилинини мустаҳкамлигини кўрди, қўллари билан қорнини силади. Отга кулранг матоли, қизил уқали, кўз олдларига қизил айлана қилиб, орқа оёқларига қизил каштали жул кийдиришди. Икки отбоқар – Назар ва қийиқ кўз икки томондан Зумрадининг юганидан ушлаб, таниш кўприк усти бўйлаб, икки қаторли камёб улкан тошли бинолар оралиғидаги отчопарга олиб чиқишди. Югуриш айланасигача бўлган масофа тўрт чақиримга ҳам етмасди.

Отчопар ҳовлисида отлар кўп эди, уларни доира бўйлаб бир йўналишда, югуриш айланасида, соат миллиарининг тескари ҳаракатида олиб юришарди. Ҳовлида метин оёқли, думлари калта қилиб кесилган, дўғга боғланган отларни айлантиришарди. Зумрад оқ тулпорни дарров таниди, улар доим бирга, ёнма-ён югуришарди, иккаласи бир-бири билан сўзсиз, кўзлари кулиб саломлашишди.

Отчопарда кўнғироқ чалинди. Отбоқарлар Зумрад устидаги жулни олиб ташлашди. Чавандоз қуёш нурларидан қамашган кўзойнак остидаги кўзларини қисиб, узун сўйлоқ тишларини иржайтириб, унга яқинлашди, юрган кўйи қўлқопларини кийиб оларкан, хипчинни қўлтиқлаб олди. Отбоқарлардан бири Зумраддаги башанг нимарсалар, думидаги капалакларигача йиғиб олди, уларни эҳтиёткорлик билан ўриндиқка қўйди, бу билан гўё гўзал хотима ясади. От гавдасининг оғирлигидан нозик арава шотиси таранг тортилди. Зумрад ортга кўз қирини ташлади ва отлични кўрди. У от сағринига қулай ўрнашиб олиб, оёқларини олдга тираб, арава шотисига осилтириб турарди. Отлиқ шошилмасдан жиловни олди, отбоқарларга овозини жиддий тарзда баландлатиб гапирди, ҳаммаси бирдай кўлларини ишдан тортишди. Пойга суруридан қувончга тўлаётган Зумрад шитоб билан олдга уринди, лекин уни кучли кўллар ушлаб қолди, орқа оёқларини кўтаролди, холос. Бўйинини силкитди ва секин-секин йўртиб, кенг дарвозадан югуриб чиқди-да, отчопарга кирди.

Ҳовлида ҳар бир чақиримда эллипс шаклидаги ёғоч устунлар ўрнатилган, сариқ қум сепилган нам ва зич югуриш йўлаклари оёқ остида ғирчиллаб, ёқимли оҳангга қайишиб кетар, босим гоҳ кўтарилиб, гоҳ пайсайиб борарди. Туёқларнинг текис ва ўткир излари, темир чамбараклардаги тўғри чизиқлар из солиб борарди.

Минбар чўзилгандай кўринди. Икки юзта от сиғадиган бу ёғочли бинога баланд ингичка устунлар тираб қўйилган, қора-қура оломон олдга интилади, гувиллайди. Зумрад жиловнинг энгил, эшитилар-эшитилмас силкинишидан тушундики, қадамини тезлатса бўлади, хурсанд пишқириб қўйди. У бир текисда йўртиб борарди, белини уринтирмасдан, йўлга дадил тикилди, чиройли бўйинини чап томонга қайириб, арава шотисига қараб кўяркан, юзини тўғрига қаратди. Отнинг бетакрор узун-узун қадамлари узоқдан кузатилганда югуриш тезлиги катта эмасдек таассурот қолдирарди, у шошилмасдан йўлни аниқ ўлчаб борарди, циркулга ўхшаб, олд туёқлари учини ерга сал-пал теккизиб кўярди. Бу ҳақиқий пойгачи отнинг чиқиши эди. Йўрға нафасини юмшатиб олар, ҳар бир қаршиликни охири нуқтасигача камайтириб, қайтадан ҳаракатланиш учун барча ноқурақ уринишларни олиб ташлар, кучи, гўзаллиги кўзни қамаштирар, у тирик, бенуқсон ишлайдиган машинага айлангандай туюларди.

Икки югуриш оралиғидаги антрактда отларни совутиш бошланди, бунда айғирлар нафасини ростлаб олишади. Отларнинг кўпчилиги айланада Зумрад билан бир йўналишда, ички айланада эса унга қарама-қарши томонда югуришарди. Танаси кулранг, қора танга-тангали, бўйи узун, юзи оқиш, бўйни юмалоқ, думи қувурдай, кўргазма отларига ўхшаш, насли соф орловча бедов Зумрадни қувиб ўтди. У йўл бўйи сергўшт, кенг, тердан қорайган кўкраги ва ҳўлланган чотларини силкитиб чопар, олд оёқларини тиззасидан ён томонга улоқтирар, ҳар бир қадамада жигарининг лўқиллагани эшитилиб турарди. Орқа томондан тик қоматли, танаси узун, дурагай насли, қора ёлли бия келиб тўхтади. У ҳам Зумраддай ажойиб, пойгага пухта тайёрланган эди. Калта, озода қалин мато унга шундай ярашиб турардики, ҳатто тери ости мускулларининг ҳаракатлари билиниб турарди. Отлиқлар бир-бирлари билан суҳ-

батлашиб боришарди, икки от бирозгина ёнма-ён юришди. Зумрад бияни ҳидлаб кўрди, йўл-йўлакай у билан ўйнамоқчи бўлди-ю, бунга отлични йўл қўймади, от бўйсунди.

Рўпарадан докалар, тиззабоғлар ва қўлтиқости боғичлари билан танғиб ташланган катта қора арғумоқ бор кучи билан йўртиб, елиб келар, ўнг томонида ярим газ келадиган узунроқ шоти дўппайиб чиқиб турарди, боши доира шаклида қаттиқ боғлаб қўйилган, темир тасмаси қайириб ўралган, бешафқатларча сиқиб ташланган, оғриқданми отнинг асабий хириллаши эшитиларди. Зумрад ва бия бир вақтнинг ўзида унга қарашди, иккаласи ҳам шу лаҳзада кучли, чопқир ва чидамли йўрғани кўришди, айна пайтда кўрқинчли, қайсар, жаҳлдор, кекчи ва иззатталаблигини ҳис этишди. Қора отнинг ортинда кулгили даражада кичкина, оч кулранг ҳашамдор тулпор чопиб ўтди. Ташқаридан қаралганда, уни жуда катта тезликда югуриб кетаяпти, деб ўйлаш мумкин эди, оёқлари билан ерни тез-тез уриб кўяр, туёқларини тиззасидан юқорига кўтарар, афти-ангоридан тиришқоқлик, ишбилармонлик нуқси уфуриб турар, чиройли, кичкина бошига силлиқ бўйни ярашган эди. Зумрад унга кўзларини олайтириб, киноя билан қаради, бир қулоғини у томонга қимирлатиб қўйди.

Бошқа отлич суҳбатини тугаллади, баланд овозда қисқа-қисқа хохолади, гўё кишнаб юборди ва бияни эркин югуришига қўйиб берди. У ҳеч қандай зўриқишсиз, хотиржам чопарди, Зумрад билан йўллари айрилди, олдинга қараб югурди, ялтираб турган бошини орқа елкасидан билинар-билимас ошириб, қора тасмасини таранг ва текис тортиб кўярди. Кутилмаганда тилларанг-малла йўрға шитоб билан сакради, чопди, уни Зумрад ва оқ бия оқ тўсқичлар оралиғидан кўриб туришарди, йўрға уларни ортга иргитиб юборди. У узун-узун қадам ташлаб югурар, баъзан чўзилар, баъзан ерга эгилиб, ё ҳавога кўтарилиб, олдинги оёқларини орқа оёқлари билан бирлаштириб оларди.

Унинг отлични бор гавдасини орқага ташлаб, ўтирмасди, тортилган тизгинга осилиб, ётиб олган эди. Зумрад ҳаяжонланди, чап бермоқчи бўлди, аммо отлич унинг қизишиб кетганини сезиб, тизгинни сездирмай тортиб қўйди, отнинг ҳар бир ҳаракатини олдиндан билгувчи эпчил ва сезгир қўллар бирдан темирдай қотиб қолди. Малла от минбар атрофини яна бир бор айланиб чиқди-да, Зумрадни қувиб ўтди. У чопиб борар, терга ботиб кетган, кўзлари қонталаш, хириллаб нафас оларди. Олдинга эгилиб олган отлич зўр бериб белига яқин жойларига хипчин билан саваларди. Ниҳоят, отбоқарлар дарвозага яқин ерда унинг йўлини кесиб чиқиб, тизгин ва юганни ушлаб қолишди. Терга ботган, титраётган, зўрға нафас олаётган отни бир муддатга отчопардан олиб чиқишди.

Зумрад бор кучи билан йўртиб, ярим айланани босиб ўтди, кейин йўлга қайрилди, югуриш майдонини кесиб ўтувчи йўлдан дарвоза орқали ҳовлига чиқди.

Отчопарда бир неча бор кўнғироқ чалинди. Ҳар замонда очиқ дарвоза ёнидан югураётган отлар елиб ўтишар, минбардаги одамлар қичқира бошлашар, қарсак чалишарди. Зумрад бошқа отлар чизигида кўпична Назар билан бирга қадам ташларди, бошини осилтириб, у ёқ-бу ёққа силкитганича ғилоф ичидаги қулоқларини қимирлатиб кўярди. Совутишдан сўнг томирларидаги қонлар осойишта ва қайноқ оқди, на-

фаси чуқурлашди, эркин тин олди, вужуди шу қадар тиниқлашиб, салқинладик, бутун мускулларида яна югуриш истаги ёнаётганини туйди.

Ярим соат ўтди. Отчопарда яна қўнғироқ чалишди. Энди отлиқ отга қўлқопсиз ўтирди. Бу қўллар оппоқ, сеҳрли, кенг, айна пайтда Зумраднинг қалбига ҳам хайиқиш, ҳам меҳр туйғусини соларди. Отлиқ шошилмасдан отчопарга чиқди, бу ерда отлар совутилгандан сўнг бирин-кетин ҳовлига чиқишарди. Айланада фақат Зумрад ва у билан ўтиш жойида учрашган улкан қора йўрға қолди. Минбардан оломон бошдан-оёқ қуюқлашиб, қорайганча кўринар, бу қоп-қора тўдада сон-саноксиз, қувноқ, пала-партиш чехралар, қўллар товланар, ранг-баранг ёмғирпўшлар, бош кийимлар кўзга ташланар, оқ варақдаги дастурлар ҳаволанарди. Зумрад қадамларини аста-секин тезлатиб, минбар ёнидан югуриб ўтаётиб, минглаб кўзлар киприк қоқмай уни кузатаётганини сезди, бу кўзлар очиқ-ойдин ундан елдан учқур югуришни, бутун куч-қувватини ишга солишни, юраги зарб билан уришини исташарди. Бу идрок унга бахтиёр ва тантиқ лаҳзаларни бахш этди. Таниш оқ йўрғада ёш бола ўтирар, оти Зумрад билан ёнма-ён, ўнг томонда қаттиқ кишнаганча сакраб чопарди.

Зумрад танаси чап томонга сал эгик ҳолда текис ва қадамларни ўлчаб олгандай югураётиб, қайрилишни чамалаб кўрди, қизил айланадаги устунга яқинлашди. Отчопарда қисқа қўнғироқ чалинди. Отлиқ билдириб-билдирмай ўзини ўриндикда базўр ўнглаб олди, қўллари қўққисдан қаттиқлашди. “Энди юр. Кучларингни авайла. Ҳали эрта”. Белгини тушунди Зумрад, бир лаҳза орқага қайрилиб, зийрак қулоқларини диққайтирди. Оқ йўрға ёнбошда текис чопиб борар, фақат озроқ орқада эди. Зумрад унинг яғринидан келаётган янги ва текис нафасни яқиндан эшитди.

Қизил устун ортда қолди, яна битта кескин бурилиш, йўлакча бўйлаб ростланиб, яқинлашгани сари иккинчи минбар қорайиб кўринар, олисдан гуриллаётган оломон янада қалинлашар, ҳар бир қадамда ўсарди. “Яна! – қўйиб берарди отлиқ, – яна ва яна!” Зумрад бироз шиддатланди, бор кучини йиғиб, зўр бериб, югуришга сарфлашни хоҳларди. “Мумкинми? – ўйлади у. “Йўқ, ҳали бор, ҳаяжонланма, – дея уни сеҳргар қўллар тинчлантирарди. – Кейин”.

Икки йўрға ҳам устунларни бирдай айланиб ўтишди, фақат бу устунлар диаметрининг қарама-қарши томонида, икки минбарни бирлаштирадиган жойда жойлашган. Қаттиқ тортилган иплар озгина қаршилиқдан ҳам узилиб кетиши мумкин, шиддат зарбидан Зумрад бир лаҳзага қулоқларини беркитиб олишга мажбур бўлди. Бироқ бунини шу заҳотиёқ унутди, бор диққатини ажойиб қўлларга қаратди: “Яна бироз! Қизишма! Тўғрига қараб юриш керак!” – буйруқ берди отлиқ. От чайқалаётган қоп-қора минбар ёнидан учиб ўтди. Яна бир неча саржин ва тўрталаси – Зумрад ва унинг отлиғи, оқ йўрға ва дўғага боғланган, кавшарланган, қисқа узангидаб бола от ёлидан кўз узолмай, бахтиёр юзлари яшнаб, бутун борлиғи билан отни югуртирарди, уларга эркинлик жарангдор мусиқадай илҳом бахш этар, ҳар бири ўз вазифаларини аъло даражада уддалашмоқда эди. Та-та-та-та! – ерни равон қоқиб боради Зумрад. Та-та-тра-та! – ёла бола қисқа ва кескин равишда қайтаради. Яна битта бурилиш ва иккинчи минбар томонга югуради. “Мен ҳам тезлатайми?” – сўрайди Зумрад. “Ҳа, – дейди қўллар, – фақат шошилма”.

Иккинчи минбар ғизиллаб ўтганини илғаб ҳам қололмайсан. Одамлар нималардир деб қичқирашади. Бу Зумраднинг эътиборини тортади, у қизишади, тизгиннинг ҳароратини-да сезмай қолади, бир муддат ичида йўлларни тўғри чамалаб, ўнг томондан тўрт марта қайсарлик билан сакрайди. Бироқ тизгин ўша заҳотиёқ қаттиқ тортилади ва отнинг оғзини ачитиб ўтади, бўйинини пастга ўраб олади, бошини ўнг томонга айлантириб ташлайди. Энди ўнг оёқ билан сакраш ноқулай. Зумраднинг жаҳли чиқди, оёқларини алмаштиришни истамади, отлиқ эса унинг кайфиятини пайқаб, секин йўртишига қўйиб берди. Зумрад ўз мақомига кириб олди, дўстона қўллар майинлашди. Зумрад хатосини тушунди, тезлигини икки баробар оширишга уринди. “Йўқ, ҳали эрта, – очиқ қўнғиллик билан юпатди отлиқ, – биз бунини тўғрилашга улгураемиз. Ҳечқиси йўқ”.

Улар ҳавас қилгудек дўстлардай бир-бирини англаб, ҳеч қандай савалашларсиз яна бир айлана ва ярим айланани босиб ўтишди. Бироқ қора от бугун аъло кўринишда эди. Зумрад ишни бузиб қўйганда отлиқ йўрға устига қалин матони ташлашга муваффақ бўлди, Зумрад кўздан йўқолган, охиридан олдинги устунни изларди, устунгача уч чорак мил қолган эди. “Энди – олға. Қани, юр!” – буйруқ берди отлиқ. Зумрад қулоқларини диққайтирди ва бир марта ортга илкис назар ташлади. Отлиқнинг юзлари қизариб кетган, кескин, қатъий, бесабр, сарғиш, катта-катта, буришган, қаттиқ қисилган лаблари ялтираб кетди. “Энди ўзингни кўрсат! – юқорига кўтарилган қўллардаги тизгинлар буйруқ берарди. – Яна! Яна!” Отлиқ бирдан кескин дириллаган, сиреналардай чинқироқ товушда қичқирди:

– О – э-э-э-эй!

– Мана, мана, мана, мана! – ёла бола ўткир ва жарангдор овозда от чоптириб борарди.

Шиддат туйғуси энг баланд чўққига кўтарилди, ҳозир узилиб кетгудек энг нозик толада илиниб турарди. Та-та-та-та! – ерга оёқларини бир маромда уриб борарди Зумрад. Трра-трра-трра! – олдда Зумраднинг ортидан эргаштириб келаётган оқ йўрғанин сакрашлари эшитиларди. Арава шотилари чайқалар, сакраш мақомлари кўтарилар, бола эгарга ўтириб, от бўйнига батамом ётиб олган эди.

Шамол қаршидан келар, қулоқлар ёнидан ҳуштак чалиб ўтар, отнинг бурун тешиklarини қитиқлар, бўлак-бўлак, катта-катта буғлар кўтарилар, нафас олиш қийин эди, териси қизиб кетган эди. Зумрад сўнги бурилишни ҳам босиб ўтди, бутун вужуди ичига тортиб кетгандай эди. Минбар тирикдай ўсиб борар, минглаб товушдаги қий-чувлар Зумраднинг ҳам кўрқувга солар, ҳам ҳаяжонлантирарди. Унда йўртиш учун бошқа куч қолмади, сакрагиси келди, бироқ бу азамат қўллар ҳам буйруқ берар, ҳам тинчлантирарди: «Азизим, сакрама! Фақат сакрама!... Мана шундай, мана шундай, мана шундай». Зумрад устун ёнидан шитоб билан ўтиб бораркан, назорат ипини узиб юборди, бунини ҳатто ўзи ҳам сезмай қолди. Минбардан қичқирдиқлар, кулги, қарсақлар шаршарадай оқиб тушарди. Афишаларнинг оқ варақлари, соябонлар, таёқчалар, бош кийимлар чир айланишар, ҳаракатланаётган юзлар, қўллар оралаб лип-лип ўтарди. Отлиқ тизгинни оҳиста ташлади. “Албатта, раҳмат, азизим!” – деди Зумрад ва бор кучини қийинчилик билан бўлса-да, ушлаб турди ва аста-секин қадам ташлади. Бу пайтда қора от қарама-қарши томондаги ўз устунига етти дақиқа кечикиб, етиб келган эди.





Отлиқ машаққат билан увишиб қолган оёқларини кўтариб, Зумрад отнинг устидан оғир сакраб тушди ва бахмал ўриндиқни олди, у билан биргаликда тарози томон йўналди. Отбоқарлар югуриб келишди. Унинг иссиқ белини жул билан ёпишди ва ҳовлига олиб чиқишди. Оломоннинг шовқин-суронлари, ҳайъат аъзолари даврасида узоқ чалинган кўнғироқ овози жаранглаб турарди. Енгил, сарғиш тер томчилари отнинг юзидан ерга ва отбоқарлар қўлига тушарди.

Бир неча дақиқадан сўнг ўзини тутиб олган Зумрадни минбар ёнига келтиришди. Эгнига узун пальто ва бошига янги ярқираб турган шляпа кийган баланд бўйли бу одамни Зумрад отхонада кўп кўрган, у тез-тез кириб турар, бўйинларини шапатилаб кўяр, кафтига бир бўлак қанд солиб, отнинг оғзига тутарди. Отлиқ ҳам шу ерда, одамлар ичида жилмайиб турар, афтини буриштириб, узун тишларини такиллатарди. Зумрадининг устидан жулни олиб ташлаб, уни қути олдида уч оёқлатиб қўйишди, қоп-қора матога ўралган қути остида кулранг кийимдаги жаноб яшириниб олганча нимадир қиларди.

Одамлар минбардан қоп-қора бўтқа сингари ёйлиб тушиб келишар, бир-бирини сиқиб, отни ҳар томондан ўраб олиб, қўлларини силкиб, бақирар, бир-бирига энгашиб, юзлари қизарган, қизишиб кетган, кўзлари ёниб турарди. Оломон нимадандир норози эди, ҳар бири бармоқларини Зумрадга бигиз қилиб, оёқларини кўрсатар, бош, қўлларини ёнбошига тикиб оларди. Чап томондан от сағринидаги матони хурпайтириб кўришди, у ерда тамға кўринди, барча бир овоздан қичқаришга тушди: “Қалбаки, сохта йўрға, алдов, фирибгарлик, пулни қайтаринглар!” – Зумрад бу сўзларни эшитар, аммо маъносини тушунмасди, қулоқларини безовталаниб қимирлатарди. “Улар нима ҳақда гапиришмаяпти? – ҳайрон бўлиб ўйларди у. – Ахир, мен жуда яхши югурдим!” Шу пайт унинг кўзи отлиққа тушди. Унинг ҳамиша хотиржам, енгил киноя билан кулимсираб турадиган жиддий кўзларида ғазаб ёнарди. У кутилмаганда баланд бўғиқ овозда қичқариб юборди, қўлларини силкиди, баногоҳ учган тарсаки товуши оломоннинг ғовур-ғувурини бўлиб ташлади.

## 6

Зумрадни сайисхонага олиб бориб қўйишди, уч соат ўтгач, унга сули беришди, кечкурун қудуқдан суғоришди. Катта сариқ ой девор ортида турган отнинг қалбига кўрқув ҳиссини солди.

Шундан сўнг зерикарли кунлар бошланди.

Уни бошқа ағанатиб ўйнатишларга, совутиш, югуришга олиб чиқишмади. Аммо ҳар куни нотаниш одамлар келишар, ҳовлига олиб чиқишар, обдон кўздан кечиришар, ҳамма жойларини ушлаб кўришар, оғзини очишар, чилвир тошга маҳкам бойлаб, бир-бирига бақирарди.

Кунлардан бир куни уни кечкурун отхонадан олиб чиқишгани, узун, тошли, бўм-бўш кўчадан, чироқлари ёниқ уйларнинг ёнидан олиб ўтишганини эслади. Кейин – вокзал, дириллаб турган қоп-қора вагон, ҳор-

ғинлик ва титроқ узоқ йўлда оёқларини тарк этмади, паровозлар қичқариғи, рельслар гулдираши, тутундан тарқалаётган димиқтирувчи ҳид, фонуснинг жилвагар чайқалишлари. Бир станцияда уни вагондан олиб чиқишди, нотаниш йўлдан узоқ олиб юришди, кенг, бўм-бўш кузги далалар, қишлоқлар оралаб ўтди, ниҳоят, нотаниш отхонага олиб келишди ва бошқа отлардан олисроқ жойга қўйишди, лекин қамашмади.

Аввалига пойгалар, югуришлар, кадрдон отлиғи, Васька, Назар ва Онегинни эслади, уларни тез-тез тушларида кўрди, бироқ вақт ўтиши билан ҳаммасини унутди. Уни кимдандир беркитишарди, отнинг ёш, қайноқ ва бемисл кучга тўла вужуди соғинч, ноиложлик, ҳаракатсизликдан бўшашиб, сўлиб борарди. Баъзан янги нотаниш одамлар келар, Зумрад атрофида тўпланишар, пайпаслаб кўришар, тортиб ташлашар, асабийлашиб, бир-бирлари билан жанжаллашарди.

Баъзан Зумрад тасодифан очиқ эшикдан бошқа отларни кўриб қолар, улар эркинликда юришар, чопишар, шунда у отларга қараб, аччиқ ва мунгли овозда кишнаб юборарди. Бироқ одамлар ўша заҳотиёқ эшикни ёпиб қўйишар, яна туссиз кунлар, ёлғизлик тунлари бошланарди.

Отхона бошлиғи – боши катта, кўзлари кичик, юзи салқин, юпка қора мўйлабди одам Зумрадга лоқайд кўринарди, лекин от ундан тушуниб бўлмас кўрқув ҳиссини туярди. Бир куни эрталаб, ҳали бошқа отбоқарлар уйғонишмаган пайт у сассиз, шовқинсиз, оёқ учида Зумрадининг ёнига келди, охурга сули ташлади ва кетди. Зумрад биров ҳайрон бўлиб турди-да, бўйинини эгиб, ея бошлади. Сули ширин эди, салгина ачқимтир, бироқ тансиқ таом эди. “Ғалати, – ўйлади Зумрад, – мен ҳеч қачон бундай сулини еб кўрмаган эканман”.

Кутилмаганда қорнида енгил оғриқ сезди. Оғриқ яна турди, кейин тўхтади, яна кучайди, дақиқа сайин зўрайди. Ниҳоят, оғриқ чидаб бўлмас даражага бориб етди. Зумрад бўғилиб зорланди. Унинг кўз олдидан оловли филдирак айланиб ўтди, ҳолсизликдан бутун танаси терлаб кетди, заифлашди, оёқлари қалтираб, букилди ва полга гурсиллаб йиқилди. У туришга ҳаракат қилди, фақат олдинги оёқларини кўтаролди ва ёнбошга йиқилди. Отнинг бошида шовқин ғувилларди, кўз ўнгидан тишларини ғижирлатиб отлиқлар, баланд овозда кишнаб-кишнаб Онегин сузиб ўтди. Номаълум куч Зумрадни шафқатсизлик билан пастга, қоп-қора ва совуқ гирдобга тортиб кетарди. У энди қимирлай олмасди.

Қалтироқлар аввал оёғи, кейин бўйинини қотириб, белини синдиришди. От танасини бир нафасда ўткир ҳидли тер қоплади. Фонуснинг сирғалаётган сарғиш нури бир лаҳза унинг кўзларини кесиб ўтди ва сўнаётган нигоҳларида ўчди. Аммо қулоқлари ҳали одамларнинг кўпол қичқариқларини эшитар, афсуски, пошналари билан итариб, тепиб кўришаётганини сезмасди. Шундан сўнг ҳаммаси бирдан абадий ўчди.

**Рус тилидан Ойгул Суяндиқова таржимаси**





Нодира НАЗАР

## Унутмагин бизлар ўтган шаън йўлларни

\* \* \*

Хотиралар олиб кетса мени сендан,  
Қор-ёмғирдан сўроқлама севгимизни.  
Эшигинга йўлатгим йўқ ёмғирларни,  
Босолмайди ҳатто қорлар изимизни.

Тортиб олса мени сендан аччиқ ҳаёт,  
Ўт қўймагин ишқимизнинг гул ёдига.  
Унутмагин бизлар ўтган шаън йўлларни,  
Қулоқ берма ҳижронларнинг фарёдига.

Олиб кетар хотиралар мени ишон,  
Юрагимни бериб қўйдим мен доғларга.  
Наҳот мангу қолиб кетсак замҳарирда,  
Келмагайми энди баҳор бу боғларга.

### БЕДОР ТУН

Бу тун руҳим билан бирлашиб кетди,  
Худди сенга ўхшаб сўзлади менга.

Дилдаги оромим йўқолди, йитди,  
Умрим ўхшаб қолди сирли ўйинга.

Гоҳо лол қоламан, бу не сир экан?  
Рости, юрагимда зорланади тун.  
Адоги кўринмас хаёлларимнинг,  
Тун асли бедор қиз – сочлари узун!

Гоҳо кўзларимга урилар соғинч,  
Тунларим ёдингдан оқариб кетар.  
Саволлар ёгади бошимга чунон,  
Жавобларинг эса дилим маҳв этар.

\* \* \*

Ҳижроннинг талх шаробини ичганда ҳам,  
Ўртадаги ишқ риштасин ечганда ҳам,  
Ҳатто сенинг юрагингдан ўчганда ҳам,  
Кўзларингни унутолмам, кўзларингни.

Ўзга малак қадамингни тун-кун кутса,  
Муҳаббатим фарёдлари кўкни тутса,  
Шу ишқ билан чин дунёлар томон ўтсам,  
Кўзларингни унутолмам, кўзларингни...

\* \* \*

Ёнгинамда ётар у,  
Ухлар гўё айни дам.  
Тушлар кўряпти, балки  
Яна киприклари нам.

Юрагимга сигмайман,  
(Наҳот бари бўлган ҳал?!)  
Дилимда шеър ўртанар,  
У ухлагани маҳал...

Нодира НАЗАР



1991 йилда туғилган. Ҳозирда ЎзДЖТУ та-  
лабаси. “Ҳаяжон фасли” шеърӣ тўплами нашр  
этилган.



## АДАБИЁТДА МОДЕРНИЗМ

Инсоният ҳаётидаги онг ости оқими маҳсули бўлган модернизм реализм адабий йўналишидан сўнг адабиёт саҳнасига чиқди. Бошқача айтганда, биринчи ва иккинчи жаҳон уруши оқибатида бутун инсониятни тушкунлик кайфияти чулғаб олди. Натижада абсурд кайфиятидаги модернизм оқими майдонга чиқди. Янги адабиёт ҳаётни борица қабул этмай, уни идрок қилиш мумкинмас деб билади, тарих ва анъаналарни рад этади, воқелиқда яшашни истамайди: унда воқелик оний таассуротлар йиғиндиси, тасодиф ва ғаройиботга тўла макон тарзида ифодаланари.

Жаҳон адабиётидаги кўпгина модернистик руҳда яратилган асарларда қарама-қаршиликлар оламида гангиб қолган ва мақсадсиз, ҳаёт қийинчиликларидан чарчаган инсон тасвирланади, бундай шароитдан чиқиб кетиш учун ижтимоий ҳаётга теран қарашдан чекиниб, ҳиссиётларга – ҳаёлотга берилади.

Гарчи “модернизм” атамаси жаҳон адабиётшунослигида қарийб бир асрдан бери қўлланиб келатган бўлсада, биз учун янги, бир қадар нотаниш истилоҳ. Ўзбек адабиётида модернизм ўтган асрнинг бошларидаёқ пайдо бўла бошлаган. Бироқ,

мустақилликгача бўлган ўзбек танқидчилигида “модернизм” тушунчасига муносабат билдириб ёзилган мақолани ёки бу оқимнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган илмий ишларни кам учратамиз. Шунини айтишимиз мумкинки, 20-30 йилларда ўзбек адабиётида ҳам муайян модернистик изланишлар бўлган. Шўро адабий сиёсати модернизмни хушламай қарши олишига қарамай, рус ва бошқа миллий адабиётлар, жумладан, ўзбек адабиётида бу тамойил бўй кўрсата бошлади. Шунингдек, Чўлпон, Ойбек, Миртемир, Усмон Носир ижодларида ҳам модернизмга хос белгилар кўринади. Афсуски, ўзбек адабиётида рўй бера бошлаган бундай ўзгаришлар ўз даврида танқид остига олинди, қўллаб-қувватланмади ва натижада давом эттирилмай қолиб кетди.

Бу ўринда адабиётшунос У.Норматовнинг қуйидаги фикрини келтириб ўтмоқ жоиз: “Социалистик реализм совет адабиётининг расмий методи деб эълон қилинган, модернизмнинг ҳар қандай кўринишлари реакцион оқим сифатида кескин рад этилган замонларда ҳам ихтиёрий, ёки беихтиёр ижодкор онг ости шеvasи тарзида модернистик тамойиллар турли кўринишда давом этди”.

Чўлпон ижодидаги “Сомон парча” шеърини олайлик:

*Топширдим ўзимни муҳит эркига...  
Муҳит гирдобиди бир сомон парча,  
Бир похол чўпдек оқиб бораман.  
Ҳар амал, ҳар ишни “ҳақ” деб бораман.  
Вазминим қолмади бир узун қилча...*

Кундалик дафтаридан олинган ушбу шеър шоирнинг шуурида қандай улуғ ниятлар туғилган, бошида қандай олижаноб ўйлар чарх урган бўлмасин, муҳитдаги эркисизликдан, халқнинг маънавий қашшоқлигидан чарчагани, ҳаётдан маъно топа олмаётганлигини кўришимиз мумкин:

*На исён, на тўлқин, на тўфон, на ўт!  
Кўзимда бир оғир таслим нури бор.  
Эй ўтлик кечмишим юзингни беркит!  
Сенда шайтонларнинг ҳақсиз зўри бор!*

Дилафрўз  
СОБИРОВА



1992 йилда Андижон шаҳрида таваллуд тогган. Андижон давлат университети магистри. Илмий-адабий мақолалари республика матбуотида чоп этилган.



Шеър сўнгида эса ҳаёт денгизида сузишдан чарчаб, тушкунликка тушган ва таслим бўлган шоирни кўришимиз мумкин:

*Кирмаймен кўчанинг боши беркига,  
Топширдим ўзимни муҳит эркига...*

Бундай мисолларни яна Чўлпон ижодига ҳамонханг равишда ижод қилган Ойбек, Миртемирлар шеърлятида ҳам учратамиз.

Бугунги кунга келиб эса адабиётимиз янгича шароитда яшаб ижод этмоқда. Энди ёзувчи ва шоирлар бадиий шакл ва услуб борасида жуда кенг кўламдаги изланишлар олиб боришлари мумкин ва олиб боришаётирлар ҳам. Модернизм йўналишининг ўзига хос шаклларида, анъанавийликни ўзига сингдирган ҳолда ижод қилиб келаётган шоир ва ёзувчиларимиз жуда кўпчиликни ташкил қилади.

Истиқлол даври адабиётида яратилаётган модерн асарлар ўзбек адабий танқидчилигида мунозаралар ва баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда.

Чунончи, Умарали Норматов “Умидбахш тамойиллар” мақоласида ўзбек адабиётида инсонни табиий, сирли-сехрли мавжудот тарзида кўрсатувчи асарлар яратилаётганини, “инсон – ижтимоий муносабатлар мажмуи”, деган марксча сохта ғоянинг, адабиётни умумпролетар машинасининг бир винтчаси сифатида талқин этган ленинча мафқуранинг асосий тамойиллари ўз таъсирини буткул йўқотганини таъкидлаб, ўзбек танқидчилиги янги ўзгаришлар, янгиланишлар палласига кириб келаётгани, хусусан, “экзистенциализм”, “абсурд” сингари модернизм адабиёти оқимларига холис муносабат ўзбек танқидчилигидаги изланишлар умумжаҳон адабий жараёни билан уйғунлашаётганидан далолат беришини айтади.

Умарали Норматовнинг шу қатордаги мақолалари адабий жараёнда қизгин мунозараларга сабаб бўлди. Чунончи, Баҳодир Саримсоқов “Абсурд – маънисизликдир” мақоласида “абсурд” тушунчасининг маъносидан келиб чиқиб, Умарали Норматовнинг А.Қаҳҳор “халқ ҳаётидаги айни шу маънисиз – абсурд ҳаётини кашф этиб бергани” ҳақидаги фикрини рад этади: “Биз ўтмишимизни абсурд дея олмаймиз. Айни шу оғир ҳаёт бағрида ажодларимиз яшади, ёруғ келажак сари интилди, курашди, демак, яхшими-ёмонми ўтмишимизда маъно бор”. Баҳодир Саримсоқов абсурд адабиётини “ботқоқ”, деб атаб, унга ёт, кераксиз ғоя сифатида қарайди ва “бу масалада бахслашишга ҳамиша тайёрман” деб айтади. Бу фикрлар дастлабки абсурд адабиётининг ўзбек адабиётидаги изланишлари самараси эди.

Атоқли ёзувчи Пиримқул Қодиров эса “Маънавият, модернизм ва абсурд” номли мақоласида Жеймс Жойс асарларини тушкунлик ва нигилизмда айблар экан, унга, умуман модернизм ва абсурдга постмодернизмни қарши қўяди: “...тушкунликка тушган ва нигилизмга берилган анъанавий модернизмнинг ўрнига келаётган ва жаҳон бўйлаб тан олинаётган бағрикенг, маънавияти бор постмодернизмга нисбатан хайрихоҳ бўлишимиз керак, деб ўйлайман”.

Агар “модернизм отаси” деб тан олинган Ж.Жойснинг таржимаи ҳолига назар соладиган бўлсак, унинг киндик қони тўқилган юрт – Ирландияни Англия мустамлакага олиб, ўз она тилидан мосуво этишади. Шунинг учун у ўз юрти ва халқини айбдор санаб Ирландияни тарк этади. Ўз ватанидан, она тилидан, динидан, ўзлигидан айрилган Жойс ўтмишидан жирканиб яшайди ва маънавий тушкунликка, ёлғизлик азобига учрайди. Жойснинг ҳаёт чизгилари модернизм қомусига айланган дейишимиз мумкин. Пиримқул Қодиров ҳам айнан шуни назарда тутган ҳолда модернизмга қарши кайфиятда эканини сезиш қийин эмас. Лекин бизнингча модернизмнинг куртаги ҳисобланган постмодернизмни оқлаб, модернизмнинг ўзини тан олмаслик мумкин бўлмаса керак.

Пиримқул Қодиров мақоласидаги баҳсли ўринлар танқидчилик эътиборидан четда қолмади. Қозоқбой Йўлдошевнинг “Ўзбек модерн адабиёти: илдизлар, принциплар ва хусусиятлар” мақоласида принципал мезонлардан келиб чиқиб, Пиримқул Қодировнинг юқорида тилга олинган мақоласи таҳлилига киришадди ва бу мақолани янги фалсафий-эстетик йўналишни эскича қолиплар асосида баҳолашга уриниш, деб таърифлайди.

Яна бир таниқли мунаққид Муҳаммаджон Холбеков ўзининг “Модерн адабиёти – тадриж ва талқин” мақоласида шундай фикр билдиради: “XX асрнинг 70-йилларида жаҳон адабиётида модернизм ўз ўрнини постмодернизмга бўшатиб берди. Шундай экан, кейинги йилларда ўзбек адабиётшунослигида тилга олинаётган модернизм ва структурализм принциплари хусусида баҳс юритиш ўринлимикан? Ёхуд академик Бахтиёр Назаров таъкидлаганидек, модернизм ва абсурд сингари ҳодисаларни Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор сингари сўз санъаткорлари ижодига олиб бориб тақайвериш жиддий чалкашликлар туғдирмайдими? Умуман, ўзбек адабиётида модернизм ёки постмодернизм анъаналари мавжудми, адибларимиз ижодини Ғарб ва Америка модерн ёзувчилари Ф.Кафка, Ж.Жойс, Э.Хемингуэй, У.Фолкнер ижоди билан солиштириб ўрганиш мақсадга мувофиқми? Бизнингча, ушбу саволларга жавоб қидиришдан аввал ўтган аср жаҳон адабий жараёнини мукамал ўрганмоғимиз зарур”. Демак, танқидчининг фикрича модернизм ва постмодернизм йўналишлари бизга бутунича жаҳон адабиётидан кириб келган экан-да? Ёки адабий жараёнда чалкашликлар туғдирмаслик учунгина ўзбек адабиётида аввалдан бу йўналишларнинг илдизлари бўлмаганига ишонишимиз керакми? Бошқа адабиётшуносларнинг фикрича модернизмнинг илдизлари Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий, Бобораҳим Машраб, кейинчалик эса Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ижодларида кўзга ташланади. Лекин мумтоз адабиётимиздаги тасаввуфни модернизм билан тўлалигича боғлаш – жиддий хато.

Ўзбек адабиёти ривожига оид қизгин адабий суҳбатда иштирок этган Назар Эшонқул постмо-



дернизмга шундай баҳо берди: "...Менга адабиётнинг бош вазифасини, унинг асл миссиясини унутиб қўйиб, шакл ва фикр изидан қувган оқимлар, унинг қандай номланишидан қатъий назар ёқмайди. Мен бугун шов-шув бўлаётган постмодернистлар ҳақида фикр айтишдан тийиладман. Кафка, Камю, Жойсда ва бошқа модернист деб аталган ёзувчиларда инсон изтиробини ва поэзия, нафосат бор эди. Ҳозирги давр оқимлари ҳақида бундай дея олмайман. "Ҳаёт маънисиз, маънисизликка онгли муносабатда бўлиш керак", деган фикрни оҳорсиз шаклларга солиб бераётгандай, бундай жимжимадор оқимларга чалғиш керак эмас".

"Сўнги пайтда ўзбек шеъриясида "модернизм" атамаси кўпроқ ишлатилмоқда. Лекин ўзбек адабиётида бу атамаларга аниқ жавоб топиш мушкул. Чунки, модернизм тушкунлик, Худосизлик ва аъъанавийликка қарама-қарши равишда Европада юзага келган оқим. Бизнинг халқимиз ўз аъъаналарига содиқ халқ. Шундай ҳолатда модернизмнинг ўзбек шеъриясида бўлиши мумкин эмас", деган фикрлар ҳам эътироф этилган. Албатта, модернизм адабиётини барча оқимлар каби қабул қилиш ёки қилмаслик ҳар бир шахснинг инон-ихтиёрига боғлиқ. Бироқ, бевосита мутахассис сифатида нафақат бирор-бир оқим, ҳатто оддий бир асар атрофида баҳс кетганда ҳам олдиндан тайёр қолиплар кўмагида шошилиш хулосага келиш кутилган натижани бермайди.

Ҳўш, бугунги кунда адабиётимизга шундай адабий ҳодисалар кириб келаётган экан, биз уларни бори-бора қабул қилишимиз керакми? Агар шундай қилсак, миллий адабий аъъаналаримизга путур етмайдими? Ўзгача маънавий руҳда, ўзгача кайфиятда яратилган асарларни китобхонлар тўғридан-тўғри мутолаа қилсалар, оқибати қандай кечади?

Мумтоз адабиётимиз тарихини ўрганар эканмиз, кўп асрлик ўзбек адабиётининг тараққиёти турли халқлар билан доимий адабий алоқалар эвазига амалга ошганига гувоҳ бўламиз. Форслар, араблар, мўғуллар истилоси натижасида адабиётимиз бугун

мозаика ҳолига келди. Араблардан адабиётимизга аруз вазни ўзлашган бўлса, форс адабиётидан тасаввуфий қарашлар кўчиб ўтди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, ўз ўрнида жаҳон адабиётидан тўла юз бориш, буткул узилиб, уни инкор қилиш, унга бирёқлама муносабатда бўлиш ҳам ярамайди. Негаки, адабий тараққиёт адабий алоқалар алмашинуви негизда кечади. Мана шу жиҳатдан қаралса, адабий алоқани қандай амалга ошириш, яъни жаҳон адабиёти аъъаналарини қандай ўзлаштириш, бошқача қилиб айтганда, миллийлаштириш том маънода миллатимиз маънавий қиёфасини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Истиқлолдан кейинги йилларда модернизм, постмодернизм каби адабий аъъаналарнинг адабиётимизга, хусусан маънавиятимизга таъсири бирмунча фаоллашдики, бу ҳол ижодкор аҳлидан жаҳон адабиётисидаги аъъаналарни ўзлаштиришда жадал тараққиётни, юксак миллий ғурурга таянган маънавий руҳни талаб қилади.

Дунёвий модерн ва постмодерн адабиёт бўлганидек, миллий модернистик ва постмодернистик адабиёт ҳам чинакам бадиий-эстетик жозоба ва миқёс касб этиш учун машаққатли ижодий курашни давом эттирмоқда. Эндиликда янгилаш санъати ижтимоий хизматкор бўлишни истамайди, муайян қолипларга сиғмайди, айрича кенгликларга интилади, сохта кўтаринкилик ва сунъий даъватлардан чекинади, ифодавий мукамаллик намоён этади, ҳурлик ва эркинлик имтиёзларидан озиқланиш баробарида олам ранг-баранглиги, инсон турмуш тарзи ва руҳияти мураккаблиklarини турфа хил жозибали услубда фалсафий-сурурий ва мажозий йўсинда ифодалашни зиммасига олади.

Жаҳон адабиёти аъъаналарини ўзлаштиришга ижодий ёндошишимиз, миллий менталитетимизни ҳисобга олган ҳолда кўр-кўрона тақлид қилишдан йироқ бўлишимиз зарур. Зеро, шу кунларда миллий адабиётимизга модернизм ва постмодернизмдан кейинги оқим – немодернизмнинг кириб келиши кузатилмоқда.





## ЯНГИ ПАРОДИЯЛАР

### ҲОЗЛАРНИНГ РАШКИ КЕЛИБ...

*Бойжигит АБДУЛЛАЕВга*

*“Ҳозларга барибир ёзу қиш, баҳор,  
Анҳорда сув бордир, шодмон сузадир.  
Қирғоқнинг бўйида уйинг, эй дилдор,  
Кўзларим – мусаввир, расминг чизадир.  
...Ҳозлар бир баҳона, келаман: ҳар кун,  
Сен-чи вақт топмайсан ҳолим сўргали”  
“Ҳозларга барибир” шеърдан.*

\* \* \*

– Ҳой жигит,  
Бойжигит!  
Ўша қушлар анҳор узра сайр этиб,  
Сув сатҳида ўз аксини қолдирар.  
Кўзларингиз қўш шамчиноқ – мусаввир,  
Нигоҳингиз бир боқишда ёндирар.  
Кипригингиз гўё ханжар, чўғ ташлаб,  
Дуч келганни ўзлигидан тондирар.  
Қирғоқдаги уйимизга ўт қўйиб,  
Ишқ даштида аросатда қолдирар.

– Ҳой жигит,  
Бойжигит!  
Отаму акамдан ўғринча бордим,  
Шодмон сузган паррандани кўргани.  
Бу ишимни онамдан ҳам сир тутдим,  
Ҳойибона ҳоли аҳвол сўргани.  
Аслида бу қушлар ўта зийракдир,  
Аттанг, ташрифимни илғаб қўйибди.  
Ҳозлари тушмагур, Сиздан рашк қилиб,  
Анҳорнинг сувларин булғаб қўйибди...

– Ҳой жигит,  
Бойжигит!  
Бобонгиз ўланчи ўтган эмасми?  
Шу боисдан суяк суриб кетганми?  
Ҳозларнинг ғашига тегманг илтимос,  
Бошқа бир баҳона куриб кетганми?

### ТЕЛБА КАНГУЛ

*Чоршамъ РЎЗИЕВга*

*“Бизга баҳор бегонадир борган сари,  
Кўнглимиз ҳам вайронадир борган сари,  
Шодон кулиб юрар эдик авваллари,  
Энди умр бегонадир борган сари”.  
“Борган сари” шеърдан*

\* \* \*

Келин-кертик хамир-памир қорган сари,  
Нон окизоқ кўздан ўтар борган сари.  
Қовун полиз, хомак-помак ёдга тушар,  
Набиралар бош-мошини ёрган сари.  
Ота мерос чилим ётар том бошида,  
Наша-паша хаёлимни олган сари...  
Чоршамъ укам!  
Мотамсаро мисраларга изн берманг,  
Шайтон дилга ғулғулалар солган сари.  
Оқибатли дўстлар бисёр, шодон кулинг,  
Демак, олам нурхонадир борган сари.  
Турсун Али полвон турар тегрангизда,  
Сухбатидан дил қонадир борган сари,  
Таниб бўлмас Бухоро-ю Наманганни,  
Жаннатмакон Фарғонадир борган сари...